

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
АКАДЕМИЯСИ**

**Қўлёзма ҳуқукида
УДК34337(041)(575.1)**

ЖўРАЕВ НОДИРЖОН КОМИЛОВИЧ

**СОЛИҚ ХИЗМАТИ ОРГАНЛАРИДА КОРРУПЦИЯГА ОИД
ЖИНОЯТЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ: МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ
ТАЖРИБА**

5А240123 – Коррупцияга қарши курашиш

**Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар: Академия доценти,
юримдик фанлари доктори В.Г.Каримов**

Тошкент – 2020 йил

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
I БОБ. ДАВЛАТ СОЛИҚ ХИЗМАТИ ОРГАНЛАРИДАГИ КОРРУПЦИЯГА ОИД ЖИНОЯТЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ ТАШКИЛИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ.....	12
1.1§ Давлат солиқ хизмати органларида содир этиладиган коррупцияга оид жиноятларнинг жиноий-ҳуқуқий тавсифи.....	12
1.2§ Давлат солиқ хизмати органларидаги коррупцияга оид жиноятларнинг олдини олишнинг тизими.....	23
1.3§ Давлат солиқ хизмати органларидаги коррупциявий жиноятчиликнинг ҳолати.....	32
II БОБ. ДАВЛАТ СОЛИҚ ХИЗМАТИ ОРГАНЛАРИДА КОРРУПЦИЯГА ОИД ЖИНОЯТЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....	40
2.1§ Солиқ хизмати органларида коррупцияга оид жиноятларни олдини олиш борасидаги халқаро тажриба.....	40
2.2§ Давлат солиқ хизмати органларида коррупцияга оид жиноятларнинг содир этилишига сабабчи омиллар ва уларни бартараф этиш йўллари.....	52
2.3§ Давлат солиқ хизмати органларидаги коррупцияга оид жиноятларнинг олдини олиш тизimini такомиллаштириш.....	65
ХУЛОСА	92
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	97
ИЛОВАЛАР	114

К И Р И Ш

Агар одамдаги табиий эҳтиёжлар унинг тарбиясидан устун чиқса, бу одам ёввойидир. Агар тарбияси табиий эҳтиёжларидан устун бўлса, у зиёли одам бўлиб чиқади. Табиий эҳтиёжлари билан тарбияси тенг – баробар бўлган одамгина инсонийликка муносибдир.

(Конфуций)

Магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Коррупция муаммоси барча мамлакатларда ва иқтисодиёт тармоқларида мавжуд бўлиб, ижтимоий-иқтисодий тараққиётга тўсқинлик қилади, у фақат ўзига хос кўринишлари ва кўлами билан фарқ қилади.

Халқаро валюта жамғармасининг маълумотига кўра, бир хил даромад даражасига эга мамлакатлар таққосланганда энг кам коррупциялашган ҳукуматлар коррупциянинг энг юқори даражасида бўлган мамлакатларга нисбатан ялпи ички маҳсулот ҳисобида 4 фоиз кўп солиқ йиғади. Ушбу ўзаро таққослашлар асосида, агар барча мамлакатлар бугунги кунда коррупцияни сўнгги йигирма йилликда камайтирган мамлакатлар билан бир хил даражада камайтирса, бутунжаҳон солиқ даромадлари 1 трлн АҚШ доллари ёки дунё ЯИМнинг 1,9 фоизига ошиши мумкин.¹

Коррупцияга қарши самарали ва тизимли курашишнинг асосий шартлари давлат ҳокимиятининг ҳисобдорлиги, мустақил ва адолатли суд-ҳуқуқ тизими, аниқ ва осон қўлланиладиган қонунлар, давлатнинг кадрлар сиёсатида меритократия, давлат тартибларининг шаффофлиги ва жамиятда коррупцияга нисбатан муросасизликдир.

Республикамизда тадбиркорлик субъектларига тушаётган солиқ юкини кескин камайтириш орқали инвестициявий муҳитни ривожлантириш, барча

¹ Curbing Corruption, FISCAL MONITOR 2019 APR ©2019 International Monetary Fund. <https://www.imf.org/-/media/Files/Publications/fiscal-monitor/2019/April/English/text.ashx>

солиқ тўловчилар учун бирдек адолатли, шаффоф солиқ тизимини яратиш ва давлат солиқ хизмати органларида коррупцияни олдини олишга алоҳида эътибор берилиб, қатор мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Коррупция муаммоси, айниқса коррупциянинг давлат солиқ хизмати органлари тизимида тарқалиши Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёвни жуда қаттиқ ташвишга солиб, бу борада ўзларининг Олий Мажлисга йиллик мурожаатномалари, алоқадор мавзулар бўйича ўтказган селектор йиғилишлари ҳамда жойлардаги учрашувларида коррупцияга барҳам бериш ва унинг олдини олиш юзасидан ўз фикрларини билдирганлар.

Хусусан, Президентимизнинг 2020 йил 24 январь куни Олий Мажлисга йўллаган мурожаатномасида “Афсуски, жамиятимизда коррупция иллоти ўзининг турли кўринишлари билан тараққиётимизга ғов бўлмоқда. Бу ёвуз балонинг олдини олмасак, ҳақиқий ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яратиб бўлмайди, умуман, жамиятнинг бирорта тармоғи ривожланмайди. Коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эриша олмаймиз. Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз керак.” – деб, шунингдек, Президент ўз маърузаси давомида давлат солиқ хизмати ходимлари иш фаолиятидаги камчиликларга тўхталиб ўтиб, “Солиқ хизмати ходимлари дунёқарашини тубдан ўзгартириш ва малакали кадрларни тайёрлаш мақсадида Давлат солиқ қўмитаси қошида Фискал институтини ташкил этишни таклиф қиламан. Бу жараёнга катта тажрибага эга бўлган нуфузли хорижий экспертларни жалб этиш зарур.” – деб таъкидлаб ўтди².

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 22-23 июнь кунлари Фарғона вилоятига ташрифи чоғида вилоят фаоллари билан ўтказган йиғилишида Давлат солиқ хизмати раҳбарларига қарата “Налог кришавать қилади, таниш-билишидан солиқ олмайди,

² <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyevning-oliy-25-01-2020>.

бўлмаганидан кўп олади, адолатсизлик қилади... Қани бюджетни пули, уч йил ишламасдан тўрт қаватли уй қурасан, 20 та мошина оласан ҳамманг, қаердан? Нима ойликдан оласанми? Сал инсофли бўлгин, ўғри бўл – сал инсофли бўл.” – деб, жиддий танбеҳ берган эдилар.³

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРҚ-419-сонли Қонунининг 30-моддасига асосан, коррупциянинг ҳолатини, хусусиятини, миқёсларини, ўзгаришларини ва тенденцияларини, шунингдек коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг амалга оширилиш самарадорлигини ўрганиш давлат органлари томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотажорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари, шунингдек фуқаролар билан ҳамкорликда социологик, махсус, илмий тадқиқотлар ҳамда бошқа турдаги тадқиқотлар ўтказиш йўли билан доимий асосда амалга оширилади.⁴

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сон Фармони билан тасдиқланган “2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш Давлат дастури”да коррупцияга қарши курашиш соҳасида илмий тадқиқотлар ўтказиш ҳамда коррупция ва солиқ таваккалчилигини бартараф этиш бўйича алоҳида вазифалар белгиланган.⁵

Бевосита давлат солиқ хизмати органларида коррупция ҳолатларининг олдини олиш ва унга барҳам бериш масалалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир нечта Фармон (ПФ-5116, ПФ-5969) ва қарорлари (ПҚ-3802, ПҚ-4389) қабул қилинган.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти томонидан Коррупцияга қарши курашиш Истамбул режасининг Ўзбекистон бўйича 4-раунд мониторинги давомида давлат солиқ хизмати органларида коррупцияни олдини олиш масалалари бевосита ўрганилиб, унда стратегик режалаштириш,

³ <https://www.youtube.com/watch?v=CE4rLpR3fI4>, <https://www.facebook.com/uzanticorruption/videos/1535230353263272/>

⁴ <https://lex.uz/docs/3088008>

⁵ <https://lex.uz/docs/4355387>

солиқ текширувлари, ички хавфсизлик, хизматга қабул қилиш ва хизматни ўташ тартиби, иш ҳақи, касб этикаси, манфаатлар тўқнашуви ва бошқа соҳаларда айрим номувофиқликлар қайд этилган ва 21 турдаги масалалар бўйича 4 та (44-47) тавсиялар берилган.⁶

Шунингдек, мониторингда иштирок этиб, солиқ тизимини ўрганган экспертлар Давлат солиқ қўмитаси ходимларига йиғилган солиқлар ва бошқа йиғимларнинг 10 фоизи миқдоридан мукофотларнинг жорий этилиши ҳолати ходимлар ўртасида нотўғри хатти-ҳаракат ва мотивацияни рағбатлантириши, коррупция ва мансаб ваколатини суистеъмол қилиш билан боғлиқ жиддий хавфларни келтириб чиқариши сабабли салбий баҳолаганлар. Ходимлар ўртасида коррупция хавфини камайтириш ва қарорларни холис қабул қилишга эришиш мақсадида Давлат солиқ хизмати ходимларининг иш ҳақи тузилмаси катъий белгиланган иш ҳақининг катта қисмини таъминлаши учун жиддий равишда қайта кўриб чиқишни тавсия қилишган.⁷

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг “Шарқий Европа ва Марказий Осиёда коррупцияга қарши кураш соҳасидаги ислохотлар” номли 2019 йилги ҳисоботида “Ўзбекистон Республикаси бюджет даромадларининг қарийб 75 фоизи Давлат солиқ қўмитаси ҳиссасига тўғри келиши, 15 млн.дан ортиқ солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиши ва унда 11000 дан ортиқ ходимлар хизмат қилиши, турли тадқиқотларга кўра, Давлат солиқ қўмитаси мамлакатдаги энг коррупциялашган органлардан бири сифатида тан олинганлиги, давлат солиқ хизмати ходимлари учун энг кўп учрайдиган коррупциявий хавф-хатарлар назорат тадбирларини амалга ошириш, солиқ тўлашни кечиктириш бўйича қарорлар қабул қилиш, маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолатларини кўриб чиқиш ва бошқаларда қайд этилиши” эътироф этилган.⁸

⁶ Антикоррупционные реформы в Узбекистане 4-й раунд мониторинга в рамках Стамбульского плана действий по борьбе с коррупцией, ОЭСР 2019, 285-286 б.

⁷ “Реформы в сфере борьбы с коррупцией в странах Восточной Европы и Центральной Азии”., Отчет ОЭСР., © ОЭСР октябрь 2019 г. 548 б.

⁸ “Реформы в сфере борьбы с коррупцией в странах Восточной Европы и Центральной Азии”., Отчет ОЭСР., © ОЭСР октябрь 2019 г. 245 б.

Халқаро валюта жамғармасининг Ўзбекистон Республикаси бўйича 2019 йилдаги 19/129-сонли ҳисоботи юзасидан маслаҳатида таркибий ислоҳотларни устуворликларини белгилашда коррупцияга қарши кураш муҳим устувор йўналиш ҳисобланиши қайд этилган.⁹

Шу нуқтаи назардан ушбу вазифаларни бажариш, яъни давлат солиқ хизмати органларида коррупцияга оид жиноятларни олдини олиш юзасидан ташкилий-ҳуқуқий асосларни такомиллаштиришнинг йўналиш ва истиқболларини тадқиқ этиш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (2019), “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги (1997), “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунлари (2017), Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги (2017), “Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2017), “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2019), “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2020) фармонлари, “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2018), “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2019) қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2019) қарорлари ҳамда мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижросини таъминлашга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

⁹ Доклад МВФ по стране № 19/129 Республика Узбекистан консультации 2019 года. <https://www.imf.org/~media/Files/Publications/CR/2019/Russian/1UZBRA2019004.ashx>

Тадқиқотнинг мақсади. Давлат солиқ хизмати органларида коррупцияга оид жиноятларни олдини олишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш ва мазкур муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш механизмини такомиллаштириш ва уни самарали жорий қилишга қаратилган таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

давлат солиқ хизмати органларида содир этиладиган коррупцияга оид жиноятларнинг жиноий-ҳуқуқий тавсифини назарий жиҳатларини ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

давлат солиқ хизмати органларидаги коррупцияга оид жиноятларнинг олдини олишнинг амалдаги тизимини таҳлил қилиш;

давлат солиқ хизмати органларидаги коррупциявий жиноятчилик ҳолатини таҳлил қилиш ва бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

солиқ хизмати органларида коррупцияга оид жиноятларнинг олдини олиш борасидаги халқаро тажрибани ўрганиш ва мамлакатимизга жорий этиш истиқболлари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

давлат солиқ хизмати органларида коррупцияга оид жиноятларнинг содир этилишига сабабчи омиллар ва уларни бартараф этиш йўлларини аниқлаш ҳамда унга барҳам бериш мақсадида фаолият самарадорлигини оширишга доир таклифлар ишлаб чиқиш;

давлат солиқ хизмати органларидаги коррупцияга оид жиноятларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини яхшилаш юзасидан тавсиялар беришдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти. Солиқ хизмати органларида коррупцияга оид жиноятларни олдини олишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари билан боғлиқ муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети. Солиқ хизмати органларида коррупцияга оид жиноятларни олдини олишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини тартибга

солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти ҳамда халқаро хусусий ҳуқуқда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар ва ҳуқуқий категориялардан иборат.

Илмий янгилиги. Мазкур магистрлик диссертацияси давлат солиқ хизмати органларида коррупцияга оид жиноятларни олдини олиш масалалари мавзусидаги назарий ва амалий манбаларга асосланган дастлабки батафсил иш ҳисобланади. Магистрлик диссертациясида давлат солиқ хизмати органларидаги коррупцияга оид жиноятлар, уларнинг бошқа коррупциявий жиноятлардан фарқли хусусиятлари ва коррупцияга оид жиноятларни олдини олиш услублари ёритилган.

Солиқ тўловчилар ва давлат солиқ хизмати органлари ўзаро муносабатларида қонунийлик ва шаффофликни мустаҳкамлаш мақсадида ходимларга субъективлик, тор идоравий танловли ёндашув учун шарт-шароитлар яратиб бераётган амалдаги қонунчиликдаги бўшлиқлар ва коллизия нормаларни бартараф этиш, давлат солиқ хизмати органлари ходимларининг касб одобномасида ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини алоҳида белгилаш зарурлиги асослантирилган.

Мазкур тадқиқот манбаси солиқ хизмати органларидаги коррупцияга оид жиноятларнинг олдини олиш масалалари таҳлил қилиниб, соҳага оид хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилган. Энг муҳими, давлат солиқ хизмати органларида коррупцияга оид жиноятларни олдини олиш бўйича амалдаги қонунчиликни такомиллаштиришга доир таклифлар берилган.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳ (таҳлил)и. Давлат солиқ хизмати органларидаги коррупцияга оид жиноятларнинг олдини олиш масалалари мамлакатимизда мустақил тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Коррупцияга қарши курашиш илмий ёндашувлар асосида янги ўрганилаётган соҳа бўлгани сабабли бу борада фақат умумий назарий манбалар мавжуд, жумладан: Р.А.Зуфаров “Порахўрликка қарши курашнинг

жиноий ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари: назария ва амалиёт” (2005), У.Ш.Хусаинов “Давлат ҳокимияти фаолиятида ротация институтининг конституциявий-ҳуқуқий асослари” (2010), Ш.Р.Қобилов “Коррупцияга қарши кураш: иқтисодий, маънавий-маърифий чоралари ва йўллари” монография (2018) ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар Академияси томонидан чиқарилган “Коррупция жиноятлари учун жавобгарлик” ўқув кўлланмаси, Г.Нурмухаммедова ва бошқаларнинг мақолалари.

Мамлакатимиз ҳуқуқшунос олимлари И.А.Эргашев ва И.Қ.Турабоев (2019), иқтисодчи олим Ж.Ж.Урмоновларнинг (2018) илмий ишларида тадқиқот мавзусининг умумназарий масалалари ва солиқ маъмуриятчилигини айрим жиҳатлари бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Хорижий мамлакатларда солиқ хизмати органларидаги коррупцияга оид жиноятларнинг олдини олишнинг айрим масалалари тадқиқ қилинган ва ушбу масалаларнинг назарий жиҳатлари Пашев К. (2005), Макаров В.В. (2008), Рыжков А. О. (2014), Илий С. К. (2015), Купратая А. В. (2016), Поветкина Н.А. (2018), Ивлева О.А. (2018), Клитгаард Р. Э. ва бошқалар (1996), Аминур Раҳман (2009), Банержи А. ва бошқалар (2011), Макклеллан Чэндлер (2013), П.Николаос ва бошқалар (2013), Абдул Раҳмон (2018), Лаура Мария ва бошқалар (2019) сингари олимларнинг илмий ишларида ўрганилган.¹⁰

Лекин юқорида қайд этилган олимларнинг ишларида солиқ хизмати органларидаги коррупцияга оид жиноятларнинг олдини олишнинг ҳуқуқий механизми, моҳияти ва мазмуни, ушбу соҳани тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари билан боғлиқ муаммолар тўлиқ очиб берилмаган. Шу сабабли, ушбу масалани комплекс тадқиқ қилиш долзарб ҳисобланади.

Мазкур магистрлик диссертацияси давлат солиқ хизмати органларидаги коррупцияга оид жиноятларнинг олдини олиш масалаларига бағишланган биринчи илмий тадқиқот иши ҳисобланади.

¹⁰ Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи. Тадқиқот олиб боришда қиёсий-ҳуқуқий, тарихий, тизимли-тузилмавий, мантиқий, аниқ социологик, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, индукция ва дедукция, статистик маълумотлар таҳлили каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Ушбу тадқиқот давлат солиқ хизмати органларидаги коррупцияга оид жиноятларнинг олдини олиш борасида мавжуд коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва уларнинг салбий оқибатларини бартараф этиш учун хизмат қилади. Тадқиқот ишини давлат солиқ хизмати органларидаги коррупциявий хавф-хатарларни назарий асослари таҳлил қилиш, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, келиб чиқиш сабаблари, салбий оқибатларини аниқлаб олиш ҳамда коррупцияга қарши курашишда самарали кўрсатма сифатида ҳисоблаш мумкин. Шунингдек, илмий ишни соҳадаги дастлабки илмий-назарий манба сифатида баҳолаб, унинг натижаларидан янги тадқиқотлар олиб боришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти давлат солиқ хизмати органларидаги коррупцияга оид жиноятларнинг олдини олиш борасида қонун ижодкорлиги фаолиятида, хусусан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ҳамда уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш жараёнида, қонунларни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда, коррупциявий бўшлиқларни тўлдиришга, коррупцияга қарши курашиш соҳасини таълим муассасаларида ўқитишга хизмат қилади.

Иш тузилмасининг тавсифи. Магистирлик диссертацияси кириш, иккита боб, олти параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 96 бетдан иборат.

I БОБ. ДАВЛАТ СОЛИҚ ХИЗМАТИ ОРГАНЛАРИДАГИ КОРРУПЦИЯГА ОИД ЖИНОЯТЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ ТАШКИЛИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

1.1-§ Давлат солиқ хизмати органларида содир этиладиган коррупцияга оид жиноятларнинг жиноий-ҳуқуқий тавсифи

Маълумки, коррупция иллати тарихан ўзгарувчан, салбий ижтимоий ва мураккаб ҳодиса сифатида инсоният цивилизацияси тараққиётининг дастлабки босқичларидаёқ вужудга келган.

Коррупцияга оид жиноятлар тушунчасига таъриф беришдан олдин “коррупция” атамасининг мазмунини тушуниб олиш лозим бўлади.

Этимологик жиҳатдан “коррупция” атамаси “бузилиш, пора эвазига оғдириш” деган маънони англатадиган латинча “*corruptio*” ҳамда “йўлдан урмоқ” маъносини англатадиган “*corruptere*” сўзларидан келиб чиққан.

Европа Кенгаши томонидан 1999 йилда қабул қилинган Коррупция учун фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик тўғрисидаги конвенция фуқаролик ҳуқуқи ва коррупцияни тартибга солувчи биринчи ҳамда “коррупция” тушунчасини белгиловчи ягона халқаро конвенциядир. Мазкур конвенцияда коррупцияга “пора олувчидан талаб қилинувчи мажбуриятлар ва юриш-туриш қоидаларини бажаришга тўсқинлик қилувчи ҳар қандай афзалликларни бевосита ва билвосита бериш, қабул қилиш, таклиф қилиш ёки сўрашдан иборат ҳаракатлар” сифатида таъриф берилади.¹¹

Аксарият халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда, миллий ва хорижий мамлакатлар ҳуқуқшуносларининг асарларида “коррупция” тушунчасига нисбатан кенг ёндашувларга гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Жумладан, БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясида “коррупция” тушунчасига бевосита таъриф берилмасда, коррупциянинг турлари сифатида бир қатор жиноятларнинг рўйхати акс эттирилган. Конвенциянинг 3-бобига мувофиқ, миллий давлат амалдорларининг порахўрлиги, хорижий давлат амалдорлари ва халқаро ташкилотлар мансабдор шахсларининг порахўрлиги, давлат амалдори томонидан мулкни ўзлаштириш ёки мулкдан ўзга мақсадларда фойдаланиш, ғаразли мақсадларда мавқеъни суиистеъмол қилиш, мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, ноқонуний бойиш, хусусий секторда порахўрлик, хусусий секторда мулкни талон-торож қилиш бунга мисолдир.¹²

Ёки, Европа Кенгашининг Коррупция учун жиноий жавобгарлик тўғрисидаги Конвенциясида ҳам мазкур тушунчага нисбатан аниқ таъриф берилмасдан, унинг 2-бобида криминализация қилиниши лозим бўлган бир қатор коррупциявий жиноятларнинг рўйхати келтирилган: давлат мансабдор

¹¹ Конвенция о гражданско-правовой ответственности за коррупцию (Страсбург, 4 ноября 1999 года). <https://www.coe.int/ru/web/conventions/full-list/-/conventions/rms/090000168007f58c>

¹² Конвенция Организации Объединенных Наций против коррупции (Принята резолюцией 58/4 Генеральной Ассамблеи от 31 октября 2003 года) https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/corruption.shtml

шахсининг актив ва пассив порахўрлиги, миллий давлат кенгашлари аъзоларининг порахўрлиги, хусусий сектордаги актив ва пассив порахўрлик, мансаб ваколатидан ғаразли мақсадларда фойдаланиш, коррупциявий жиноятлардан келган даромадларни легаллаштириш, хорижий давлат мансабдор шахсининг порахўрлиги, хорижий давлат кенгашлари аъзоларининг порахўрлиги, халқаро ташкилот мансабдор шахсининг порахўрлиги, халқаро парламент кенгашлари мансабдор шахсларининг порахўрлиги ҳамда халқаро судлар мансабдор шахслари ва судьяларининг порахўрлиги.¹³

Айрим халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда коррупция тушунчасига нисбатан қисқача таъриф берилган бўлиб, мазкур таърифлар ўрганилаётган тушунчанинг энг асосий қирраларинигина очиб беради.

Жумладан, Transparency International ташкилоти мазкур тушунчани “ўзига ишониб топширилган ваколатларни шахсий манфаатлар учун суиистеъмол қилиш” сифатида таърифлайди.¹⁴

Халқаро валюта жамғармасининг маълумотига кўра, Коррупция – шахсий даромад учун давлат ҳокимиятини суиистеъмол қилиш бўлиб, бу давлат фаолиятини бузади ва давлатнинг барқарор иқтисодий ўсишга эришиш йўлидаги саъй-ҳаракатларини издан чиқаради. Коррупция баъзи одамларга солиқдан бўйин товлашга ёрдам беради ва айни вақтда кўпинча бошқалар якунида кўпроқ тўлашига сабаб бўлади.

Масалан, бир хил даромад даражасига эга мамлакатлар таққосланганда энг кам коррупциялашган ҳукуматлар коррупциянинг энг юқори даражасида бўлган мамлакатларга нисбатан ЯИМда 4 фоиз кўп солиқ йиғади. Ушбу ўзаро таққослашлар асосида, агар барча мамлакатлар бугунги кунда коррупцияни сўнгги йигирма йилликда камайтирган мамлакатлар билан бир хил даражада камайтирса, бутунжаҳон солиқ даромадлари 1 трлн АҚШ доллари ёки дунё ЯИМнинг 1,9 фоизига ошиши мумкин.¹⁵

Бугунги кунда “коррупция” тушунчасининг барча элементларини тўлиқ қамраб олган таърифни учратиш мушкул. Олимлар томонидан мазкур атамага нисбатан берилган таърифларнинг айримларини келтириб ўтамиз.

А.Банержи ва бошқалар, коррупцияни “мансабдор шахс (ёки сайланган мансабдор шахс) шахсий манфаатлар учун қондан бузадиган вазият” деб таърифлайди.¹⁶ Гарчи ушбу таъриф коррупциянинг кўп ҳолатларини қамраб олган бўлсада, у фақат мансабдор шахсга, яъни “коррупциялашган томонига” қаратилган ва ушбу шахс учун мўлжалланмаган ноқонуний фойда ёки наф олиш имкониятини кўзда тутмайди.

¹³ Конвенция об уголовной ответственности за коррупцию (Страсбург, 27 января 1999 год). <https://www.coe.int/tu/web/conventions/full-list/-/conventions/rms/090000168007f58c>

¹⁴ <https://www.transparency.org/what-is-corruption#define>

¹⁵ Curbing Corruption, FISCAL MONITOR 2019 APR ©2019 International Monetary Fund. <https://www.imf.org/~media/Files/Publications/fiscal-monitor/2019/April/English/text.ashx>

¹⁶ А. Банержи, Р. Ханна и С. Муляйнатан, Коррупция, 2011 г. [A. Banerjee, R. Hanna and S. Mullainathan (2011), *Corruption*], см. economics.mit.edu.

Ш.Р.Қобиловнинг фикрига кўра, коррупция мамлакат иқтисодиётига таҳдид соладиган ижтимоий ҳодисадир. Бу порахўрликда намоён бўлади. Давлат номидан хизмат кўрсатиш чоғида ўз мансабини суиистеъмол қилувчи амалдорлар билан шу хизматдан фойдаланувчи фирмалар, ташкилотлар ва айрим фуқаролар ўртасида юз беради. Коррупция бозор қоидаларига биноан хизматларни ихтиёрий равишда олди-сотди қилиш эмас, балки уларни кўрсатиш учун ғайриқонуний ҳақ олишдир.¹⁷

Миллий қонунчилигимизда ҳам мазкур тушунчанинг моҳияти очиб берилган бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРҚ-419-сонли Қонуни билан коррупция тушунчасига нисбатан расмий таъриф берилган.

Мазкур Қонуннинг 3-моддаси мазмунига мувофиқ, “Коррупция — шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этишдир.”¹⁸

“Коррупция” тушунчасининг моҳияти ушбу расмий юридик таърифи орқали юқорида баён этилган таърифларга нисбатан анчайин мукамал тарзда очиб берилган бўлиб, мазкур таърифдан тушуниладики:

- коррупциянинг субъекти мансабдор шахслар ёки хизматчилар бўлиши мумкин;
- коррупция нафақат ўз манфаатларини, балки ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб ҳам содир этилиши мумкин;
- коррупцияни содир этишдан кўзланган наф фақатгина моддий эмас, номоддий шаклда ҳам бўлиши мумкин;
- ушбу ҳаракатлар шахснинг ўз мавқеидан қонунга хилоф равишда фойдаланиши орқали содир этилади;
- юқоридагича нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш яъни, муайян ваколатга эга бўлган шахсни коррупциявий жиноятни содир этишга ундаган ҳолда таъсир ўтказиш ҳам коррупциявий жиноят саналади.

Коррупциявий жиноятлар – бу коррупциянинг формал шаклидир. Айнан коррупциявий жиноятларнинг содир этилиши орқали коррупция амалда юзага келади. Шу сабабли ҳам, коррупцияга оид жиноятлар тушунчасини ва унинг таркибий элементларини тадқиқ қилиш коррупцияга қарши курашиш ва коррупциянинг олдини олишдаги энг асосий усул ва воситалардан биридир.

Эътибор қаратишимиз лозимки, “коррупциявий жиноятлар” атамаси аксарият ҳолларда мулкӣ кўринишдаги наф олишга қаратилган порахўрлик жинояти сифатида тушунилади. Аммо, коррупциявий жиноятларнинг рўйхати порахўрлик жиноятлари билангина чекланиб қолмайди.

Амалдаги қонунчилигимиз “коррупциявий жиноятлар” тушунчасига таъриф бермаган. Бироқ, Қонунда шунга ўхшаш бошқа бир тушунча –

¹⁷ Ш.Р.Қобилов, “Коррупцияга қарши кураш: иқтисодий, маънавий-маърифий чоралари ва йўллари” монография, “Ўқитувчи”НМИУ 2018, 74-75 б.

¹⁸ Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРҚ-419-сонли Қонуни. <https://lex.uz/docs/3088008>

“коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик” тушунчасига таъриф берилиб, унга кўра коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган қилмиш коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик деб эътироф этилади.¹⁹

Миллий жинойт қонунчилигимизда коррупциявий жинойтлар учун жавобгарлик назарда тутилган моддалар Жинойт кодексининг ягона бобига жамланмаган. Коррупциявий жинойтларнинг аксарияти Жинойт кодексининг 15-бобида (“Бошқарув тартибига қарши жинойтлар”) ва айримлари 10-боб (“Ўзгалар мулкани талон-торож қилиш”), 17-боб (“Жамоат хавфсизлигига қарши жинойтлар”) ҳамда 24-боб (“Ҳарбий мансабдорлик жинойтлари”)да ўз аксини топган.

Юридик адабиётларда “коррупциявий жинойтлар” тушунчасига нисбатан турлича ёндашувлар мавжудлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Жумладан, С.К.Илийнинг фикрича, мазкур турдаги жинойтлар сифатида жисмоний ёки юридик шахсларнинг ўз хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш ёхуд ўз ваколатлари ва мажбуриятларини бажармаслиги орқали қасддан содир этилган ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги тушунилиши лозим.²⁰

Г.Нурмухаммедованинг фикрига кўра, “коррупция билан боғлиқ жинойтлар” тушунчасига амалдаги қонун ҳужжатларининг биронтасида ҳам таъриф берилмаганлиги бугунги кунда энг катта муаммо туғдирмоқда. Мазкур иллатга қарши кураш чора-тадбирларининг аниқ чегараларини ўрнатиш учун мазкур чегарани белгилаб олиш даркор. Зеро, бу билан қайси жиноий қилмишларни коррупция хатти-ҳаракатлари қаторига киритиш лозимлигини, коррупция ҳаракати сифатида тан олинган ножиной қилмишларнинг қайсилари учун бошқа жавобгарлик турлари – маъмурий, фуқаролик-ҳуқуқий, интизомий жазолар назарда тутилиши лозимлиги ойдинлаштирилади. На бир қонунда ва на Жинойт кодексининг 8-бўлимида ҳам “Коррупция билан боғлиқ жинойтлар” санаб ўтилмаган. Амалиётда эса, Ўзбекистон Республикаси Жинойт кодексининг 167, 171, 184, 205, 206, 208, 210, 211, 212, 213, 214, 235, 236, 238, 243, 301-моддалари коррупция билан боғлиқ жинойтлар сирасига кириши кузатилаётганлигини қайд этиб ўтган.

Шунингдек, Г.Нурмухаммедова томонидан Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасида белгиланган асосий тушунчаларга қуйидаги қўшимчаларни киритиш таклиф этилган. “Коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар:

- ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон торож қилиш;
- жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш;
- нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш;

¹⁹ Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРҚ-419-сонли Қонуни // URL: <https://lex.uz/docs/3088008>

²⁰ Илий С. К. Административные правонарушения коррупционной направленности // Административное и муниципальное право. 2015. № 5. С.462.

- нодавлат тижорат ташкилотида ёки бошқа нодавлат ташкилотида мансабдор шахслар томонидан ўз ваколатларини суиистеъмом қилиш;
- ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмом қилиш;
- ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш;
- ҳокимият ҳаракатсизлиги;
- порахўрлик (пора олиш, пора бериш, пора олиш-беришда воситачилик қилиш);
- давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқари органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш;
- давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқари органининг хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши;
- товламачилик ёки мансабдор шахс ёхуд хизматчи томонидан ўз хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги эвазига ўзи учун ёхуд учинчи шахслар учун мулк ёки иш, хизмат, ҳомийлик, имтиёزلарни ваъда қилинишини талаб қилиш ёхуд мулкка бўлган ҳуқуқини беришга мажбур қиладиган шароитга солиб қўйиш.”²¹

Бизнингча, Г.Нурмухаммедованинг ушбу тадқиқотларида келтирилган фикрлари етарли даражада асосланмаганлиги сабабли қуйидаги асосларга кўра унга тўлиқ қўшилиб бўлмайди:

- Бош прокуратура, Олий суд, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги ва Давлат божхона қўмитасининг 30.12.2018 йилдаги қўшма қарори билан тасдиқланган “Электрон жиноий-ҳуқуқий статистика ягона ахборот тизимини юритиш тартиби тўғрисида Низом”нинг 26-бандига асосан 1) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 192⁹, 192¹⁰, 210, 211, 212, 213, 214-моддаларида назарда тутилган жиноятлар; 2) ғаразгўйлик ва бошқа шахсларнинг манфаатларни кўзлаб содир этилган Жиноят кодексининг 192¹¹, 205, 206, 209, 301-моддаларда назарда тутилган жиноятлар; 3) мансабдор шахс томонидан мансаб мавқеини суиистеъмом қилиш йўли билан ғаразгўйлик ва бошқа шахсларнинг манфаатларни кўзлаб содир этилган Жиноят кодексининг 167, 168-моддаларда назарда тутилган жиноятлар; 4) юқорида қайд этилган жиноятлар орқасида олинган даромадларни легаллаштирганлик учун Жиноят кодексининг 243-моддасида назарда тутилган жиноятлар **коррупцияга оид жиноятлар тоифасига** киради. Шунга кўра, Г.Нурмухаммедованинг юқорида қайд этилган Жиноят кодексининг 171, 184, 208, 235, 236, 238-моддалари амалиётда коррупция билан боғлиқ жиноятлар сирасига кириши ҳақидаги фикрлари нотўғридир;

- Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасига асосан “Коррупция - шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда

²¹ Коррупция билан боғлиқ жиноятлар профилактикасининг ҳуқуқий тартибга солиниши ва уни ривожлантириш масалалари, Нурмухаммедова Гўзалхон Баходировна, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти катта ўқитувчиси, Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали №4 2020, 75-77 б. <https://tadqiqot.uz/wp-content/uploads/2020/02/huquq-2020-04.pdf>

фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этишдир”. БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясининг жиноятчилик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятига бағишланган 3-бобида коррупциявий жиноятлар турлари тўлиқ қайд этилган. Ушбу халқаро стандарт ва қонун талабларига зид бўлганлиги учун Г.Нурмухаммедова таклиф этаётган 1) жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш (171-модда); 2) ҳокимият ҳаракатсизлиги (208-модда); 3) товламачилик ёки мансабдор шахс ёхуд хизматчи томонидан ўз хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги эвазига ўзи учун ёхуд учинчи шахслар учун мулк ёки иш, хизмат, ҳомийлик, имтиёзларни ёхуд мулкка бўлган ҳуқуқини беришга мажбур қиладиган шароитга солиб қўйиш (165-модда) жиноятларини коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар сифатида қонунга киритиш ҳақидаги фикрлар асоссиздир.

Хорижий давлатларнинг бу борадаги тажрибасини ўрганганимизда “коррупциявий жиноятлар” атамасини аниқлаш ва баён этиш бўйича турлича ёндашувларга гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Масалан, Молдова Республикасининг “Пок виждонлик тўғрисида”ги қонунида “коррупциявий жиноятлар”, “коррупциявий ҳуқуқбузарликлар”, “коррупциявий интизомий ҳаракатлар” ва “аралаш коррупциявий ҳолатлар” рўйхатлари алоҳида алоҳида моддаларда акс эттирилган.²² Шунингдек, ушбу жиноятлар тоифасини Белорус Республикасининг “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги қонунида ҳам учратишимиз мумкин.²³

Ёки, Хитой Халқ Республикасининг Жиноят кодексида коррупциявий жиноятлар “Коррупция ва порахўрлик” номли алоҳида 8-бобда баён этилган.²⁴

Фикримизча, миллий қонунчилигимизда “коррупцияга оид жиноятлар” тушунчасига расмий таъриф беришнинг зарурати йўқ. Чунки, бу тушунчанинг мазмуни бошқа тушунчалар, жумладан, “коррупция” ва “коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик” тушунчаларига расмий таъриф бериш орқали очиқ берилган.

Шунингдек, амалдаги жиноят қонунчилигимизда коррупциявий жиноятларнинг аниқ доираси мавжуд эмас.

Бизнингча, юқорида келтирилган халқаро стандартлар ва хорижий тажрибадан келиб чиқиб, ҳозирги вақтда лойиҳаси ишлаб чиқиляётган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида коррупцияга оид жиноятларни алоҳида бобга мужассамлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда коррупциявий жиноятлар сифатида амалдаги ЖКнинг 192⁹, 192¹⁰, 210, 211, 212, 213, 214-моддалари; ғаразгўйлик ва бошқа шахсларнинг манфаатларни кўзлаб содир этилганда 192¹¹, 205, 206, 209, 301-моддалари; мансабдор шахс томонидан мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан ғаразгўйлик ва бошқа шахсларнинг манфаатларни кўзлаб содир этилганда 167,

²² Parlamentul lege 82, 25-05-2017, Integrității., https://www.legis.md/cautare/getResults?doc_id=120706&lang=ro

²³ https://kodeksy-by.com/zakon_rb_o_borbe_s_korrupsiej/37.htm

²⁴ <https://asia-business.ru/law/law1/criminalcode/code/#8>

168-моддалари; қайд этилган жиноятлар орқасида олинган даромадларни легаллаштирганлик учун 243-моддасини назарда тутиш лозим бўлади.

Коррупциявий жиноятлар ҳам ҳаракат, ҳам ҳаракатсизлик орқали содир этилиши мумкин. Бунда, содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик ҳуқуққа хилоф яъни, ноқонуний бўлиши лозим.

Айрим коррупциявий жиноятлар, жумладан ваколатни суистеъмол қилишга оид жиноятларда қилмиш ва оқибат ўртасидаги сабабий боғланишнинг мавжуд бўлиши талаб қилинади. Бунда, ижтимоий хавфли зарарнинг келиб чиқиши содир этилган қилмишнинг қонуний давоми бўлиши лозим. Шахснинг хоҳишидан ташқари айрим сабабларга кўра вужудга келган тасодифий оқибатни шахснинг айбига киритиб бўлмайди. Мансаб ваколатини суистеъмол қилиш ва ундан келиб чиққан оқибат ўртасидаги сабабий боғланишгина бундай асосни ташкил қилади²⁵.

Субъектив томонига кўра коррупциявий жиноятларнинг барчаси тўғри қасддан содир этилади. Умуман олганда, жиноят ҳуқуқи назариясида мазкур масалада тортишувлар деярли мавжуд эмас²⁶.

Шунингдек, айрим коррупциявий жиноятларнинг, шу жумладан, мансаб сохтакорлигининг субъектив томони зарурий белгисини “ғаразгўйлик ёки бошқа манфаатларни кўзлаб” содир этиш ташкил этади. Ушбу элемент мавжуд бўлмаганда, башарти бошқа жиноят аломатлари мавжуд бўлмаса, қилмиш жинойий деб топилмайди.

Коррупциявий жиноятларнинг субъекти жиноят қонунида белгиланган ёшга етган, ақли расо, коррупция билан боғлиқ жиноятни содир этган ҳар қандай жисмоний шахслар бўлиши мумкин. Жиноят ҳуқуқи назариясида ақли расо шахсларгина жинойий жавобгар деб топиллади. Зотан, ақли расолик айб ва жавобгарликка тортишнинг зарурий шарти ҳисобланади²⁷.

Шуниси эътиборга молиқки, мазкур турдаги жиноятлар учун субъект ёши ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “г” банди, 168-моддаси 3-қисми “в” банди, 182-модда 2-қисми “г” банди, 192⁹-192¹¹, 211-214 ва 243-моддалари учун ўн олти ёшни ташкил этгани ҳолда мазкур жиноятлардан оғирлиги жиҳатидан қолишмайдиган айрим жиноятлар, шу жумладан, ЖКнинг 205-206, 209-210 ва 301-моддалари учун ўн саккиз ёшдан иборат этиб белгиланган.

Давлат солиқ хизмати органларида содир этиладиган коррупцияга оид жиноятлар бўйича миллий олимларимиз томонидан тадқиқотлар ўтказилмаган бўлиб, хорижий олимларнинг фикрларига кўра солиқ хизмати органларидаги коррупциявий жиноятлар солиқдан бўйин товлаш жиноятларига бевосита боғлиқ ҳолда содир этилиши тушунтирилади.

Макклеллан Чэндлернинг фикрига кўра, коррупция ва солиқ тўлашдан бўйин товлаш кўпинча солиқ хизматчиларига солиқ тўлашдан бўйин товлаш учун пора берган солиқ тўловчилар билан бирга содир бўлади. Ёмон иш

²⁵ Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Дарслик. / М.А. Абдуҳолиқов, Б.Д. Ахраров ва бошқ. М. Усмоналиев умумий таҳрири остида. – Тошкент: Адолат, 1998. – Б. 77-78.

²⁶ Купратая А. В. Понятие и виды коррупционных правонарушений // Актуальные проблемы права, экономики и управления. 2016. № 12. С.133.

²⁷ Абдурашулова Қ.Р. Жиноятнинг махсус субъекти. Ўқув қўлланма. - Тошкент: ТДЮИ, 2005. – Б. 6.

шароитлари ёки маошнинг камлиги солиқ ходимини солиқ тўлашдан бўйин товлашга эътибор бермаслик эвазига пора олиш ёки тўғридан-тўғри солиқ тушумларини ўзлаштириш каби коррупциявий ҳаракатларни амалга оширишга ундаши мумкин. Самарали ва ҳалол бошқарувга қаратилган солиқ ислоҳотлари натижаси иккала муаммони ҳал қилишга хизмат қилади. Мазкур ислоҳот натижасида коррупцияни қисқартириш орқали солиқдан бўйин товлашни камайтиришга эришилади.²⁸

Грециянинг Пелопоннеса Университети олимлари П.Николаос ва бошқаларнинг фикрига кўра, солиқ маъмурияти коррупция учун жуда жозибадор соҳадир, чунки кимдир буни қилишга ундаши шубҳасиз. Солиқ маъмуриятидаги коррупция – аввало даромадларни бошқариш ва бизнес ўртасидаги ўзаро муносабатларда юзага келадиган муаммодир. Бундай ўзаро муносабат одатда солиқ инспекторларига ҳам, корхоналарга ҳам фойда келтиради ва умумий солиқ тушумини йўқотади. Ушбу коррупциявий тил бириктириш ишламайдиган солиқ маъмуриятчилиги билан боғлиқ кўп муаммоларнинг асосида ётади.²⁹

Индонезия давлат бошқаруви институти олими Абдул Рахмоннинг фикрига кўра, солиқ коррупцияси солиқ органлари ва солиқ тўловчилар ўртасида ўзаро фойдага асосланган. Солиқ коррупциясини ҳар томонлама йўқ қилиш керак. Уни бартараф этиш стратегияларидан олдин коллектив ишонч бўлиши керак, бу барча томонларнинг коррупцияга нисбатан мурасасиз биргаликда ишлашга тайёрлигининг ўзига хос туридир.³⁰

Н.А.Поветкинанинг фикрига кўра, солиқ органларида коррупциявий жиноятларнинг аниқланиши жинорий технологиялар даражаси ва коррупцияга қарши кураш усулларидан хабардорлик, шунингдек коррупция ҳолатларининг аниқланишига фаол тўсқинлик қилиш билан мураккаблашади.³¹

В.В.Макаровнинг фикрига кўра, маъмурий коррупциянинг катта қисми солиқ ва божхона органларининг мансабдор шахслари орқали ўтади ва бу фирмалар томонидан солиқ ва божхона тўловлари камайишига олиб келади.³²

Хорижий олимларнинг тадқиқотларида солиқ органлари фаолиятига алоқадор масалалар “солиқ маъмуриятчилиги” сифатида тадқиқ қилинади.

²⁸ McClellan Chandler B., The Consequences of Poor Tax Administration: Collections, Growth, and Corruption. Dissertation, Georgia State University, Doctor of Philosophy in Economy, USA, 2013. P.10 (Макклеллан Чэндлер. Самарасиз солиқ маъмуриятчилигининг оқибатлари: йиғимлар, ўсиш ва коррупция. Диссертация Жоржия штати университети.) https://scholarworks.gsu.edu/cgi/viewcontent.cgi?article=1090&context=econ_diss

²⁹ Integrated Information Corruption in tax Administration: Interviews with Experts Nikolaos P. Antonakasa, Antonios E. Giokasb and Nikolaos Konstantopoulosc a University of the Aegean, Dept of Mediterranean Studies, Ph. D. Candidate, 1 Dimokratias Ave.,85100 Rhodes Greece b University of The Peloponnese, Department of Economics, 221 00 Tripolis, Greece c University of the Aegean. <https://sci-hub.tw/10.1016/j.sbspro.2013.02.094>

³⁰ Eradicating Inequalities in Development by Impoverishment and Social Sanction for Tax Corruption Abdul Rahman School of Public Administration, National Institute of Public Administration Jl. Cimandiri No. 34-38, Citarum, Kota Bandung, Indonesia 40115. <https://sci-hub.tw/10.1051/e3sconf/20187310007>

³¹ Н.А.Поветкина и др., Мониторинг коррупциогенных факторов и эффективности мер по предупреждению коррупционных правонарушений в налоговых органах. Институт законодательства и сравнительного правоведения при Правительстве Российской Федерации, г. Москва, Российская Федерация. Всероссийский криминологический журнал. 2018. Т. 12, № 5. С. 641–650

³² В.В.Макаров., Коррупция как угроза экономической безопасности России. Диссертация на степени кандидата экономических наук., 2008.

Бугунги кунда иқтисодчи ва ҳуқуқшунос олимлар ва амалиётчи мутахассислар ўртасида солиқ маъмуриятчилиги ва уни талқин этиш хусусида турли хил фикр ва ёндашувлар мавжудлигини кўришимиз мумкин.

И.А.Эргашевнинг фикрича, солиқ маъмуриятчилиги солиқ тизими ва давлат иқтисодиёти самарали фаолият юритишининг асосий элементларидан бири ҳисобланади. Солиқ маъмуриятчилигидаги камчиликлар ва нуқсонлар солиқ ҳуқуқбузарликларининг кўпайишига ҳамда бюджетга солиқлар тушумининг камайишига олиб келади. Солиқ маъмуриятчилигини ваколатли давлат органларнинг процессуал ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинган, солиқ тўловчи ўзининг солиқ мажбуриятини бажаришига қаратилган, ташкилий-бошқарув фаолияти сифатида таърифлаш мумкин.³³

Ж.Ж.Урмонов ўз тадқиқотлари натижасида “Солиқ маъмурчилиги – солиқлар ва солиқ объектларини ҳисобга олиш, солиқ назоратини амалга ошириш, солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни белгилаш, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши ва солиқ муносабатлари иштирокчиларининг мажбуриятларини бажарилишини назорат қилиш бўйича давлат фискал органлари фаолиятини мувофиқлаштириб турувчи солиқ муносабатларини бошқариш тизимидир” деб қайд этган.³⁴

Шуни айтиб ўтиш муҳимки, жаҳоннинг кўпгина давлатларида солиқ тўлашдан бўйин товлаш деганда икки хил ёндашув мавжуд бўлиб, уларга нисбатан турли терминлар қўлланилади. Биринчиси, “Tax avoidance” – бу солиқ қонунчилигида мавжуд бўлган афзалликлардан фойдаланилган ҳолда тўланадиган солиқ суммасини камайтириш. Буни солиқларни оптималлаштириш деб ҳам тушуниш мумкин, яъни қонунда белгиланган имтиёзлар, чегирмалар ҳамда бошқа афзалликлардан фойдаланган ҳолда солиқ тўлашни режалаштириш. Иккинчи тушунча – “Tax evasion” – бу тўлалигича қонунга хилоф хатти-ҳаракатлар бўлиб, солиқларни тўламаслик амалдаги қонунчиликни бузган ҳолда амалга оширилади. “Tax avoidance” ўзбек тилида “солиқларни четлаб ўтиш” маъносига яқин бўлса, “Tax evasion” – солиқ тўлашдан бўйин товлаш ёки қочиш маъносини билдиради.

АҚШда кенг фойдаланиладиган Блэк юридик луғатига асосан солиқларни четлаб ўтиш (“Tax avoidance”)га қонуний солиқ режалаштириш имкониятлари афзалликларидан фойдаланган ҳолда солиқ мажбуриятларини минималлаштириш тушунилса, солиқ тўлашдан қочиш (“Tax evasion”)га қонунга хилоф равишда белгиланган солиқларни камроқ тўлаш ёки ҳисоботларни топшириш ёки солиқларни тўлашда фирибгарлик қилиш деб таъриф берилади³⁵.

Амалдаги жиноят қонунчилигига асосан давлат солиқ хизмати органларида содир этиладиган коррупцияга оид жиноятларнинг жиноий ҳуқуқий тавсифини кўриб чиқадиган бўлсак, ҳеч қандай белгилари ёки

³³ И.А.Эргашев, Солиқ маъмуриятчилиги ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун диссертация иши., 2019 й.

³⁴ Урмонов Ж.Ж. Тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш масалалари: Монография / Т.: —Iqtisod-Moliya, – 2018. – Б. 168.

³⁵ Black’s Law Dictionary, West Group, 1990, pages 1460-1461.

хусусияларига кўра, алоҳида таъриф ёки тушунтириш берилмаган бўлиб, умумий коррупциявий жиноятлар сифатида юритилади.

Фикримизча, давлат солиқ хизмати органларида содир этиладиган коррупцияга оид жиноятларнинг жиноий-ҳуқуқий тавсифлашда юқорида келтирилган ёндашувларга тўлиқ қўшилиш қийин, чунки кўрсатиб ўтилган тавсифлар ва оқибатлар нафақат коррупцияга оид жиноятларга, балки солиқлардан бўйин товлаш, шунингдек бошқа иқтисодий жиноятларга ва умуман жиноятчиликка ҳам хосдир.

Бизнингча, давлат солиқ хизмати органларида содир этиладиган коррупцияга оид жиноятлар – солиқ маъмуриятчилигининг номукамаллиги ҳамда самарасиз идоравий назорат натижасида юзага келиб, ўзининг хусусиятида кўра, давомли занжир сифатида солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик ва жиноятларга бевосита алоқадор жиноятлар мажмуидир.

Бош прокуратуранинг мансабдорлик жиноятлари бўйича ҳисоботлари асосида давлат солиқ хизмати ходимлари томонидан содир этилган жиноятлар статистикасини таҳлил қилдик. Коррупцияга оид жиноятлар бўйича муҳим маълумотларни аниқ рақамларни қайд этмаган ҳолда фақат улушларда келтириб ўтамиз. Батафсил таҳлил кейинги параграфларда баён этилади.



Юқоридагилардан хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, коррупциявий жиноятлар – бу мансабдор шахс ёки давлат ва нодавлат ташкилот хизматчисининг ўзига ишониб топширилган ваколатлар ёхуд мансаб мавқеидан шахсий ёки бошқа шахсларнинг моддий ва номоддий наф кўриши учун ғаразли мақсадларда фойдаланишидан, шунингдек мансабдор шахсларни ушбу мақсадларда ўзига оғдиришдан иборат бўлган жиноятлардир.

Коррупция тушунчасини таърифлашга нисбатан юқоридагича ёндашувлар мазкур тушунчанинг қуйидаги жиҳатларини ўзида акс эттиради.

Биринчидан, коррупцияга оид жиноятлар тегишлича ваколатга эга бўлган шахслар томонидангина эмас, балки бундай ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар натижасида наф кўраётган бошқа шахсларнинг қилмишларини ҳам назарда тутати.

Иккинчидан, мазкур турдаги жиноятлар ўзига топширилган ваколатларнинг қонунга хилоф равишда ва ғаразли ниятларда суиистеъмол қилиниши орқали содир этилади.

Учинчидан, коррупциявий жиноятлардан олинadиган фойда моддий ва номоддий кўринишларда бўлиши мумкин.

Тўртинчидан, бу турдаги қилмишлар фақатгина уни содир этаётган шахснинг ўз манфаатларини кўзлаб эмас, балки бошқа шахслар манфаати йўлида ҳам содир этилади.

Бешинчидан, давлат солиқ хизмати ходимлари томонидан содир этиладиган коррупциявий жиноятларнинг ўзига хос жиҳати шундаки, улар солиқдан бўйин товлаш жиноятлари билан ўзаро боғлиқ бўлади.

1.2-§ Давлат солиқ хизмати органларидаги коррупцияга оид жиноятларнинг олдини олишнинг тизими.

Ҳозирги давр солиқ тизимига моҳиятан ўхшаш илк солиқ тизими қадимги Римда шаклланган. Рим аҳолиси ўзининг мол-мулки, турмуш даражаси ҳамда оилавий аҳволдан келиб чиққан ҳолда солиқ тўлашган. Солиқ суммалари махсус шахслар томонидан ҳисоб китоб қилинган.

Римда давлат ташкилотларининг ривожланиши бевосита император Октавиан Августин (эр. ав. 63-14 йиллар) томонидан солиқ ислохотларини амалга оширишга, оқибатда эса илк пул солиқлари жорий бўлишига олиб келган. Солиқларни жорий этиш ва унинг назорати билан шуғулланувчи молиявий муассаса шаклланган.³⁶

Шуниси қизиқки, қадимги Мисрда фиръавнлар ўзларининг солиқ йиғувчиларининг (маҳаллий хаттотлар) коррупциявий ҳаракатларини ва уларнинг бойишга бўлган истакларини камайтириш мақсадида солиқ йиғувчиларга юқори маош тўлашга қарор қилишган. Бундан ташқари, солиқ йиғувчиларнинг фаолияти устидан бошқа бир гуруҳ махсус котиблар томонидан назорат олиб борилган.³⁷

Мамлакатимиз мустақиллигининг ўтган даврида республикамиз солиқ тизими ташкил этилди ва ривожлантирилди. Республикамизда давлат солиқ хизмати органлари фаолияти 1990 йил 17 декабрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қошида Давлат молия-солиқ Бош бошқармасини ташкил қилиш тўғрисида”ги 383-сонли қарори қабул қилинганидан сўнг фаоллаша бошлади. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг “Ўзбекистон Республикасининг давлат солиқ идоралари тўғрисида”ги 1991 йил 14 июндаги низом ва Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасининг давлат солиқ идоралари тўғрисида”ги 1991 йил 12 августдаги 217-сонли қарор билан давлат назорати ва бошқарувининг мустақил тузилмаси сифатидаги давлат солиқ хизмати органларининг шаклланиши ҳамда фаолият юритишига асос солинди.³⁸

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 18 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Давлат солиқ Бош бошқармасини Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитасига айлантириш тўғрисида”ги ПФ–744-сон Фармониға мувофиқ, назорат органлари фаолиятини тартибга солиш, ягона давлат солиқ сиёсатини ўтказиш, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

³⁶ Қ.Тўхсанов “Солиқ тарихи ва назарияси фанидан маърузалар матни”, “Тошкент -2012”, 16-17 в.

³⁷ Integrated Information Corruption in tax Administration: Interviews with Experts Nikolaos P. Antonakasa, Antonios E. Giokasb and Nikolaos Konstantopoulosc a University of the Aegean, Dept of Mediterranean Studies, Ph. D. Candidate, 1 Dimokratias Ave., <https://sci-hub.tw/10.1016/j.sbspro.2013.02.094>

³⁸ Жўраев А.С. Солиқ маъмурчилиги - солиқ сиёсатининг асосий йўналиши сифатида. “Халқаро молия ва ҳисоб” электрон журнали. № 2, октябрь, 2016 йил.

Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат солиқ бош бошқармаси негизда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ташкил этилди.³⁹

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси фаолияти бугунги кунга қадар амалга оширилаётган давлат солиқ сиёсати ҳамда солиқ қонунчилигида белгиланган асосий функция ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда доимий такомиллаштирилиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси Давлат солиқ хизмати органларини ташкил этилиши бўйича асосий ҳуқуқий ҳужжатдир.

Конституциянинг 51-моддасида “Фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар” - деб белгиланган бўлса, 123-моддасида эса “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ягона солиқ тизими амал қилади. Солиқлар жорий қилишга фақат Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси ҳақли” эканлиги қайд этилган.

Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августдаги “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги 474-І-сонли Қонунининг 4-моддасида Давлат солиқ хизмати органларининг асосий вазифалари белгиланган бўлиб унга кўра:

- Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, солиқ органларини юксак маънавий-ахлоқий сифатларга эга бўлган малакали ходимлар билан тўлдириш, коррупция ва ишга расмиятчилик билан ёндашиш фактларига барҳам бериш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш, шунингдек ходимлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ва улар учун хизматни ўташнинг муносиб шарт-шароитлари яратилишини таъминлаш коррупциявий жиноятларнинг олдини олишга хизмат қиладиган энг муҳим вазифалардан биридир.⁴⁰

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРҚ-419-сонли Қонунининг 19-моддасига асосан Давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир асосий чора-тадбирлар белгиланган.⁴¹

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сон Фармони билан тасдиқланган “2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш Давлат дастури”нинг 18-бандига асосан Давлат солиқ қўмитаси ва манфаатдор идораларга 2019 йил 1 декабргача коррупция ва солиқ таваккалчилигини бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни назарда тутган ҳолда, ўрта муддатли ва узоқ муддатли даврда солиқ хизматини стратегик бошқариш механизмларини жорий этиш вазифаси юклатилган.⁴²

Айнан Давлат солиқ хизмати органларида коррупция ҳолатларининг олдини олиш ва унга йўл қўймасликка қаратилган масалаларни ҳал этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир нечта Фармон ва Қарорлари қабул қилинган.

³⁹ <https://lex.uz/docs/195755>

⁴⁰ <https://lex.uz/docs/40158>

⁴¹ <https://lex.uz/docs/3088008>

⁴² <https://lex.uz/docs/4355387>

Дастлаб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги “Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5116-сон Фармонида⁴³ солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни йиғиш кўрсаткичларини яхшилаш, коррупция кўринишларини профилактика қилиш, шунингдек солиқ органларида хизмат қилишга ҳалол ва юқори малакали кадрларни жалб этиш мақсадида давлат солиқ хизмати органлари ходимларини моддий рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш талаб этилиши қайд этилиб, ушбу масалаларни ҳал этиш юзасидан тегишли чора тадбирлар белгиланган.

Шунга кўра, фармон ижросини таъминлаш мақсадида Давлат солиқ кўмитасининг 2017 йил 15 августдаги 2017-41-сон қарори билан тасдиқланган Солиқ тўловчининг шахсий кабинетидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом (Адлия вазирлигида 2017 йил 5 сентябрда қайд этилган, рўйхат рақами 2926,) қабул қилинган⁴⁴. Мазкур низом солиқ тўловчининг шахсий кабинетини шакллантириш ва ундан фойдаланиш ҳамда солиқ тўловчилар ва давлат солиқ хизмати органлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали амалга ошириш тартибини белгилаб берди.

Низомга мувофиқ, солиқ тўловчининг шахсий кабинети жисмоний шахс, якка тартибдаги тадбиркор ёки юридик шахс солиқ тўловчи сифатида давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб уч иш куни ичида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитасининг расмий веб-сайтида автоматик режимида шакллантирилади. Солиқ тўловчининг ҳисобга олиш жойидан қатъи назар, унинг давлат солиқ хизмати органлари билан ўзаро муносабатлари битта шахсий кабинет орқали амалга оширилади. Солиқ тўловчининг шахсий кабинетини фаоллаштириш ёки амал қилишини тўхтатиб туриш солиқ тўловчи томонидан ихтиёрий равишда амалга оширилади⁴⁵.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 июндаги “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3802-сонли қарори солиқ хизмати органлари фаолиятини ташкил этилиши ва солиқ хизмати органларида коррупцияга қарши кураш бўйича мутлақо янгича ёндашув асосларини белгилаб берди.⁴⁶

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4389-сонли қарори иловаси билан тасдиқланган “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегияси”да Давлат солиқ хизмати органларида коррупцияга қарши курашиш механизмларини ривожлантиришга оид масалалар алоҳида бўлимда қайд этилиб, қуйидагилар назарда тутилган:⁴⁷

⁴³ <https://lex.uz/docs/3271159>

⁴⁴ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 29-сон, 684-модда.

⁴⁵ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 36-сон, 972-модда.

⁴⁶ <https://lex.uz/docs/3796072>

⁴⁷ <https://lex.uz/docs/4415356>

1. Кадрлар сиёсатида коррупцияга қарши компонентларни кучайтириш;
2. Солиқ соҳасида коррупция хавфларини назорат қилиш ва уларнинг олдини олиш тизимини жорий этиш;
3. Коррупцияга қарши қонунчилик талаблари асосида норматив-ҳуқуқий базани қайта кўриб чиқиш (тафтиш қилиш);
4. Солиқ органларида шаффофлик (ошкорлик) ва ҳисобдорликни кенгайтириш, коррупция кўринишларига жамоатчиликда муросасизлик ҳиссини шакллантириш.

Бундан ташқари, мазкур стратегиянинг муҳим йўналишларидан бири сифатида солиқ назоратининг шаффофлигини таъминлаш, коррупция омилларини камайтириш ва солиқ мажбуриятини ихтиёрий бажариш даражасини 90 фоизгача етказиш ҳам назарда тутилган.⁴⁸

Бугунги мураккаб вазиятда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5969-сонли Фармонида асосан, тадбиркорлар учун бир қатор солиқ имтиёзлари белгиланиб, 2021 йил 1 январга қадар тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини солиқ аудитидан ўтказиш тўхтатилган.⁴⁹

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 апрелдаги “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 320-сон қарорининг иловаси билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тўғрисидаги Низомда ҳам давлат солиқ хизмати органларида коррупция ҳолатларини аниқлаш, уларнинг олдини олиш, қарши курашишга ва бартараф этишга йўналтирилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишга оид вазифалар белгиланган.⁵⁰

Бугунги кунда солиқ органларида коррупция ҳолатларини олдини олиш, солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш, қоғозсиз ҳужжат алмашинувини жорий этиш ва давлат солиқ хизмати органлари ишининг самарадорлигини оширишга қаратилган электрон дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилмоқда.

Жумладан, Давлат солиқ қўмитасининг “Электрон давлат хизматлари – my.soliq.uz” портали орқали 35 та электрон давлат хизматлари кўрсатилмоқда. Шундан, 15 таси – ахборот давлат хизматлари, 20 таси – интерактив давлат хизматлари таркибига киради. Солиқ тўловчиларнинг тоифаси ва жойлашган жойидан қатъи назар барча хизматлардан фойдаланиш имконияти мавжуд. Жамоатчилик назорати амалга оширилиши учун тадбиркорлик субъектларининг солиққа оид ҳуқуқбузарликлари тўғрисида хабар қилиш имконини берувчи веб-портал ишга туширилган⁵¹.

⁴⁸ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.07.2019 й., 07/19/4389/3409-сон.

⁴⁹ <http://uza.uz/oz/documents/koronavirus-pandemiyasi-va-global-in-iroz-olatlarining-i-tis-20-03-2020>

⁵⁰ <https://lex.uz/docs/4290724>

⁵¹ www.my.soliq.uz/main/about-portal

Ҳар қандай ташкилот ёки муассасида бўлгани каби, давлат солиқ хизмати органларида коррупция ҳолатларининг олдини олишда давлат хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидалари муҳим ўрин тутади.

Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартдаги 62-сон қарори иловаси билан “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидалари” ҳамда унинг асосида Давлат солиқ қўмитасининг 15.04.2016 йилдаги 155-сонли буйруғи билан “Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари” тасдиқланган.

Бундан ташқари, Давлат солиқ қўмитасининг Ўз хавфсизлиги бошқармаси қўмитанинг бу борада бевосита масъул тармоғи ҳисобланиб, 2017 йил 9 октябрдаги 646-сонли буйруғи асосида фаолият юритади. Бошқарманинг вазифа ва функциялари қуйидагилардан иборат:⁵²

- давлат солиқ хизмати органларининг ходимлари ўртасида ҳуқуқбузарлик профилактикаси бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;
- давлат солиқ хизмати органлари ходимлари томонидан солиқ тўловчиларга нисбатан ғаразли мақсадларда ноқонуний таъсир кўрсатиш ҳолатларини аниқлаш ва уларни олдини олиш;
- давлат солиқ хизмати органларида коррупция ҳолатларини аниқлашга, уларни олдини олишга, қарши курашишга ва бартараф этишга йўналтирилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва ижросини таъминлаш;
- давлат солиқ хизмати органлари ходимлари хатти-ҳаракатлари юзасидан киритилган ахборотлар, келиб тушган мурожаатлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тақдимномалари, оммавий ахборот воситалари ва бошқа ташкилотлардан келган хатлар бўйича хизмат текшируви ва ўрганишлар ўтказиш;
- тузилмалар фаолияти юзасидан мониторинг, таҳлилий ишларни амалга ошириш, таҳлиллар натижасида сурункали равишда қўпол хато ва камчиликларга йўл қўйган ходимлар фаолияти юзасидан ўрганишлар ҳамда лозим ҳолларда хизмат текширувлари ўтказиш;
- давлат солиқ хизмати органларини юксак маънавий-ахлоқий сифатларга эга бўлган ходимлар билан тўлдириш ҳамда тизимга нопок ходимлар кириб қолишини олдини олиш мақсадида Қўмитанинг асосий ва ҳисоб номенклатурасидаги лавозимларга тавсия этилган номзодлар, шунингдек, давлат мукофотига тавсия қилинаётган, чет элга хизмат сафарига чиқаётган ходимлар бўйича махсус текшириш ишларини амалга ошириш;
- хизмат вазифаларини бажариш жараёнида давлат солиқ хизмати органлари ходимларини ноқонуний тажовузлардан ҳимоя қилишни таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- давлат солиқ хизмати органларининг маъмурий биноларига белгиланган тартибда кириб-чиқиш, режим қоидаларига риоя этилишини таъминлаш;

⁵² <https://soliq.uz/about/central-office?category=&page=2>

- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда давлат солиқ хизмати органларида коррупция ҳолатларини аниқлаш, олдини олиш ва бартараф этиш борасидаги профилактик тадбирларни амалга ошириш.

Давлат солиқ қўмитасининг ҳисоботларига кўра, қўмита томонидан 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.05.2019 йилдаги ПФ-5729-сонли Фармони билан тасдиқланган “2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш Давлат дастури”нинг 1-банди бўйича коррупцияга қарши курашиш бўйича оммавий ахборот воситалари орқали жами 287 маротаба, шундан марказий ва маҳаллий нашрларда 63 маротаба, телевединияда 84 маротаба ҳамда радиода 49 маротаба, оммавий ахборот воситалари сифатида давлат рўйхатидан ўтган интернет сайтларида 91 маротаба чиқишлар қилинган.

Шунингдек, давлат солиқ хизмати органларида коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида махсус кўрсатув тайёрланиб, “Ўзбекистон 24” телеканали орқали эфирга узатилган.

Солиқ тўловчилар ҳамда давлат солиқ хизмати ходимлари иштирокида жами 568 та семинар ва учрашувлар ташкил этилган. Мазкур семинар ва учрашувлар учун коррупцияга қарши курашиш, унинг олдини олиш ва салбий оқибатларини акс эттирувчи 1083 тага яқин плакатлар, 11200 тадан ортиқ буклет, слайд ва бошқа тарқатма материаллар тайёрланган.

Бундан ташқари, 2019 йил сентябрь ойида республика миқёсида 6 минг нафардан ортиқ респондентлар иштирокида аноним сўровлар ўтказилган.

Ушбу аноним сўровлар 12 та саволдан иборат бўлиб, унда давлат солиқ хизмати органларидаги коррупцион ҳолатлар даражасини аниқлашга алоҳида урғу берилган ва якуни бўйича таҳлилий ахборотнома тайёрланган.

Дастурнинг 2-банди ижроси бўйича 2019 йил август-декабрь ойларида Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Малака ошириш марказида 2650 нафар давлат солиқ хизмати ходимлари ўз малака кўникмаларини оширишган бўлиб, унда солиқ тизимида коррупцияга қарши курашиш масаласи, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш бўйича маърузалар қилинган.

Дастурнинг 3-банди ижроси бўйича Тошкент солиқ коллежида 15.06.2019 йилда “Коррупция адолат кушандаси” мавзусида республика иншолар танловининг коллеж босқичи ўтказилган. Фарғона солиқ коллежида 26.08.2019 йилда “Жамият ривожига ғов бўлаётган яна бир иллат бу - коррупция балосидир” мавзусида семинар ташкил этилган.

Дастурнинг 18-бандига мувофиқ, давлат солиқ хизмати органлари зиммасига коррупция ва солиқ таваккалчилигини бартараф этиш бўйича чора тадбирларни назарда тутган ҳолда, ўрта муддатли ва узоқ муддатли даврда солиқ хизматини стратегик бошқариш механизмларини жорий этиш вазифаси бўйича вазифалар ижросини таъминланиши ва манзилли тақсимланиши мақсадида Давлат солиқ қўмитасининг 22.07.2019 йилдаги 187-сонли буйруғи билан 46 та банддан иборат чора-тадбирлар режаси тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддасига асосан солиқ соҳасидаги жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларга

қарши курашга қаратилган қонунлар ижро этилиши устидан назорат қилиш прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан биридир.⁵³

Прокуратура органлари томонидан 2019 йилда давлат солиқ хизмати органларида жами 636 та (2018 йилда 662 та) текширишлар ўтказилиб, натижасига кўра ғайриқонуний ҳужжатларни бекор қилиш ҳақида 866 та (331) протест келтирилган, аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш юзасидан 237 та (267) тақдимнома киритилган, 154 нафар (186) ходимларга нисбатан қонунбузилишига йўл қўймаслик хусусида огоҳлантирув эълон қилинган, 276 нафари (292) интизомий ҳамда 32 нафари (17) маъмурий жавобгарликка тортилган. Фуқаролик судларига 86,7 млн. (0,5) сўмлик 11 та (3), Иқтисодий судларга 89,4 млн. (1,4) сўмлик 44 та (4) аризалар киритилиб, 564 нафар (632) шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланган. Жиддий қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан 1 та (3) жиноят ишлари қўзғатилган.

Давлат солиқ хизмати ходимларининг ғайриқонуний ҳаракатлари тўғрисида келиб тушган маълумотлар ўрганилганда қуйидагилар аниқланди.

Прокуратура органларига 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси орқали солиқ текширувлари ва солиқ органлари қарорларидан норозилик ҳақида 26 та, шунингдек давлат солиқ хизмати органлари ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан 281 та муурожаатлар келиб тушган. (жадвал илова қилинади)



⁵³ <http://lex.uz/docs/106197>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 майдаги “Бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини тубдан ошириш ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5446-сон фармони 2-бандига асосан, солиқ ва бошқа айрим соҳаларда иқтисодий жиноятлар ҳамда коррупцияга қарши курашиш, уларнинг оқибатларини, шунингдек, уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланган.⁵⁴

Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши кураш департаменти томонидан 2019 йилда солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаш ҳолатларини олдини олиш борасида қўйидаги ишлар амалга оширилган:

- 277 (247) та ҳолатда фойда (даромад) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни қасддан яшириш, камайтириб кўрсатиш, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш билан боғлиқ жиноятлар фош этилган;

- солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаш ҳолатлари бўйича жиноят иши қўзғатилмасдан превентив чораларни қўллаш амалиёти кенг тадбиқ этилиб, ўтган давр мобайнида аниқланган 1174 та ҳолат бўйича 134,2 млрд сўм давлат бюджетига ундирилган;

- қонунчиликка биноан берилган имконият ва имтиёزلарга қарамасдан, 281 та хўжалик юритувчи субъектлар томонидан 30 кун муддатда солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни давлат бюджетига тўлашдан бўйин товлаганлик учун 132 нафарига нисбатан жиноят иши қўзғатилган;

Аниқланган ҳолатларнинг 31 фоизи (86 та) Тошкент шаҳрида, 18,1 фоизи (50 та) – Тошкент, 11,2 фоизи (31 та) – Фарғона, 8,3 фоизи (23 та) – Наманган, 7,2 фоизи (20 та) – Самарқанд ва 5,4 фоизи (15 та) – Бухоро вилоятларида қайд этилган.

Маълумот учун: Хоразмда 9 та, Навоий ва Сурхондарёда 7 тадан, Сирдарёда 6 та, Қашқадарёда 5 та, Қорақалпоғистон Республикасида 4 та, Андижон ва Жиззахда 3 тадан, жами 18,3 фоизи.

- 4,2 трлн сўмлик банкдан ташқари ноқонуний нақд пул айланмаси билан боғлиқ 534 та жиноят фош этилган;

- 1,1 (0,9) трлн сўм бюджетга қўшимча солиқ ҳисобланиб, шундан 300 (245) млрд сўми ундирилган;

- 434,1 (484,8) млрд сўмлик зарар аниқланиб, шундан 264 (385,7) млрд сўми ундирилган.

Мисол учун: “Leather Natural” МЧЖ мансабдор шахслари реимпорт қилинган 102,2 млрд сўмлик тери маҳсулотлари реализациясидан келган тушумни банкка кирим қилмасдан, бюджетга тўланиши лозим бўлган 20,4 млрд сўм қўшимча қиймат солиғини тўлашдан қасддан бўйин товлаган.

⁵⁴ <http://lex.uz/docs/3743214>

Шунингдек, хуфёна иқтисодиёт кўламини минималлаштириш, тадбиркорликни ривожлантириш, соғлом рақобатни таъминлаш ва янги иш ўринларини яратиш орқали солиқ базасини кенгайтириш мақсадида:

- ноқонуний тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келган 4818 нафар ёки ўтган йилга (3483) нисбатан 28 фоизга кўп тадбиркорлик субъектларининг фаолияти давлат рўйхатидан ўтказилиб, қонунийлаштирилган;

- тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг қонунийлаштириш ва амалий ёрдам кўрсатилиши натижасида 9646 та янги иш ўринлари яратилган;

- “хуфёна” тадбиркорлик фаолиятини олиб борилишига чек қўйиш мақсадида “қонуний тадбиркорлик – иқтисодий барқарорлик пойдевори” шиори остида олиб борилган тадбирлар натижасида 984 та (881) яширин цехлар фаолияти қонунийлаштирилган, 3364 янги иш ўринлари яратилган;

- 940 та яширин цехлар фаолияти фош этилиб, ҳуқуқбузарлардан 11,4 млрд сўмлик товар моддий бойликлар олиб қўйилган;

- 64 та (71) ҳолатда ноқонуний муомаладаги 3,3 (2,5) млрд сўмлик этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари олиб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги “Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5116-сон Фармонида асосан Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси тузилмасида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига тушумларнинг тўлиқлигини назорат қилиш инспекцияси ташкил этилиб, унга солиқ солиш тизими, солиқ ва божхона маъмуриятчилигини таҳлил қилиш ва баҳолаш асосида бюджет даромадларини кўпайтириш захираларини аниқлаш ва уларнинг сафарбар этилишини таъминлаш ва бошқа кўплаб бевосита солиқ соҳасига алоқадор бўлган вазифалар юклатилган.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органларида коррупцияга оид жиноятларнинг олдини олиш тизимини таъминлашнинг халқаро стандартларга мувофиқ бўлган тўлиқ ҳуқуқий асослари яратилган.

Биринчидан, давлат солиқ хизмати органларида коррупцияга қарши ички назорат тизими, яъни кўмитанинг ўз хавфсизлиги бошқармаси ҳамда ички аудит бошқармаси ташкил этилган ва фаолият юритмоқда.

Иккинчидан, давлат солиқ хизмати органларида коррупцияга қарши ташқи назорат тизими сифатида прокурор назорати институти, шунингдек Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши кураш департаменти томонидан эса тўғридан-тўғри коррупция ҳолатлари устидан назорат механизми жорий этилган.

Учинчидан, давлат солиқ хизмати органларида коррупцияга қарши ташқи молиявий назорат тизими сифатида Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси томонидан назорат ўрнатилган.

1.3-§ Давлат солиқ хизмати органларидаги коррупциявий жиноятчиликнинг ҳолати.

Солиқ хизмати органларида коррупция ҳолатларига барҳам бериш Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг доимий диққат марказида бўлиб, 22.12.2017 йилдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятини текширишни икки йилга тўхтатишни таклиф этганлиги бу борада энг муҳим кадам бўлди.⁵⁵

“Демократия учун информатика” жамғармасининг (ИНДЕМ фонди) тадқиқотига кўра, давлат иқтисодий инқироз даврида кўпинча Россияда бўлгани каби солиқ исканжасини мустаҳкамлашга ҳаракат қилади. Бу хуфёна иқтисодиётининг майдонини ва коррупция соҳасини кенгайтиради. Масалан, солиқ тўлашдан бўйин товлаган савдогарлар солиқ инспекторининг қармоғида бўлиб, жазодан қутулиш ваъдаси асосида пора ундириш учун мукамал нишонга айланган.

П. Беннет томонидан келтирилган Гарвард университети олимларининг сўнгги тадқиқотлар натижаларига кўра, мамлакат коррупциялашганлигини Мексика даражасидан Сингапур даражасигача камайтириш солиқ йиғимини 20 фоизга оширишга тенг таъсир кўрсатади.⁵⁶

Афсуски, давлат солиқ хизмати органларида коррупцияга оид жиноятларнинг олдини олишга қаратилган қайд этилган саъй ҳаракатларга қарамадан тизимда бундай салбий иллатлар ҳамон учраб турибди.

“Ижтимоий фикр” маркази томонидан 2016 йилдан 2018 йилгача ўтказилган жамоатчилик тадқиқотлари натижаларига кўра, айрим соҳаларда коррупция ва порахўрлик даражаси бир неча бор ошган.

Мисол учун, солиқ соҳасидаги коррупция фуқароларнинг фикрига кўра, 2017 йилда – 7% дан 2018 йилда –12.2% гача ошган.

Марказ томонидан ўтказилаётган “Жамоатчилик фикри кўзгусида коррупцияга қарши кураш” жамоатчилик фикри сўровига кўра, 2018 йилда Ўзбекистондаги энг коррупциялашган тармоқлар сифатида соғлиқни сақлаш тизими, ишга қабул қилиш жараёни, олий таълим тизими, ундан кейин ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва солиқ органлари аниқланган.⁵⁷

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг маълумотида кўра, 2018 йилда ўтказилган тадбирлар натижасида жами 35 нафар давлат солиқ хизмати ходимларига нисбатан 29 та жиноят иши қўзғатилган бўлиб, 1 та жиноят иши ҳаракатдан тўхтатилган, 26 та жиноят иши бўйича 32 нафар ходим жиноий жавобгарликка тортилиб, 2 та жиноят иши қолдиқда қолган.

Жиноий жавобгарликка тортилган солиқ ходимларининг 6 нафари пора олиш, 5 нафари фирибгарлик ва мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, 2 нафари ўзганинг ишониб топширилган мулкани ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан ўзлаштириш, 2 нафари солиқ ва бошқа мажбурий

⁵⁵ <http://uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-22-12-2017>

⁵⁶ Аналитический доклад “Россия и коррупция: кто кого”. http://indem.ru/indemfond/indfp2_r.html

⁵⁷ http://ijtimoiy-fikr.uz/ru/issledovaniya/borba_s_korrupciyev_zerkale_obshestvennogo_mneniya.

тўловларни тўлашдан бўйин товлаш, 1 нафардан ходимлар мансабга совуққонлик билан қараш, ҳокимият ҳаракатсизлиги, пора бериш ва 9 нафари бошқа турдаги жиноятларни содир этган бўлиб, уларнинг 3 нафари республика, 6 нафари вилоят ва 23 нафари туман шаҳар миқёсидаги солиқ тизимида ишлаб келган.⁵⁸

Мазкур жиноятларнинг содир этилиши сабабларини ўрганганимизда, товламачилик ҳолатлари асосан 3 та ҳолатда солиқ қарзини базадан ўчириб бериш, 3 та ҳолатда текшириш ўтказмаслик ёки текширилувчи фойдасига солиқларни камайтириб кўрсатиш, 4 та ҳолатда ноқонуний фаолиятга раҳнамолик қилиш ва 1 та ҳолатда маъмурий жазо чораси қўлламаслик эвазига пора олиш ва фирибгарлик жиноятлари содир этилганлиги маълум бўлди.

Масаланинг ахлоқий жиҳатларини ҳисобга олиб, мазкур тоифадаги жиноятлар бўйича айбланган маҳкумларнинг исми шарифини қайд этмасдан айрим мисолларни келтириб ўтамиз.

Масалан, жиноят иши юзасидан мутахассис сифатида тергов гуруҳига жалб қилинган Шайхонтоҳур туман ДСИ Жисмоний шахслар солиқ маъмуриятчилиги бўлими давлат солиқ катта инспектори С.Т жиноят ишига алоқадор шахслардан моддий манфаатдор бўлмаслик, товламачилик ва порахўрликка йўл қўймаслик ҳақида расмий равишда огоҳлантирилганлигига қарамасдан, «Magn Lux» МЧЖ норасмий раҳбари О.Г билан учрашиб, «Magn Lux» ва «Insof» МЧЖлардан етказилган моддий зарар суммасини камайтириш эвазига 6000 АҚШ доллари бериш талабини қўйган. 2018 йил 11 февраль куни «Анҳор» миллий таомлар ошхонаси олдида учрашув белгилаб, порани олиш учун оила аъзолари билан бошқарувида бўлган «Спарк» русумли автомашинада учрашув жойига борган. У ерда вояга етмаган қизи иштирокида фуқаро О.Г билан учрашиб, жинояти фош этилмаслиги, эҳтиёткорликни таъминлаш мақсадида пулни ўзида сақлашни айтиб, ҳеч қандай хавф мавжуд эмаслигига ишонч ҳосил қилганидан сўнг талаб қилган 5000 АҚШ долларини ёнидаги вояга етмаган қизини эғнида бўлган куртқасининг ён чўнтагига солиб қўйишни тайинлаган. Фуқаро О.Г унинг кўрсатмаси билан у талаб қилган 5000 АҚШ долларини вояга етмаган қизининг (уч ёш) чўнтагига солган ва қизини автомашинасида кутиб турган турмуш ўртоғи Н.Т ёнига юбориб, олинган порани ҳодиса жойи атрофида автомашинада кутиб турган турмуш ўртоғи Н.Тга топшириб, 5000 АҚШ долларини фирибгарлик йўли билан олган вақтда ашъвий далиллар билан ушланган.

Шунингдек, 2019 йилда жами 13 нафар давлат солиқ хизмати ходимларига нисбатан 12 та жиноят иши кўзғатилган бўлиб, шундан 2 та жиноят иши ЖПКнинг 84-моддасига асосан тугатилган, 8 та жиноят иши бўйича 8 нафар ходим жиноий жавобгарликка тортилиб, 2 та жиноят иши қолдиқда қолган.

Жиноий жавобгарликка тортилган солиқ ходимларининг 4 нафари пора олиш, 3 нафари фирибгарлик ва мансаб ваколатини сууистеъмол қилиш,

⁵⁸ Бош прокуратуранинг мансабдорлик жиноятлари бўйича 2018 йил ҳисоботи

1 нафари транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузишда ифодаланган жиноятни содир этган бўлиб, уларнинг 1 нафари вилоят ва 7 нафари туман шаҳар миқёсидаги солиқ тизимида ишлаб келган ходимлардир.⁵⁹

Мазкур жиноятларнинг содир этилиши сабабларини ўрганганимизда, товламачилик ҳолатлари асосан 4 та ҳолатда солиқ қарзини базадан ўчириб бериш, 5 та ҳолатда текшириш ўтказмаслик ёки текширилувчи фойдасига солиқларни камайтириб кўрсатиш, 2 та ҳолатда ноқонуний фаолиятга раҳнамолик қилиш ва 2 та ҳолатда маъмурий жазо чораси қўлламаслик эвазига пора олиш ва фирибгарлик жиноятлари содир этилганлиги маълум бўлди.

Масалан, 10.02.2019 йилда ўтказилган тезкор тадбирда, Тошкент вилояти давлат солиқ бошқармаси “Камерал назорат” бўлими давлат солиқ инспектори С.М тадбиркор А.К.дан унга қарашли бўлган автомашиналарга техник хизмат кўрсатиш шаҳобчасида текшириш ўтказмаслик ва унинг фаолиятига раҳнамолик қилиш эвазига 1500 АҚШ долларини пора тариқасида олган вақтда ашёвий далиллар билан ушланган. Жиноят ишининг тергов ва суд натижаси бўйича жазо муқаррарлиги таъминланган.

Бош прокуратуранинг жинойий ҳуқуқий статистика ахборот тизими маълумотлари бўйича, 2020 йилнинг 2 ойи мобайнида давлат солиқ органлари ходимлари томонидан 1 та ҳолатда пора олиш, 3 та ҳолатда фирибгарлик ва мансаб ваколатини суистеъмол қилиш, 1 та ҳолатда ҳокимият ҳаракатсизлиги ва 1 та ҳолатда номусга тегишда ифодаланган жиноятлар содир этилган.

Мисол учун, Жиззах вилоят ДСБ “Солиқ текширувлари ва мавзулари” бўлими давлат солиқ катта инспектори С.У, Ғаллаорол туман “Маҳалла” жамғармасида солиқ қонунчилигига риоя этилиши юзасидан текшириш ўтказмаётганлигидан фойдаланиб, солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш натижаларига кўра молиявий чоралар қўллаш ҳақида қарор қабул қилиш жараёнида унга енгиллик қилиб бериш эвазига 700 АҚШ долларини таъмагирлик йўли билан пора тариқасида талаб қилиб, шундан 2020 йил 8 февраль 500 АҚШ долларини пора тариқасида олиб, 2020 йил 27 февраль куни соат 20:20 ларда “Маҳалла” жамғармаси раиси П.Хдан пора тариқасида талаб қилинган 700 АҚШ долларидан қолган 200 АҚШ долларини олган вақтида ашёвий далиллар билан ушланган. Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши кўзгатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Давлат солиқ хизмати ходимларининг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиш 2019 йилда 2 та, 2020 йилда 1 та ҳолатда, шунингдек ходимларга нисбатан товламачилик жиноятлари 2018 йилда 1 та ҳолатда содир этилган.

Масалан, 2020 йил 8 январь куни Яккабоғ туманидаги “Болалар истироҳат боғи” ичида жойлашган “Шералиева Малика Баратовна” МЧЖга қарашли ошхонага туман ДСИнинг ходими А.С бориб, МЧЖ раҳбари Ш.Шга нотурар объектнинг 2020 йилнинг 1 январь ҳолатидаги 176 000 сўмлик солиқ қарздорлигини тўлаб қўйишини айтган вақтида уни ҳақорат қилиб, унга тан жароҳат етказиб, вазифасини бажаришдан воз кечишга, шунингдек, қонунга

⁵⁹ Бош прокуратуранинг мансабдорлик жиноятлари бўйича 2019 йил ҳисоботи

хилоф ҳаракатлар содир этишга ундаб, А.С ни хизмат бурчини бажаришдан қонунга хилоф равишда воз кечишга мажбур қилган. Мазкур ҳолат юзасидан жинойт иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Оммавий ахборот воситаларида Давлат солиқ хизмати органлари ходимлари томонидан содир этилаётган коррупциявий ҳамда мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш билан боғлиқ жинойтлар бўйича кенг жамоатчиликка мунтазам маълумот етказиб келинмоқда.

Масалан, “Газета.уз” интернет саҳифасида “Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев раислигида 2019 йил 4 апрелда бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида Тошкент туманлари ДСИ раҳбарлари таркибини янгилаш тўғрисида қарор қабул қилинди. Миробод, Мирзо Улуғбек, Учтепа, Сергели, Юнусобод, Бектемир ва Шайхонтоҳур туман солиқ инспекциялари раҳбарлари вазифасидан озод қилинди.” деган маълумот чоп этилган.⁶⁰

Шунингдек, газетанинг ушбу мақоласига кўра, Президент танқидидан сўнг ДСҚ солиқ органлари кадрлар таркиби зудлик билан қайта кўриб чиқилишини маълум қилди. Махсус комиссия тизимга «янги қон» олиб кириш устида ишларни бошлаб юборган.

ДСҚ 16.04.2019 йилда Шайхонтоҳур туман ДСИда «коррупцион тўр» шаклланишини аниқлаган, инспекция ходимлари устидан тизимли шикоятлар тушиб тургани таъмагирлик ва порахўрликдан далолат берган.

Маълум бўлишича, мазкур ДСИ ходимлари узоқ йиллар давомида давлат ёки бюджет манфаатларига эмас, балки чорасиз тадбиркорларни илинтириш учун коррупциялашган тўр ташкил этган ҳолда ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида фаолият олиб боришганлиги натижасида бюджетни тўлдириши ва давлатнинг ижтимоий пойдеворини мустаҳкамлаши мумкин бўлган маблағлар уларнинг шахсий чўнтақларига тушган.

Давлат солиқ қўмитасидан қайд этилишича, 15 йил давомида Шайхонтоҳур туман ДСИда бирор марта ҳам ротация амалга оширилиб, инспекция ходимларининг умумий тил бириктирган ҳолда коррупцион фаолият олиб боришларига чек қўйилмаган.

ДСҚ Шайхонтоҳур ДСИ ходимларининг келгуси коррупцион ҳаракатларига чек қўйишга қаратилган “аниқ чоралар”ни амалга оширган. ДСҚ раисининг уч ўринбосари бошчилигида ташкил этилган махсус комиссия «инспекция ходимларининг ноқонуний ҳаракатларини аниқлаш бўйича олиб борган ўрганишлар натижасида коррупцион ҳаракатларга жалб этилган ходимлар босқичма-босқич ишдан бўшатишга қўйилган. Қолган ходимлар махсус комиссия аттестациясидан ўтказилиб, бунда уларнинг компетенцияси ва ўз мансаб мажбуриятларига масъулият билан ёндашиши кўриб чиқилган.


Мазкур тадқиқот давомида Бош прокуратуранинг мансабдорлик жинойтлари бўйича ҳисоботлари асосида давлат солиқ хизмати ходимлари томонидан 2011 – 2019 йилларда содир этилган коррупция билан боғлиқ жинойтлар статистикасини таҳлил қилдик.

⁶⁰ <https://www.gazeta.uz/uz/2019/04/16/dsi/>

Давлат солиқ хизмати ходимларига нисбатан 2011-2019 йилларда қўзғатилган жиноят ишлари тўғрисида маълумот



Давлат солиқ хизмати ходимлари томонидан 2011- 2019 йилларда содир этилган коррупциявий жиноятларнинг таҳлили



Содир этган коррупциявий жиноятлари учун жавобгарликка тортилган давлат солиқ хизмати ходимларининг мавқеи тўғрисида маълумот



Халқаро миқёсдаги ҳамда хорижий мамлакатларнинг солиқ хизмати органларидаги коррупциявий жиноятчилик ҳолатини ўрганиб чиққанимизда куйидагилар аниқланди.

Халқаро валюта жамғармасининг ҳисоботида кўра, коррупция – шахсий даромад учун давлат ҳокимиятини суистеъмол қилиш бўлиб, бу давлат фаолиятини бузади ва давлатнинг барқарор иқтисодий ўсишга эришиш йўлидаги саъй-ҳаракатларини издан чиқаради. Коррупция баъзи одамларга солиқдан бўйин товлашга ёрдам беради ва айни вақтда кўпинча бошқалар якунида кўпроқ тўлашига сабаб бўлади. Даромаднинг йўқолиши давлат идораларининг ижтимоий харажатларни амалга ошириш қобилиятига ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Бундан ташқари, пора ёки непотизм таъсири остида давлат органлари қарорлари қабул қилинганда давлат хизматлари ва инфратузилма сифати камаяди. Оқибатда коррупция давлатга бўлган ишончни сусайтиради ва ижтимоий ва сиёсий беқарорликка олиб келиши мумкин.

Жаҳон банкининг тадқиқотида кўра, 57 та давлатлардаги 25 000 фирмалар фаолияти ўрганилганда, айнан улар кўпроқ пора тўлайдиган фирмалар эканлиги, шунингдек солиқлардан ҳам бўйин товлаши, кенгрок маънода жамиятда коррупция авж олган жойда бу солиқ тўлашдан бўйин товлашга сабаб бўлиши мумкинлиги аниқланган.

2014 йилда бошланган Бразилия давлат нефт компанияси Petrobrasнинг тергови бунга яққол мисол сифатида кўрсатилган. Бразилия фуқаролик солиқ аудиторлари солиқ ва божхона маълумотларни таҳлил қилиш орқали гумондорларга оид маълумотларни қонунга мувофиқ полиция ва прокурор билан алмашиш орқали бу трансмиллий коррупциянинг терговидида муҳим рол ўйнаган. Фуқаролик солиқ органи Petrobras собиқ директорининг қизи қимматбаҳо машина сотиб олганлигини аниқлаган. Ҳисоб рақамлар таҳлили директор била туриб инкор этган, коррупциявий схема оператори билан боғлиқликни кўрсатган. Кейинги таҳлилларда собиқ директор ушбу оператор қачонлардир яшаган ҳашаматли квартирага эга бўлган оффшор компаниянинг бенефициар эгаси бўлганлиги аниқланган.

Тергов натижасида, расмийлар пул ювиш, солиқ тўлашдан бўйин товлаш ва яширин активлар бўйича далилларни фош этиб, молиявий оқимларни кузатиб бориш имкониятига эга бўлган. Ушбу жиноий ишлар бўйича тергов ҳалигача давом этиб келмоқда.

2014 йилда Бразилия федерал полицияси ва прокуратураси Бразилия давлат нефт компанияси “Petrobras”га нисбатан терговни расмий эълон қилган. “Лава Жато” (автомобил ювиш) операцияси деб номланувчи, бу иш Бразилия тарихидаги энг йирик коррупциявий тергов сифатида қаралади.

Бу мураккаб коррупциявий схема муносабати билан Бразилия ва дунёнинг бошқа қисмларида 3 миллиард АҚШ доллари миқдориди пора берилган, деб таъкидланади. Petrobras раҳбарлари компания шартномалари ва нархлари оширилган шартномаларни ўзларига тўлаш учун ҳамда сиёсатчилар

ва сиёсий партияларни пора эвазига оғдириш мақсадида сохта жамғарма ташкил қилиш учун тасдиқлашган.

Тергов ва суд натижаларига кўра:

- * 289 шахсга нисбатан 72 та жиноят иши;
- * 182 хукм бўйича жами 118 шахсга 1809 умумий йилга қамоқ жазоси;
- * 3,5 млрд АҚШ доллари миқдорида активлар тикланган;
- * 3.7 млрд АҚШ доллари миқдорида солиқ жарималари.

Бразилияда ва бошқа жойларда мазкур жинойи ишлар бўйича тергов давом этмоқда (шу жумладан Швейцария ва АҚШ).⁶¹

Таъкидлаш жоизки, солиқ хизмати органлари фаолиятида назорат эскирган услуб ва принципларига асослангани боис, қуйидаги сабабларга кўра уларнинг олдига қўйилган янги вазифаларни ҳал қилиш имконини бермаган:

- солиқ маъмуриятчилигида коррупциявий муҳитни шакллантираётган, давлат солиқ хизмати органларининг деярли барча бўғинларида ходимлар коррупциялашувига олиб келаётган шарт-шароитларнинг мавжудлиги;

- солиқ солинадиган кўшимча базани аниқлаш, иктисодиётда хуфиёна айланмалар даражасини қисқартиришга имкон бермайдиган ахборот-коммуникация технологияларидан оқилона фойдаланмаслик;

- камерал назоратни, жумладан солиқ имтиёзлари ва преференциялардан мақсадли фойдаланилиши устидан камерал назоратни амалга ошириш учун ташқи манбаларни йиғишни таъминлайдиган таъсирчан дастурий маҳсулотларнинг мавжуд эмаслиги;

- мақсадли текширувлар ташкил этиш учун солиқларни тўлашдан мунтазам равишда бўйин товлаётган шахсларни, шунингдек, солиққа оид ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлашнинг аниқ мезонлари мавжуд эмаслиги;

- мавжуд ресурслардан давлат солиқ хизмати органлари ходимларини моддий рағбатлантириш учун етарлича фойдаланилмаётганлиги ва интизомий жавобгарликка тортиш даражаси ҳаддан ташқари юқорилиги.

Жорий йилдан бошлаб амалга киритилган янги таҳрирдаги Солиқ кодексида юқорида қайд этилган аксарият муаммоларнинг ечими акс этган.

Бизнингча, коррупция ва солиқларни тўлашдан бўйин товлаш жиноятлари кўпинча бир-бирини тўлдириб туради ва ўзаро таъсир қилади. Шунга кўра, солиқларни тўлашдан бўйин товлашни камайтириш чоралари билан бир қаторда, ҳалол ва бузилмайдиган солиқ тизимини ўзаро бирлаштириш зарурати мавжуд ва бунинг учун солиқ тўловчиларга нисбатан жазо чораларисиз қонун ҳужжатларига риоя этилишини рағбатлантирувчи чора-тадбирларнинг қўлланилишига устувор аҳамият бериш лозим бўлади. Зеро, солиқ текширувларини кўплиги коррупция ҳолатлари сонининг кўпайишига олиб келиши мумкин.

⁶¹ Improving Co-operation between Tax Authorities and Anti-Corruption Authorities in Combating Tax Crime and Corruption. <http://www.oecd.org/tax/crime/improving-co-operation-between-tax-authorities-and-anti-corruption-authorities-in-combating-tax-crime-and-corruption.pdf>

Фикримизча, солиқ хизмати органларида коррупцияга оид жиноятларни олдини олиш тизимини такомиллаштириш мақсадида қуйидаги омилларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади:

- солиқ хизмати органларида коррупциявий омилларга йўл қўймаслик бўйича превентив ва олдини олиш чораларини қўллаш;

- солиқ солинадиган базани кенгайтириш ва иқтисодиётда хуфиёна айланмаларни қисқартириш;

- текширувдан олдинги таҳлил ва масофавий назорат-таҳлил ишларини амалга ошириш учун маълумотлар йиғиш ва қайта ишлашни таъминлайдиган замонавий, илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

- давлат солиқ хизмати органлари ходимларига корпоратив этикани сингдириш, давлат солиқ хизмати органларининг стратегик мақсад ва вазифаларига эришиш учун ўз хизмат фаолияти самарадорлигини ошириш мотивацияси тизимини жорий этиш.

II БОБ. ДАВЛАТ СОЛИҚ ХИЗМАТИ ОРГАНЛАРИДА КОРРУПЦИЯГА ОИД ЖИНОЯТЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

2.1-§ Солиқ хизмати органларида коррупцияга оид жиноятларни олдини олиш борасидаги халқаро тажриба

Солиқ ва суғурта соҳасидаги “ЕҮ” глобал ташкилоти тадқиқотларига кўра,⁶² кўп мамлакатларда, давлат томонидан инвестицияларни қўллаб қувватлаш сиёсати солиқларни ундириш харажатларини камайтирган ҳолда тушумларни максимал оширишга асосланган. 2010 йилда Буюк Британия янги ҳукумати ҳокимиятга келганида, ҳукумат тузилмалари харажатларни кескин қисқартирган ва HMRC (солиқ ва божхона органи) ходимларини 20 фоизга қисқартирган. Айни вақтда, рақамли инфратузилмани ўзгартиришга ёрдам бериш ва унинг аналитик имкониятларини мустаҳкамлаш учун HMRCдаги маблағларнинг кўп қисмини қайта тиклаган. Нидерландия солиқ хизмати эса, 2015 йил октябрда 5000 ходимни ишдан озод қилишини ва 1500 янги бўш ўринлар учун рақамли маълумотлар мутахассисларига танлов эълон қилган.

Канада солиқ агентлиги бизнес-таҳлил соҳасидаги истеъдодларни бошқариш дастурини ишлаб чиққан ва мутахассисларни танлов асосида ишга қабул қилишни бошлаб юборган, шунингдек агентликка эксперт билимлар инновациялар олиб кириш мақсадида тегишли соҳаларда олимлар билан узоқ муддатли муносабатлар расмийлаштирилган.

Германия федерал марказий солиқ органи 100 дан ортиқ давлат идораларидан маълумотлар олади деб ҳисобланади. Канада ҳам, Нидерландия ҳам солиқ тўловчилардан олинган маълумотларни уларнинг ижтимоий тармоқлари ва электрон платформаларидан фойдаланиш натижасида олинган ҳамда бизнес-таҳлил маълумотлари билан тўлдиради. Бу сифат даражасини аниқлаш ва ушбу стандарт асосида маълумотларни бошқариш тузилмасини яратиш, маълумотларни бошқариш, маълумотлар сифати ва маълумотларни тозалаш каби тадбирларни қамраб олиш демакдир.

Австралия солиқ органининг ички муносабатлар ва ошкоралик бўйича комиссари Дэвид Алленга кўра, кўп миллий солиқ идоралари, таҳлил натижалари бўйича эришган ижобий натижалари ҳақида очиқчасига гапиришни афзал кўришади, чунки бундай натижалар билан бўлишиш келажакка янада юқори даражадаги талабларга жавоб беради.

Кўпгина солиқ органлари нафақат солиқ маъмурчилиги учун, балки солиқ тизими орқали бошқа хизматлар ёки имтиёзлар кўрсатиш учун ҳам жавобгардирлар. Улар кўплаб бошқа давлат идоралари (масалан, иммиграция, пенсия таъминоти, ижтимоий хизматлар ва мулк реестрлари) маълумотларини

⁶² “The tax authority of the future”, How tax authorities are using analytics to deliver new levels of value. [https://www.ey.com/Publication/vwLUAssets/ey-the-tax-authority-of-the-future/\\$File/ey-the-tax-authority-of-the-future.pdf](https://www.ey.com/Publication/vwLUAssets/ey-the-tax-authority-of-the-future/$File/ey-the-tax-authority-of-the-future.pdf)

оладиган “маълумотлар воситаси” ролини бажарадилар, шунингдек алмашинувда жиноий фаолиятни қўллаб-қувватлаш учун қимматли далилларни тақдим этадилар.

Иқтисодиётнинг пасайиши, пул ўтказмаларининг камайиши ва солиқ тўловчиларнинг норозилигига дуч келган Арманистон ҳукумати 2012 йилдан бошлаб Жаҳон банкининг кўмагида ўзининг солиқ маъмуриятчилиги тизимини ислоҳ қилган. Лойиҳанинг сўнги ҳисоб-китобларига кўра, 2016 йил баҳорида 35 минг солиқ инспекторлари ўқитилиб, солиқ хизматлари ва ҳужжатларининг қарийб 96 фоизи электрон шаклда тақдим этилиши ҳамда солиқ хизматчилари билан бевосита тўғридан-тўғри алоқаларни чекланиши натижасида солиқ хизмати органлари лойиҳа бошланган вақтдаги 16,3 фоиз ўрнига ЯИМнинг 20 фоизи миқдорида солиқларни йиғишга эришган.⁶³

Арманистон Республикасининг солиқ хизмати ўз фаолиятини “Солиқ хизмати тўғрисида”ги қонунга асосан олиб боради.⁶⁴ Ушбу қонунга кўра, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги сабабли жиноят содир этилганлиги ҳолатлари юзасидан жиноят иши қўзғатиш ва суриштирув ўтказиш; солиқ қонунбузарликлари тўғрисида, содир этилган ёки содир этилаётган ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги маълумотлар бўлса, шунингдек солиқ жинояти содир этилганлигини кўрсатувчи бошқа далиллар ва ҳолатлар мавжуд бўлса, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш; оператив заруриятдан келиб чиқиб, давлат органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, муассасалар, ташкилотлар ва фуқароларнинг автотранспорт воситалари ҳамда алоқа воситаларидан фойдаланиш Солиқ органининг мажбуриятлари ҳисобланади.

Шунингдек, мазкур қонуннинг 25-моддасига асосан, хизмат интизомини бузган солиқ ходимларига нисбатан 1) оғзаки танбех; 2) ёзма ҳайфсан; 3) унвонини пасайтириш; 4) моддий жавобгарликни қўллаш; 5) эгаллаб турган лавозимидан озод этиш интизомий чоралари қўлланилади. Даромадлари ҳақида декларация топширмаслик ходимни эгаллаб турган лавозимидан озод этиш асосларидан бири сифатида эътироф этилган.

Эътиборли жиҳати шундаки, ушбу қонуннинг 42-моддасига асосан мажбуриятларни бажармаганлиги (лозим даражада бажармаганлиги) учун солиқ хизмати органларининг мансабдор шахслари (ходимлари) қуйидаги тартибда моддий жавобгарликка тортилади:

1) ошириб ёки камайтириб ҳисобланган (тақдим этилган) бюджетга тўланадиган солиқ мажбуриятининг миқдори 100 000 драмдан кам бўлса, ёзма огоҳлантириш олади;

2) ошириб ёки камайтириб ҳисобланган (тақдим этилган) солиқ мажбуриятининг миқдори бюджетга 100 000 дан 1 000 000 драмгача тўланган

⁶³ <https://www.worldbank.org/en/results/2016/11/07/armenias-tax-reform-brings-more-public-revenues-and-a-fairer-tax-code>

⁶⁴ Закон Республики Армения “О налоговой службе”, <http://www.parliament.am/legislation.php?sel=show&ID=1323&lang=rus>

бўлса, ортиқча ёки камайтириб ҳисоблаб чиқарилган (тақдим этилган) сумманинг 5 фоизигача жарима тўланади;

3) ошириб ёки камайтириб ҳисобланган (тақдим этилган) солиқ мажбуриятининг суммаси бюджетга 1 000 001 дан 5 000 000 драмгача тўланган бўлса, ортиқча ёки камайтириб ҳисоблаб чиқарилган (тақдим этилган) сумманинг 10 фоизигача жарима тўланади;

4) ошириб ёки камайтириб ҳисобланган (тақдим этилган), бюджетга тўланиши керак бўлган солиқ мажбуриятининг суммаси 5 000 000 драмдан ортиқ бўлса, жарима тўлайди ёки солиқ хизматидан эгаллаб турган лавозимига номувофиқлик асосида бўшатилади.

Ушбу моддий жавобгарлик чоралари қонунбузарлик ҳолатлари юзасидан хизмат текшируви ўтказилгандан кейин қўлланилади. Жавобгарлик тури, аниқ миқдори солиқ органининг хизмат текшируви ўтказиш бўйича комиссияси томонидан тақдим этилган ҳужжатларда асослангирилиб, Солиқ органи раҳбарининг буйруғи билан қўлланилади. Моддий жавобгарликни қўллаш натижасида ундирилган суммалар моддий рағбатлантириш ва солиқ хизмати тизимини ривожлантириш Жамғармаси ҳисобига ўтказилади.

Мазкур қонунда хизмат текширувини ўтказиш тартиби ҳам белгиланган бўлиб, хизмат текшируви солиқ органи раҳбарининг қарорига ёки ходимнинг талабига асосан ўтказилади. Хизмат текширувини ўтказувчи комиссия ходимларнинг шахсий таркиби Ҳукумат томонидан таклиф қилинган номзодлар орасидан солиқ органи раҳбари томонидан тасдиқланади. Комиссия солиқ ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этишини назорат қилади, хизмат текширувлари ўтказилади, солиқ органи раҳбарига тақдим этадиган қарорларни қабул қилади ва манфаатдор шахсларни ёзма равишда хабардор қилади.

Солиқ органлари ходимлари хизмати давомида зарур ҳолларда белгиланган тартибда жисмоний куч ишлатиш, махсус жиҳозлар ва ўқотар қуролдан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Словения Республикаси Молиявий бошқармаси (солиқ ва божхона хизмати) “Молиявий бошқарма тўғрисида”ги қонун асосида фаолият юритади. Қонунга кўра, солиқ инспекторлари фото ва видео қайд этиш техник воситаларидан фойдаланиш, солиқ тўловчининг ҳар қандай биносига кириб текшириш, тадбиркорлик фаолиятини таъқиқлаш ва хизмат биноларини муҳрлаб қўйиш, шу жумладан веб-сайтларни муҳрлаш ваколатига берилган. Солиқ инспекторлари жамоат транспортдан бепул фойдаланиш ва Молиявий бошқарма ёзуви тушурилган устуворлик берилган махсус транспорт воситаларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Латвия Республикаси Давлат даромадлари хизмати (солиқ органи) ўз фаолиятини “Давлат даромадлари хизмати тўғрисида”ги қонун асосида олиб боради.⁶⁵ Қўмита солиқ соҳасидаги қонунбузарликлар бўйича жиноят иши кўзғатиш, суриштирув ва дастлабки тергов ҳаракатларини олиб бориш ҳамда тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш ваколатига эга. Ушбу қонунга

⁶⁵ Latvijas Republikas Par valsts ieņēmumu dienestu. <https://likumi.lv/doc.php?id=59902>

асосан Давлат даромадлари хизмати жисмоний шахслардан декларацияларни қабул қилади ва уларда келтирилган маълумотларнинг тўғрилигини ва даромад манбаларининг қонунийлигини текширади; текширишларда ва бошқа процессуал ҳаракатларда фотосуратлар, аудио ва видеоёзувларни амалга ошириш; вазирликлардан, бошқа давлат бошқарув органларидан, молия институтлари ва кредит ташкилотлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларидан текширувлар ва текширишлар тўғрисидаги далолатномаларни, шунингдек солиқ тўловчиларни ҳисобга олиш ва уларнинг хўжалик-молиявий фаолияти билан боғлиқ бошқа маълумотларни олиш; солиқ текшируви (аудити) пайтида солиқ тўловчи тугатилиши, яшириши, тижорат компанияси қайта ташкил этилиши ёки бошқа фаолиятни амалга оширишни имконсиз қилиши мумкинлиги тўғрисида далиллар мавжуд бўлса, солиқ текшируви ўтказиш учун мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисида қарор қабул қилиш; Европа Иттифоқига аъзо давлатларда мажбурий ижро этиш ҳуқуқини берадиган қарорларни суд ижрочисига тақдим этиш ваколатига эга.

Шунингдек мазкур қонунда Давлат даромадлари хизмати ходимлари томонидан коррупция ҳолатларига йўл қўйилишини олдини олиш ва унга қарши кураш фаолияти ички хавфсизлик бошқармаси томонидан олиб борилиши ва унинг ваколатлари белгиланган.

Давлат даромадлари хизмати ходимлари фаолияти давомида зарур ҳолларда белгиланган тартибда жисмоний куч ишлатиш, махсус жиҳозлар ва ўқотар қуролдан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Молдова Республикаси Давлат солиқ хизмати ўз фаолиятини Молдова ҳукуматининг қарори билан тасдиқланган Низом асосида Молия вазирлиги таркибида олиб боради. Давлат солиқ хизмати солиқ соҳасидаги қонунбузарликлар бўйича жинойт иши қўзғатиш; ҳуқуқбузарларни ушлаб туриш; стандартларга мувофиқ транспорт воситаларига ўрнатилган махсус овоз чиқарувчи ва ёруғлик сигналларидан фойдаланиш; жинойтни фош этишни таъминлашга қаратилган ҳаракатларни амалга оширишни таъминлаш учун транспорт воситалари ва пиёдаларнинг кўчаларда ва йўлларда ҳаракатланишини вақтинча чеклаш ёки тақиқлаш; текширув жараёнида ва ушланган шахсларга нисбатан аудио ва видео қайд этиш ҳамда фотосуратга олиш ваколатига эга.⁶⁶

Эътиборга молик жиҳати, Молдова ҳукуматининг қарори билан солиқ соҳасида 2018-2020 йилларда коррупцияга қарши ҳаракатлар бўйича тармоқ режаси тасдиқланган.⁶⁷ Унда устивор мақсад давлат солиқ хизмати фаолияти самарадорлигини ва коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини тегишли равишда қўллаш, солиқ соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базанинг сифати ва башорат қилинишини яхшилаш, қарорларни қабул қилишда шаффофликни ошириш, самарали ва ишлайдиган

⁶⁶ Regulament privind organizarea și funcționarea Serviciului Fiscal de Stat. https://www.legis.md/cautare/getResults?doc_id=119197&lang=ro

⁶⁷ Aprobat prin Hotărîrea Guvernului nr.325 din 17 aprilie 2018., Plan sectorial de acțiuni anticorupție în domeniul fiscal pentru anii 2018-2020. https://www.legis.md/cautare/getResults?doc_id=102973&lang=ro

автоматлаштирилган ахборот тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш орқали хизматлар кўрсатиш жараёнларини модернизация қилиш орқали давлат солиқ хизмати фаолияти сифатини ошириш ва бирлаштириш, идоралараро ҳамкорликни таъминлашга қаратилиб, давлат солиқ хизматида институционал ҳалоллик муҳитини мустаҳкамлаш бўйича ҳаракатларни амалга ошириш; хизматнинг барча ходимлари учун жамоат манфаатларига мос келадиган, ноқонуний таъсир ва коррупция кўринишидан холи бўлган, профессионал этика қоидаларини бузганлик учун аниқ санкцияларни ўрнатиш; ходимларнинг давлат лавозими, хизмат ваколатлари, иш жараёнлари ва қўлланиладиган санкцияларни тартибга солувчи ахлоқий меъёрларни билиши институционал ҳалолликнинг муҳим шарти бўлиши; хизмат раҳбарияти олдиндан ролни мослаштириши ва ходимларининг коррупцияга қарши ихтисослаштирилган ўқув курсларида қатнашишини мунтазам равишда таъминлаш юзасидан вазифалар белгиланган.

Украина Молия вазирлиги таркибидаги Давлат фискал хизмати (солиқ органи) ўз фаолиятини Украина Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланган Низом асосида олиб боради.⁶⁸ Давлат фискал хизмати солиқ соҳасидаги қонунбузарликлар бўйича жиноят иши кўзғатиш ва дастлабки тергов ҳаракатларини олиб бориш ҳамда тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга. Қайд этиш лозимки, мазкур низомда Давлат фискал хизмати фаолиятини ташкил этишнинг асосий мақсадларидан бири сифатида коррупцияни олдини олиш бўйича тадбирларни амалга ошириш белгиланган.

Давлат фискал хизмати ходимлари томонидан коррупция ҳолатларига йўл қўйилишини олдини олиш ва унга қарши кураш фаолияти ички хавфсизлик бош бошқармаси томонидан раҳбар тасдиқлаган коррупцияга қарши кураш бўйича дастурлар асосида олиб борилади.⁶⁹

Озарбайжон Республикасининг Солиқлар вазирлиги ўз фаолиятини Республика Президентининг фармони билан тасдиқланган Низом асосида олиб боради. Вазирлик солиқ соҳасидаги қонунбузарликлар бўйича жиноят иши кўзғатиш, суриштирув ва дастлабки тергов ҳаракатларини олиб бориш ҳамда тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга.⁷⁰

Шунингдек, мазкур низомда Солиқлар вазирлиги томонидан банкларга ёки кредит ташкилотларига солиқ тўловчиларнинг валюта ва барча ҳисоб рақамларидан боқимонда қарзлар ва фоизлари, қўлланилган молиявий ва маъмурий жарималарни ундириш ҳақида ижро ҳужжати ҳисобланадиган фармойишлар бериш, судларга солиқ тўловчиларнинг валюта ва барча ҳисоб рақамларига банд солиш ҳақида даъво киритиш, Адлия вазирлигига юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилишини тугатиш масаласини киритиш юзасидан ҳуқуқ ва ваколатлар белгилаб қўйилган.

⁶⁸ Про Державну фіскальну службу України, <https://zakon.rada.gov.ua/laws/show/236-2014-%D0%BF>

⁶⁹ Про затвердження Антикорупційної програми Державної фіскальної служби України на 2018 рік. <https://www.tax.gov.ua/diyalnist-/zakonodavstvo-pro-diyalnis/nakazi-pro-diyalnist/73108.html>

⁷⁰ Положение Министерства по Налогам Азербайджанской Республики, <http://vn.taxes.gov.az/haqqinda/VNEsasname-rus.pdf>

Солиқ ходимлари томонидан коррупция ҳолатларига йўл қўйилишини олдини олиш ва унга қарши кураш фаолияти вазирликнинг ички хавфсизлик бошқармаси томонидан Вазир тасдиқлаган низом асосида олиб борилади.

Беларус Республикаси Солиқлар ва йиғимлар вазирлиги ўз фаолиятини Республика Вазирлар Кенгашининг қарори билан тасдиқланган Низом асосида олиб боради.⁷¹ Вазирлик ваколатли органларга фуқароларнинг Беларус Республикасидан чиқишини вақтинча чеклаш бўйича таклиф киритиш, текширувлар ўтказиш вақтида ҳуқуқбузарлик фактини тасдиқлаш учун аудио ва видео ёзувларни олиб бориш, кино ва фото суратга олиш, ҳужжатлардан ксеро нусхалар олиш, сканерлаш, яширин ёзув ва суратларни кўриш бўйича техник воситаларни қўллаш ҳуқуқига эга.

Солиқ ходимлари томонидан коррупция ҳолатларига йўл қўйилишини олдини олиш ва унга қарши кураш фаолияти вазирликнинг коррупцияга қарши кураш комиссияси томонидан Вазир тасдиқлаган низом асосида олиб борилади. Комиссия шунингдек коррупция намоён бўлишининг олдини олишга ва уларни аниқлашга, коррупция учун шароит яратадиган ҳуқуқбузарликларни аниқлашга ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга қарши курашда кўмаклашувчи ходимларни рағбатлантириш ваколатига эга.⁷²

Беларусь Республикасида солиқларни тўлаш муддати сифатида масофавий банк хизмати кўрсатиш тизими (клиент-банк, интернет-банк, телефон-банк) орқали банкка тўловни амалга ошириш бўйича электрон тарзда инструкция жўнатиш, яъни электрон воситалар орқали тўловни амалга ошириш ҳам кўрсатиб ўтилган⁷³.

Эстония Республикаси Молия вазирлиги таркибидаги Солиқ-божхона департаменти ўз фаолиятини Молия вазирининг қарори билан тасдиқланган Низом асосида олиб боради.⁷⁴ Солиқ-божхона департаменти солиқ соҳасидаги қонунбузарликлар бўйича жинойт иши кўзғатиш, тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш, дастлабки тергов ҳаракатларини олиб бориш ҳуқуқига эга.

2003 йилга қадар Грузия дунёдаги энг коррупциялашган давлатлардан бири ҳисобланган. Солиқ маъмуриятидаги коррупция даромадларни йиғиш тизимини йўқ қилган. 2003 йилда янги ҳукумат томонидан Грузияда солиқ кодекси соддалаштирилган, жумладан, қўплаб солиқ бўшлиқлари бартараф этилган ҳамда солиқлар ва импорт тарифлари сонини камайтириш, бизнесни рўйхатга олиш ва божхона расмийлаштируви каби тартиб-қоидалар учун “универсал ойналар” жорий этилган. Натижада Грузияда солиқ тушумлари 2003 йилдаги ЯИМнинг 12 фоизидан 2008 йилда ЯИМнинг 25 фоизигача

⁷¹ Положение о министерстве по налогам и сборам Республики Беларусь <http://www.nalog.gov.by/ru/polozhenie-o-ministerstve-ru/>

⁷² Положение о комиссии по противодействию коррупции в Министерстве по налогам и сборам Республики Беларусь, <http://www.nalog.gov.by/ru/polozhenie-o-komissii-po-protivodejstviyu-korruptcii/>

⁷³ Налоговый кодекс республики Беларусь. http://www.nalog.gov.by/ru/TAX_CODE_RU/

⁷⁴ Maksu- ja Tolliameti põhimäärus., <https://www.riigiteataja.ee/akt/126012018003?leiaKehtiv=>

миқдорда ошган, бу ҳар қандай мамлакат учун рўйхатга олинган энг йирик ўсишлардан бири ҳисобланади.⁷⁵

Грузия Солиқ хизмати ўз фаолиятини Грузия ҳукуматининг қарори билан тасдиқланган Низом асосида Молия вазирлиги таркибида олиб боради. Солиқ хизмати солиқ соҳасидаги қонунбузарликлар бўйича жиноят иши қўзғатиш, суриштирув ва дастлабки тергов ҳаракатларини олиб бориш ҳамда тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга.⁷⁶

Қозоғистон Республикаси Молия вазирлиги таркибидаги Давлат даромадлари қўмитаси (солиқ органи) ўз фаолиятини Молия вазирининг буйруғи билан тасдиқланган Низом асосида олиб боради. Қўмита солиқ соҳасидаги қонунбузарликлар бўйича жиноят иши қўзғатиш, суриштирув ва дастлабки тергов ҳаракатларини олиб бориш ҳамда тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга.⁷⁷

Қозоғистон Республикасининг 2015 – 2017 йилларда коррупцияга қарши стратегиясини амалга ошириш ва хуфёна иқтисодиётга қарши кураш бўйича 2015 – 2025 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар режасига мувофиқ, чегара назорати бўлинмалари, ички ишлар органлари ва давлат даромадлари ва божхона хизмати ходимлари учун портотив видеорегистраторни етказиб бериш стандартларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, шунингдек давлат вазифаларини бажаришга ваколатли ва уларга тенглаштирилган шахслар томонидан масбул давлат лавозимига эга бўлган шахслар ва уларнинг турмуш ўртоқлари томонидан даромадлари ва мол-мулки тўғрисида декларацияларни, шу жумладан, кўчмас мулк, транспорт воситалари, қимматли қоғозлар, улушларни сотиб олиш харажатлари манбаларини декларация қилиш масалаларини ишлаб чиқиш белгиланган.⁷⁸

Ушбу режага асосан, Молия вазирлиги томонидан 10.12.2019 йилда Қозоғистон Республикаси давлат даромадлари органлари ходимларининг хатти-ҳаракатларини ёзиб олиш учун портотив видеорегистраторларни етказиб бериш меъёрлари тасдиқланган.⁷⁹

Delgado, Sanchez & Лóпез (2018) маълумотларига кўра, Испанияда солиқ маъмуриятидаги коррупция ҳолатларини камайтириш мақсадида электрон бошқарув, жараёнларни автоматлаштириш ва компьютер тизимларидаги барча ҳаракатларни етарли даражада акс эттириш, шунингдек, трендларни таҳлил қилиш ва кузатишга эътибор қаратилган. Бундан ташқари, хавф-хатарларни таҳлил қилиш тизимини мажбурий электрон ҳисоб-фактурага

⁷⁵ Curbing Corruption, FISCAL MONITOR 2019 APR ©2019 International Monetary Fund. <https://www.imf.org/~media/Files/Publications/fiscal-monitor/2019/April/English/text.ashx>

⁷⁶ Об утверждении Положения Министерства финансов Грузии, <https://www.matsne.gov.ge/ka/document/view/3628991?publication=0>

⁷⁷ Положение о Комитете государственных доходов Министерства финансов Республики Казахстан., <http://kgd.gov.kz/ru/content/polozhenie-o-komitete>

⁷⁸ План мероприятий на 2015 – 2017 годы по реализации Антикоррупционной стратегии Республики Казахстан на 2015 – 2025 годы и противодействию теневой экономике. <http://adilet.zan.kz/files/docx/712/p1500000234.27-10-2016.rus.docx>

⁷⁹ Натуральные нормы снабжения портативными видеорегистраторами для фиксации действий работников органов государственных доходов Республики Казахстан. <http://adilet.zan.kz/rus/docs/V1900019747#z6>

бўйсунадиган катта ҳажмдаги маълумотлар учун қўллаш, ғайриоддий ёки шубҳали битимлар ва трансферларни аниқлаш учун ҳаракат қилинмоқда.

Испанияда ўрганиладиган яна бир ёндашув фирибгарлар профиллари ва ижтимоий тармоқлардан фойдаланишдаги ўзаро алоқалари маълумотларини таҳлил қилишнинг таснифлашга қўшган ҳиссаси билан боғлиқ.⁸⁰

Мексикада давлат солиқ хизмати телефон, электрон почта ёки қоғозли алоқа орқали аноним равишда коррупцияни йўқ қилиш тизимини яратиб, солиқ коррупциясига қарши курашиш стратегиясини ишлаб чиққан. Бунда сўровномалар ўтказиш билан шаффофлик ва хизмат кўрсатишнинг ички кўрсаткичларини доимий равишда мониторинг қилиш, шунингдек масъул лавозимлардаги ходимларнинг ротацияси ёки ишдан бўшатилиши жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилган ҳолда уларнинг ишончилигини баҳолаш ва кўриб чиқиш назарда тутилган.⁸¹

Таъкидлаш жоизки, солиқ мониторингининг энг ривожланган ва очиқ тизимларидан бири Австралияда мавжуд. Австралия солиқ хизмати ҳар йили солиқ маъмуриятчилиги тизимининг адекватлигини баҳолаш жараёни орқали рискни бошқариш тизимини амалга оширади. Бу ишнинг натижаси ҳар йили нашр этиладиган солиқ тўловчиларнинг маълум бир сегментига ва солиқ маъмуриятчилигининг алоҳида йўналишларига нисбатан солиқ назоратининг асосий муаммоларини ўз ичига оладиган “Солиқ интизомини баҳолаш дастури” ҳисобланади⁸².

Масалан, Хитой Халқ Республикаси (ХХР) солиқ маъмуриятчилигида замонавий АКТни қўллашнинг муҳим ролини эътироф этган ҳолда “Солиқларни йиғишнинг маъмуриятчилиги тўғрисида” Хитой Халқ Республикаси қонунида давлат томонидан турли даражадаги солиқ органларини режали равишда замонавий ахборот-коммуникация технологиялар билан таъминлаши ҳамда солиқ органлари ва бошқа давлат органлари ўртасида ўзаро маълумот айирбошлашни такомиллаштириш мажбурияти белгилаб қўйилган⁸³.

Ли Жинян (Li, Jinyan) ХХР солиқ тизимини модернизация қилишда солиқ тўловчилар тўғрисида маълумотларни ҳамда уларни солиқ текширувларига танлаб олишни компьютерлаштириш солиқ хизмати органларида коррупция ҳолатлари кескин пасайишига олиб келганлигини таъкидлаб ўтади⁸⁴.

Замонавий АКТ воситаларидан солиқ тўловчиларни солиқ текширувларига улар томонидан солиқ қонунчилигини бузиш хавфини таҳлил

⁸⁰ Laura María García Carrizosa “Analysis tools for the fight against corruption” TAX ADMINISTRATION review ciatlaeatlief № 45. https://www.ciat.org/Biblioteca/Revista/Revista_45/Ingles/2019_TR45_ebook_ing.pdf

⁸¹ The U4 Anti-Corruption Resource Centre. <https://www.u4.no/publications/approaches-to-curbing-corruption-in-tax-administration-in-africa.pdf>

⁸² Мамадаминов Н. Солиқ рискларини бошқаришнинг халқаро тажрибаси. // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 1, январь-февраль, 2019 йил. – Б. 17-18.

⁸³ Law of the People's Republic of China on the Administration of Tax Collection (Order of the President No.49), April 28, 2001, article, 6.

⁸⁴ Li, Jinyan, “Development and Tax Policy: Case Study of China” (2007). Comparative Research in Law & Political Economy. Research Paper No. 27/2007., page 41.

қилган ҳолда танлаш жаҳоннинг иқтисодий ривожланган давлатларида анчадан буён фойдаланиб келинмоқда. Мазкур усул RBI (risk based inspection) ёки RBA (risk based assessment), текширувларни хавфларни таҳлил қилган ҳолда амалга ошириш деган маънони беради.

Ривожланган давлатларда амалга киритилган хавфларни таҳлил қилиш тизими солиқ органлари томонидан ички ва ташқи базадан олинган ахборот ҳамда мазкур ахборотни қайта ишловчи ва текширишлар дастури учун хавфларга балларни берувчи информацион тизимга асосланади⁸⁵.

Масалан, Ирландия солиқ текширувлари учун солиқ тўловчиларни танлаб олишда фақатгина электрон тизим “Risk Evaluation Analysis and Profiling – REAP” тизимини қўллаган ҳолда амалга оширилади ҳамда мазкур текширишларга саралаш жараёни алоҳида норматив ҳужжат билан тартибга солинади⁸⁶.

RBI (risk based inspection)нинг мазмуни солиқ тўловчилар тўғрисида барча маълумотларни ўрганиб таҳлил қилиш ҳамда улар томонидан солиқ қонунчилигини бузиш ёки солиқларни тўлашдан бўйин товлаш хавфини аниқлашдан иборатдир.

Кўпгина ривожланган давлатлар солиқ қонунчилигида солиқ ва мажбурий тўловларни амалга ошириш усуллари сифатида банк орқали пул ўтказиш ва кассага нақд пул топшириш усуллари билан бир қаторда электрон воситалар билан онлайн режимда тўловларни амалга ошириш ҳам назарда тутилади. Масалан, Чехия солиқ қонунчилиги тўлов хизмати кўрсатиш воситалари орқали солиқ органлари ҳисоб варағига солиқ суммасини ўтказишни ҳам назарда тутди⁸⁷.

АҚШда солиқдан салмоқли қарзи бор (51 000 АҚШ долларида юқори) шахслар қарздорлигини бартараф этмаса, уларга паспорт берилмайди ёки алмаштирилмайди ёхуд берилган паспорт бекор қилинади. Шунингдек, шахснинг солиқ қарзи борлиги тўғрисида барча кредиторларга эълон қилинади. Оқибатда бундай шахсларга иш, кредит, ижарага берувчилар ўз хизматларини тақдим этишни рад этиши мумкин⁸⁸.

Ирландияда жазо чораси сифатида солиқ тўлашдан бўйин товлаган ёки солиқларни тўламаганлар рўйхати ҳар чоракда эълон қилиб борилади⁸⁹. Ушбу мамлакатда хабар берувчиларга шахсини сир сақлаган ҳолда улар берган маълумот бўйича аниқланган ва ундириб олинган сумманинг 15 фоизи, бироқ 100 000 доллардан кўп бўлмаган миқдорда мукофот берилади⁹⁰.

Японияда солиқ текшируви билан бир қаторда инспекторлик текшируви таомили ҳам бор. Инспекторлик текшируви (солиқ ҳуқуқбузарлиги бўйича

⁸⁵ Risk-based tax audits : approaches and country experiences / Munawer Sultan Khwaja, Rajul Awasthi, and Jan Loeprick, editors, 2011, page 20.

⁸⁶ “Code of Practice for Revenue Audit and other Compliance Interventions”, <https://www.revenue.ie>

⁸⁷ Чехия Республикаси Солиқ кодекси 163-моддаси.

⁸⁸ https://www.doingbusiness.org/content/dam/doingBusiness/media/Annual-Reports/English/DB2019-report_web-version.pdf

⁸⁹ https://www.doingbusiness.org/content/dam/doingBusiness/media/Annual-Reports/English/DB2019-report_web-version.pdf

⁹⁰ https://www.doingbusiness.org/content/dam/doingBusiness/media/Annual-Reports/English/DB2019-report_web-version.pdf

текширув) солиқларни тўлашдан бўйин товлаган ашаддий шахсларга нисбатан “Давлат солиқлари бузилишларини таъқиб этиш тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ амалга оширилади. Унинг мақсади солиқ бузилиши ҳолатларини аниқлаш ва тегишли далилларни тўплашдан иборат. Инспекторлик текшируви солиқ тўловчининг иродасидан қатъи назар, амалга оширилади. Текширув вақтида суд томонидан санкция берилган ҳужжатларини олиб қўйиш ва мол-мулкни хатлаш, шунингдек яширин кузатиш мумкин. Инспекторлик текширувлари минтақавий солиқ бошқармалари тергов бўлимлари мансабдор шахслари томонидан амалга оширилади. Солиқ тўлашдан бўйин товлаш ҳолати аниқлаганда, текширув натижалари бўйича материаллар жиноят ишини қўзғатиш ва тегишли бошлаш хусусидаги илтимоснома билан прокуратурага топширилади.

Солиқ тўловчиларни рағбатлантиришнинг усуллари моддий ва номодий рағбатлантириш усуллари мавжуд. Солиқ тўловчиларнинг солиқ мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ бажаришларини рағбатлантириш инсофли солиқ тўловчиларга турли совғалар бериш ёки лотореялар ўтказиш орқали амалга оширилган. Дастлаб бундай лоторея ўтказиш 1950 йилларда Тайванда, кейинчалик 1990 йилдан бошлаб Хитойда ўтказиладиган бўлди. Ҳозирги пайтда ҚҚС лотореясида Словакия, Мальта, Руминия ва Португалия каби Европа давлатларида ҳам амалда қўлланиб келмоқда. ҚҚС лотореясининг асосий мазмуни ҚҚС қўшилган товар ёки хизматларни сотиб олувчи мижоз давлат томонидан ташкил этиладиган лоторея иштирокчиси бўлиши мумкин бўлади ва унинг ҳар бир ҚҚС тўланганлиги билдирувчи квитанция ёки чек лоторея билетига алмаштирилади ёки билет деб ҳисобланади⁹¹.

Моддий рағбатлантиришдан ташқари номоддий рағбатлантириш усуллари ҳам қўлланиб келинади. Масалан, 2006 йилдан бошлаб Испаниянинг даромад солиғи тўғрисидаги қонунига кўра, солиқ тўловчилар даромад солиғини тўлаганича тўлаган солиқ тўловчиларга солиқ суммасининг 0,7% ини хайрия мақсадларига йўналтиришлари мумкин бўлади. Бу хайрия солиқ тўловчининг истагига кўра Католик черковига, хайрия ташкилотларига ёки давлатга ўтказилиши мумкин⁹². Солиқ тўловчи нафақат солиқ тўлаётгани ёки ўзининг мазкур хатти-ҳаракати билан нафақат давлат фаолиятини молиялаштиришга, балки хайрия мақсадларида эзгу ишларни амалга ошираётганлигини англайди ҳамда ўз мажбуриятларини тўлиқ ва ўз вақтида бажаришга ҳаракат қилади.

Японияда жисмоний шахсларнинг даромад солиғини тўлаш схемаси (hometown tax scheme) жорий қилинган, унга кўра, жисмоний шахс ўзи тўлаган солиқнинг маълум қисмини танлови бўйича шаҳар ёки аҳоли пункти ҳисобига ўтказиши мумкинлиги тўғрисида маълумот берилган. Яъни ўзи туғилиб ўсган ёки таълим олган шаҳарча бюджетига солиқ суммасининг бир қисмини

⁹¹ Hilke Brockmann, Philipp Genschel, Laura Seelkopf 2 Happy taxation: Increasing tax compliance through positive rewards? Page 8.

⁹² Hilke Brockmann, Philipp Genschel, Laura Seelkopf 2 Happy taxation: Increasing tax compliance through positive rewards? Page 8.

ўтказиш орқали бевосита мазкур аҳоли пункти тараққиёти учун ўз ҳиссасини қўшган ҳисобланади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган номоддий рағбатлантириш усуллари, яъни солиқ тўловчиларга ўзи тўлаган солиқ суммасининг маълум қисмини ўз истаги бўйича сарфлаш имкониятининг тақдим этилиши солиқ тўловчиларнинг ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаришга ундашда катта роль ўйнаши кўп олимлар томонидан эътироф этиб ўтилган. Чунки, улар нафақат давлат, балки жамиятга ҳам ёрдам бераётганларини чуқур ҳис этадилар. Солиқ тўловчи ҳам ўз солиқ мажбуриятини бажаради, ҳам хайр-эҳсон қилиш имкониятига эга бўлади.

Эндиликда жаҳон тажрибасини ўрганган ҳолда солиқ қонунчилигига инсофли солиқ тўловчиларни моддий ва номоддий рағбатлантиришнинг бошқа усуллари киритиш муҳим аҳамият касб этади.

Масалан, даромад солиғи умумий суммасидан 1 % ни солиқ тўловчи ўзи яшаб турган ҳудуддаги ногиронлар, болалар уйлари ёки онкологик ва юқумли касалликлар шифохоналарига дори-дармон сотиб олиш учун ўтказиш белгиланса, бундай рағбатлантиришни танлайдиган шахслар ҳам камчиликни ташкил этмаса керак. Чунки, бундай ҳолда шахс ҳам ўз фуқаролик бурчини бажариш билан бирга савоб ишни ҳам амалга оширади.

Ўз солиқ мажбуриятларини вақтида ва тўлалигича тўлаб бораётган инсофли солиқ тўловчиларни моддий ва номоддий рағбатлантиришни назарда тутувчи қоидаларни солиқ қонунчилигига ҳамда амалиётга киритиш орқали давлат бюджетига солиқ ва бошқа мажбурий тўловларнинг ўз вақтида келиб тушишни таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

Фикримизча, давлат солиқ хизмати органларида коррупцияга оид жиноятларнинг олдини олиш мақсадида хорижий тажрибада қўлланилаётган қўйидаги коррупцияга қарши институтционал ўзгаришларни қонунчиликка киритиш ва ташкилий чораларни жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлади:

- коррупциянинг олдини олиш мақсадида барча даражадаги давлат солиқ хизмати идораларига ва ходимларнинг хизмат хоналарига кузатув камералари ўрнатиш, ситуатцион марказ ташкил этиш орқали уларни реал вақт режимида кузатиб бориш ва қайд этиш тизимини жорий этиш;

- текширувлар ўтказиш вақтида ҳуқуқбузарлик фактини тасдиқлаш учун фото, аудио ва видео ёзувлар амалга оширилиши бўйича қонунчиликка ўзгартиришлар киритиш, давлат солиқ хизмати органлари ходимлари хизмат вазифаларини мобиль видеокамерадан фойдаланган ҳолда ошкора олиб бориши, солиқ тўловчиларга мобиль видеокамерадан фойдаланаётганини маълум қилиш ва келгусида ноқонуний хатти-ҳаракатлар содир этса, айбини исботлаш учун видео ёзувдан фойдаланиши мумкинлиги ҳақида уларни огоҳлантириш тартибини жорий этиш;

- солиқ хизмати органларининг мансабдор шахслари ва ходимларига нисбатан мажбуриятларни бажармаганлиги (лозим даражада бажармаганлиги) учун солиқ тўловчиларга ортиқча ёки кам ҳисобланган солиқ суммасидан келиб чиқиб, моддий жавобгарлик чораларини белгилаш ва жорий этиш;

- даромадлари ҳақида декларация топширмаслик бўйича ходимни эгаллаб турган лавозимидан озод этиш асосларини қонунчиликка киритиш;

- солиқ инспекторларига жамоат транспортдан бепул фойдаланиш ҳуқуқини ҳамда давлат солиқ хизмати органларига оператив заруриятдан келиб чиқиб, ташкилотлар ва фуқароларнинг автотранспорт воситалари ҳамда алоқа воситаларидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш;
- давлат солиқ хизмати органлари ёзуви тушурилган устуворлик берилган махсус овоз чиқарувчи ва ёруғлик сигналлари ўрнатилган хизмат транспорт воситаларидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш;
- ваколатли органларга қарздор солиқ тўловчиларнинг Республикадан чиқишини вақтинча чеклаш бўйича таклиф киритиш ҳуқуқини бериш;
- солиқ тўловчиларга даромад (фойда) солиғи бўйича ўзлари тўлаган сумманинг маълум бир қисмини (1%) ўз ихтиёрларига кўра хайрия мақсадлари ёки муайян бир ҳудудни ривожлантиришга йўналтириш ҳуқуқини бериш;
- давлат томонидан турли даражадаги солиқ органларини режали равишда замонавий ахборот-коммуникация технологиялар билан таъминлаш, тизимга эксперт билимлар, инновациялар олиб кириш мақсадида олимлар билан узоқ муддатли муносабатлар ўрнатиш ҳамда солиқ хизмати органлари ва бошқа давлат органлари ўртасида ўзаро маълумотлар айирбошлаш субъектлари доирасини кенгайтириш таклиф этилади.

2.2-§ Давлат солиқ хизмати органларида коррупцияга оид жиноятларнинг содир этилишига сабабчи омиллар ва уларни баргараф этиш йўллари

Коррупциянинг келиб чиқиши тўғрисида кўпинча келтириладиган асосий тушунтиришлардан бири Клитгаард, Маклин Абароа ва Пэррислар томонидан берилган бўлиб, унга кўра “коррупция бу эхтиросга эмас, балки аниқ ҳисоб-китобга асосланган жиноятдир. Одамлар хавф даражаси паст бўлганида, жазо енгил бўлганида ва фойданинг аҳамияти катта бўлганида коррупцияга мойилликни намоён этадилар.”⁹³

Ушбу баёотни қуйидаги формула сифатида ифодалаш мумкин: Коррупция хавфи = мутлақ ҳуқуқ + ҳаракат эркинлиги – жавобгарлик. Мазкур “Таъмагирлик ва имконият” формуласининг аргументига кўра, агар имкони топилса, ҳар ким порахўр бўлиши мумкин.

Жаҳон банки эксперти Аминур Раҳманнинг фикрига кўра, солиқ маъмуриятининг суствлиги коррупцияни рағбатлантиради, бу эса давлат амалдорларига ҳам, бизнесга ҳам умумий солиқ тушумлари ҳисобидан фойда келтиради. Коррупция мақсадида тил бириктириш солиқ маъмуриятчилиги билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг аксариятини ташкил қилади.⁹⁴

Рус олими А.О.Рыжковнинг фикрига кўра, солиқ органларининг деярли ҳар қандай функцияларини амалга ошириши коррупция хавфи билан боғлиқ. Мотивлар нима учун жиний ҳаракатлар содир этилганлиги, уларни содир этган шахс учун бу ҳаракатларнинг маъноси нима ва қандай эҳтиёжлар қондирилганлиги ҳақидаги саволларга жавоб беради.⁹⁵

Болгариялик олим Константин Пашевнинг фикрига кўра, солиқ маъмуриятидаги коррупцияга қарши кураш умумий давлат бошқаруви ислоҳоти ва хуфёна иқтисодиёт кўринишларига барҳам бериш, хусусан, солиқ фирибгарликлари ва бошқа солиқ ҳуқуқбузарликларини олдини олиш билан чамбарчас боғлиқдир. Умуман олганда, бизнес икки гуруҳ коррупциявий хизматлар учун пул тўлайди: солиқ тўлашдан бўйин товлаш ва “афзал кўрилган мижоз” тартибида хизмат кўрсатиш мақсадида. Солиқ соҳасидаги коррупция асосан коррупциянинг барча бошқа турдаги даражаларини белгилайди. Агар солиқлардан қочиш учун савдо кўрсаткичлари камайтириб кўрсатилмаса ва иккита бухгалтерия юритилмаса, давлат харидларида, турли лицензиялаш, рухсат бериш тартибларида, давлат хизматларини кўрсатишда ёки ҳатто бизнес муносабатларида ҳам коррупция учун қўлдан қўлга ўтиб

⁹³ Р. Э. Клитгаард, Рональд МакЛин-Абароа и Линдси Пэррис, Коррупцированные города: руководство для лечения и профилактики (Окленд / Вашингтон, 1996 г.) [R. E. Klitgaard, Ronald MacLean-Abaroa and H. Lindsey Parris, *Corrupt cities – a guide to cure and prevention* (Oakland CA/Washington DC, 1996).

⁹⁴ “Rahman, Aminur. 2009. Tackling Corruption Through: Tax Administration Reform. Investment Climate in Practice; No. 3. World Bank, © World Bank. <https://openknowledge.worldbank.org/bitstream/handle/10986/10564/483120BRI0FIAS10Box338894B01PUBLIC1.pdf?sequence=1&isAllowed=y>

⁹⁵ Рыжков А. О. Противодействие коррупции и предупреждение коррупционных рисков в профессиональной деятельности служащих налоговых органов в условиях информационного общества / А. О. Рыжков, Д. В. Соколов, Е. В. Логунов // Наука и бизнес: пути развития. — 2014. — № 8 (38). — С. 186–191.

келадиган пулга эга бўлмайди. Бинобарин, солиқ коррупциясини жиловлаш уларнинг “таъминот линиялари”ни камайтириш орқали коррупциянинг бошқа барча турларини жиловлаш таъсирига эга. Солиқчилар маоши даражаси ёки мансабда кўтарилишдаги адолат ва молиявий рағбатлантириш схемаларидан қанчалик камроқ қониқсалар, шунчалик кўпроқ коррупциявий хулққа мойил бўладилар. Солиқ хизмати ходимларининг “ўзини яхши ҳис этиш омили” раҳбарият алмашган тақдирда уларнинг ишини йўқотиш хавфи ва уларнинг мансабда кўтарилишдаги имкониятлари, шунингдек ўзларининг акс эттирган малакасини тахминий баҳоланиши функцияси ҳисобланади.⁹⁶

Шунингдек, Константин Пашевнинг фикрича, солиқ бюрократияси унга риоя қилмасликка сабаб бўлади ва бу орқали коррупцияни келтириб чиқаради. Солиқ қонунчилигидаги бўшлиқлар ва номувофиқликлар солиқ тўловчиларга ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунишни қийинлаштиради ҳамда бир хилда қўлланишини таҳдид остида қолдиради. Солиқ органларидаги коррупция ҳам бизнес (талаб томони) ҳам солиқ маъмурияти (таклиф томони) нуктаи назаридан таҳлил қилиниши керак. Солиқ тўловчининг фикри ҳисобга олинмаган коррупцияни олдини олиш бўйича ҳар қандай чора-тадбирлар муваффақиятсизликка маҳкумдир. Болгарияда солиқ ва молия тўғрисидаги қонун ҳужжатлари шошилинич равишда суд ва маъмурий амалиётни ҳисобга олган ҳолда коррупцияга қарши текширувни талаб қилади.

Рус олими О.Ивлееванинг фикрига кўра, солиқ муносабатлари соҳасига таъсир этувчи ва солиқ органларида коррупция ҳолатлари мавжудлиги учун шарт-шароит яратадиган хатарлар тўғридан-тўғри солиқ муносабатлари тизимининг томонларига тегишли. Солиқ муносабатлари соҳасидаги коррупциянинг сабабларини таҳлил қилиб, уларни: 1) солиқ қонунчилигининг мураккаблиги; 2) солиқ, бюджет ва бошқа қонун ҳужжатларида меъёрий ҳужжатларни ноаниқ талқин қилинишига олиб келадиган бўшлиқлар мавжудлиги; 3) кадрлар сиёсати ва хизматнинг таркибий бўлинмалари ўртасидаги ўзаро алоқалар тамойиллари горизонтал ва вертикал равишдалиги, бўш лавозимларни ходимларнинг касбий ва ахлоқий фазилятлари асосида эмас, балки уларнинг собиқ иши, шахсий мажбуриятлари ва сиёсий имтиёзларга яқинлиги туфайли тўлдириш ҳолатлари мавжудлиги; 4) солиқ ходимларининг ахлоқий тарбияси ва ахлоқий онгининг паст даражаси ва асосий ҳаётий кадриятларга моддий ёндашув устунлиги; 5) солиқ органларининг моддий-техник базаси паст даражаси каби турларга ажратган.

О.Ивлееванинг фикрича, солиқ органларида коррупциянинг намоён бўлиши давлат бюджетининг катта йўқотишларига олиб келади. Бу солиқ муносабатларининг барча субъектларига бевосита алоқадор ва салбий таъсир кўрсатади. Ижобий самарага эришиш учун коррупция сабабларини бартараф этишга қаратилган тизимли ва мувофиқлаштирилган чора-тадбирларни амалга ошириш, коррупциявий – хавфли фаолият юритиш устидан ҳуқуқий тартибга

⁹⁶ Konstantin Pashev. Corruption and tax compliance/challenges to tax policy and administration. <https://www.files.ethz.ch/isn/28963/6.pdf>

солиш ва самарали идоравий назоратни ташкил этиш, шунингдек, ноқонуний ҳаракатлар содир этиш сабабларини аниқлаш ва бартараф этиш лозим.⁹⁷

Давлатлараро технология ва тартибга солиш кенгаши экспертлари Лаура Мария ва Гарсия Карризосаларнинг фикрига кўра, пора бериш орқали бутунжаҳон ЯИМнинг 2 фоизи йўқолади ва инвестиция 5 фоизга камаяди. Солиқ хизмати органида коррупция муаммосини ҳал қилишда технологияга алоҳида эътибор бериш ва катта ҳажмдаги маълумотлар ёрдам бериши мумкин. Уларнинг таъкидлашича, солиқ маъмуриятчилигида коррупция икки соҳадан келиб чиқиши мумкин: биринчидан, коррупция мансабдор шахслар бевосита иштирок этган субъект амалиётининг бир қисми ва иккинчидан, солиқ тўловчилар аниқ иштирок этган коррупция ва асосан хатти-ҳаракатлардан бўйин товлашнинг давлат хизматчилари иштирокида ёки иштирокисиз акс этади. Солиқ маъмуриятчилигидаги коррупция солиқ тўлашдан қочиш йўллари кидираётган солиқ тўловчилар, шунингдек, ҳаддан ортиқ имкониятларга эга бўлган мансабдор шахслар ўз манфаати ёки учинчи шахслар манфаати учун қонунни бузишини юзага келтириши мумкин.

Шунингдек уларнинг фикрича, коррупцион ҳаракатларга ундайдиган бир неча омиллар мавжуд. Иш ҳақи кам бўлган ва ишсизлик даражаси юқори бўлган мамлакатларда солиқ тўловчилар солиқ тўлашга риоя қилишга рағбат кўрсатмайдилар ва аксинча ўз мажбуриятларини камайтиришга ҳаракат қиладилар айни вақтда солиқ маъмурияти мансабдор шахслари эса кўшимча даромад олишдан манфаатдор бўладилар. Маънавий ва ахлоқий кадрларни мустаҳкамлаш бўйича таълим ва тарбиянинг етишмаслиги ҳам коррупция эҳтимолини оширади. Худди шундай, технологик омил солиқ бошқаруви контекстида жуда муҳимдир, чунки кўплаб қўлдаги тартиблар коррупцион ҳаракатлар учун имкониятларни оширади, яъни компьютер жараёнларида камчиликлар, жараёнларни паст автоматлаштириш ва йиғиш фаолиятини амалга ошириш учун ахборот тизимларидаги муваффақиятсизликлар фирибгарлик ва коррупция учун ўрин пайдо бўлишига сабаб бўлади. Агар солиқ тўловчилар давлат хизматчиларининг коррупциявий қарашларини кўрсалар, улар солиқ мажбуриятларини камроқ бажаришга, ёки этика ва ошкораликни таклиф этувчи солиқ маъмуриятчилигида эса ихтиёрий бажаришга интиладилар. Шунинг учун солиқ тўловчилар солиқ идорасида ишлайдиган одамлар ҳалол эканлигини сезсалар ихтиёрий тизим оқилона ёндашув билан самарали бўлади.⁹⁸

Жаҳон банки эксперти Махеш Пурохитнинг фикрига кўра, порахўр солиқ инспекторларининг мавжуд бўлиши фош этилиш ёки обрўсини йўқотиш эҳтимолини камайтирганлиги учун бошқа ходимларни ҳам коррупцияга

⁹⁷ Ивлева О.А., “Коррупция в налоговых органах”, Проблемы противодействия коррупции на государственной и муниципальной службе и пути их решения в современной России: сборник докладов молодых ученых, аспирантов и студентов – участников круглого стола с международным участием. Ростов-на-Дону, 17 февраля 2018 г. Ростов н/Д: Изд-во ЮРИУ РАНХиГС, 2018. Том 2. – 94 с.

⁹⁸ Laura María García Carrizosa “Analysis tools for the fight against corruption” TAX ADMINISTRATION review ciatlaeatlief № 45. https://www.ciat.org/Biblioteca/Revista/Revista_45/Ingles/2019_TR45_ebook_ing.pdf

ундайди, худди шундай, коррупциялашган солиқ тўловчиларнинг ҳаракатлари бошқа солиқ тўловчиларни алдовдан фойдаланишга чорлайди.⁹⁹

Шунингдек, тадқиқотида солиқ ходимларининг монопол ва дискрецион ваколатини камайтириш жуда муҳимлигини, солиқ инспекторлари ўртасидаги ўзаро рақобат муҳити пора миқдорини нол даражага тушириши учун уларга рақобатдош юрисдикциялар берилиши кераклигини, коррупциянинг олдини олиш учун мониторинг ва аудитни кучайтириш, ходимларни ишга қабул тизими такомиллаштириш ва ахлоқ кодексини тарғиб қилиш учун ходимлар интенсив ва такрорий таёргарликни ўташи, бунда ахлоқий қадриятларга, ҳалоллик, давлат хизмати, адолат, ошкоралик, ҳисобдорликка урғу берилишини, иш ҳақи миқдори ходимлар ўзлари ва қарамоғидагиларни пора олмасдан таъминлай оладиган даражада юқори бўлишини, тизимда шаффофликни таъминлаш учун раҳбар ва ходимларни ноқонуний ҳаракатлари учун бирдай жавобгарликка тортадиган коррупцияга қарши комиссия тузилиши лозимлигини таъкидлаб ўтган.

И.Эргашевнинг фикрига кўра, солиқ қонунчилиги тизимидаги энг муҳим муаммолардан бири бу солиқ соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар кодекслаштирилган бўлса-да, лекин ушбу жараёнларни тизимлаштирилмаганлигидир. Солиқ соҳасидаги қонун ҳужжатларини қабул қилиш жараёнида бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва соҳавий қонун ҳужжатлари нормалари билан жиддий таққослама таҳлиллар олиб борилмасдан қабул қилиниши, бу борадаги қонун нормаларидаги бўшлиқлар, “оқ доғлар”нинг вужудга келишига олиб келмоқда. Солиқ кодексига солиқ соҳасидаги йирик кодификациялашган ҳужжат сифатида махсус ваколатли органлардан ташқари, давлат ҳокимияти вакиллик органлари ва бошқа давлат бошқарув органларининг солиқ соҳасидаги ваколатлари, функциялари ҳақидаги нормалар мавжуд эмас. Солиқ кодексига маҳаллий давлат ҳокимияти органларига Конституциянинг 100-моддаси билан белгилаб берилган ваколатларини рўёбга чиқаришга қаратилган функциялари, махсус моддаларда уларнинг ваколатларини амалга ошириш шартлари ҳамда шакллари белгилаб берилмаган. Ушбу ҳолат, ўз навбатида, бу каби муносабатлар тизимли тартибга солиш имконини бермайди.¹⁰⁰

И.Эргашевнинг фикрича, ҳуқуқни қўлловчи давлат органлари, айниқса, Давлат солиқ қўмитаси ходимлари томонидан Солиқ кодексини асос қилиб олган ҳолда ушбу кодексдан бошқа қонун ҳужжатини ҳуқуқни қўллаш амалиётида фойдаланмаслик ҳолатига, натижада тор доирада фикрлаш амалиётини вужудга келтирмоқда. Давлат солиқ хизмати ходимларининг солиқ муносабатларини тартибга солишда нафақат Солиқ кодекси

⁹⁹ Purohit, Mahesh C. 2007. “Corruption in Tax Administration”, in performance Accountability and Combating Corruption, ed. Anwar Shah, Washington, DC: World Bank. <http://siteresources.worldbank.org/INTWBIGOVANTCOR/Resources/CorruptioninTaxAdministration.pdf>

¹⁰⁰ И.А. Эргашев, Солиқ маъмуриятчилиги ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори диссертацияси. Тошкент: 2019 й. 39-40 б.

нормаларини билиш, балки бу соҳага асос ва умумий жиҳатдан яқин бўлган ҳуқуқ соҳалари нормаларини ҳам билиш заруратини вужудга келтиради.

Давлат солиқ хизмати органларида 2018 -2019 йилларда содир этилган коррупциявий жиноятларни содир этилиши сабабларини ўрганганимизда, ходимлар томонидан товламачилик ҳолатлари асосан 29 фоиз ҳолатда солиқ қарзини базадан ўчириб бериш, 33 фоиз ҳолатда текшириш ўтказмаслик ёки текширилувчи фойдасига солиқларни камайтириб кўрсатиш, 25 фоиз ҳолатда ноқонуний фаолиятга раҳнамолик қилиш ва 13 фоиз ҳолатда маъмурий жазо чораси қўлламаслик эвазига пора олиш ва фирибгарлик жиноятлари содир этилганлиги маълум бўлди.

Юқорида қайд этилган барча фикрларни умумлаштирган ҳолда шунингдек этишимиз жоизки, давлат солиқ хизмати органларида коррупция ҳолатлари аввало солиқ муносабатларини тартибга солувчи қонунчиликнинг номукаммалиги, ходимларга солиқ тўловчиларга нисбатан ўз хошишига кўра ҳаракат қилиш имконини берувчи дискрецион ваколатларнинг берилганлиги, шунингдек солиқ органларида хизмат қилиш учун касбий фазилатларини ҳисобга олиб, танлов асосида профессионал жамоа шакллантирилмаслиги, меҳнатга муносиб ҳақ тўланмаслиги, жамоадаги носоғлом муҳит ва касб этикаси қоидаларининг қонунчилик талабларига номувофиқлиги ҳамда унинг устидан ички назоратнинг самарасизлигининг натижасида келиб чиқади.

Яна бир ўта муҳим масала, яъни солиқ соҳасидаги ваколатларни турли органларда такрорланиши (дублирование) эътибор қаратиш лозим бўлади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 18.07.2017 йилги “Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5116-сон Фармонида асосан Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси тузилмасида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига тушумларнинг тўлиқлигини назорат қилиш инспекцияси ташкил этилиб, унга солиқ солиш тизими, солиқ ва божхона маъмуриятчилигини таҳлил қилиш ва баҳолаш асосида бюджет даромадларини кўпайтириш захираларини аниқлаш ва уларнинг сафарбар этилишини таъминлаш ва бошқа кўплаб бевосита солиқ кўмитасининг функцияларига кирадиган вазифалар юклатилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 июндаги “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3802-сон қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига давлат солиқ хизмати органларининг маълумотлар базасини бошқа давлат органлари маълумотлар базалари билан таққослаш, жойларда солиқ текширувлари далолатномаларини ўрганиш орқали солиқ тўловчиларнинг ва солиқ солиш объектларининг тўлиқ қамраб олинishiга алоҳида эътибор қаратган ҳолда, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўғри, тўлиқ ва ўз вақтида тўланишини мониторинг қилиш вазифаси юклатилган.

Фикримизча, ваколатларни амалга оширишдаги такрорийлик барча ҳолларда масъул органлар томонидан тегишли вазифаларни ижро этишда

чалкашликларга олиб келиши ва натижаси учун ҳар қандай жавобгарликдан озод қилиниши боис, бунга мутлақо йўл қўймаслик лозим бўлади.

Коррупция ҳолатларининг келиб чиқишига сабаб бўлаётган жиддий муаммолардан яна бири солиқ соҳасида янги қонун ҳужжатларини қабул қилиш жараёнида амалдаги қонунчилик нормаларига тегишли ўзгартиришлар киритилмаслиги натижасида келиб чиқаётган қонунчиликдаги коллизиялар (зиддиятлар) ва бўшлиқлар бўлиб, бу ҳолат ҳуқуқий нормаларни қўллашда давлат солиқ хизмати ходимлари томонидан субъективлик, тор идоравий танловли ёндашув учун имконият беради.

Масалан, Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тартибга солувчи асосий қонун ҳужжати ҳисобланган Ўзбекистон Республикасининг “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Қонунига кейинги икки йил давомида қабул қилинган солиқ соҳасини тартибга солишга оид қонун ва қонуности ҳужжатлардан келиб чиқадиган ўзгартиришлар киритилмасдан қолган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 26.06.2018 йилги ПҚ-3802-сон қарорига асосан Давлат солиқ қўмитаси тузилмасида Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекцияси ҳамда Давлат солиқ қўмитаси марказий аппаратининг тузилмасида собиқ Режим хизматининг ўрнига Ўз хавфсизлиги бошқармаси ташкил этилган. Мазкур ўзгаришлар Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 апрелдаги 320-сон қарори иловаси билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тўғрисида Низом”га ҳам киритилган.

Шунингдек, “Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тўғрисида Низом”нинг 19-банди 33-хатбошиси ва “Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органларида хизматни ўташ тўғрисида Низом”нинг 5-бандига асосан, “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Қонунда кўрсатилган мансабдор шахслардан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари Ички аудит бошқармаси ва Ўз хавфсизлиги бошқармаси бўлимлари ходимларини, Ҳудудлараро инспекция бошлиғи ва бошлиқ ўринбосарлари, Ҳудудлараро инспекция Ўз хавфсизлиги бошқармаси бўлимлари ходимларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш Қўмита раисининг буйруғи билан амалга оширилади.

Бироқ, ҳозирга қадар “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Қонунга тегишли ўзгартириш киритилмаганлиги боис, Қонуннинг 3-моддасига давлат солиқ хизмати органларининг тизими сифатида Ҳудудлараро инспекция киритилмаган ва давлат солиқ хизмати органларида режим ва ходимлар билан ишлаш бўйича махсус бўлинма тузилиши ҳақида қоида ҳам ўзгартирилмаган. Қонуннинг 10-моддасига эса давлат солиқ хизмати органларининг мансабдор шахсларини тайинлаш тартибига юқоридаги ўзгаришлар киритилмаган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 2019 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-599-сонли қонунига мувофиқ янги таҳрирда қабул қилинган амалдаги Солиқ кодексига киритилган айрим қоидалардан келиб чиқиб, “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Қонунга тегишли ўзгартириш

киритилмаганлиги ҳуқуқий нормаларни қўллашда давлат солиқ хизмати ходимлари томонидан субъективлик, тор идоравий танловли ёндашув учун шарт-шароитларни юзага келтирмоқда.¹⁰¹

Ваҳоланки, Солиқ кодексининг 3-моддасига асосан норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки унинг бир қисми бешта ҳолат бўйича ушбу Кодекснинг нормаларига ёки қоидаларининг мазмунига зид бўлса ушбу Кодекснинг қоидаларига мувофиқ эмас деб топилади.

Биринчидан, “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддаси 15-бандига асосан Давлат солиқ хизмати органлари ўз ваколатлари доирасида тахмин қилинаётган солиқ солинадиган фойдадан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилган юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи суммаси ҳисобот даври учун бюджетга тўланиши лозим бўлган **юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи** суммасига нисбатан 10 фоиздан кўпроқ камайтирилган тақдирда, жорий тўловларни юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг ҳақиқий суммасидан келиб чиқиб, пеня ҳисоблаган ҳолда қайта ҳисоблаш ҳуқуқига эга.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 апрелдаги 320-сон қарори иловаси билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тўғрисида Низом”нинг 14-банди 33-хатбошиси ҳамда “Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекцияси тўғрисида Низом”нинг 12-банди 20-хатбошисига асосан, улар ўз ваколатлари доирасида **юридик шахсларнинг фойда солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, мол-мулк солиғи бўйича** жорий тўловлар суммаси ҳисоб-китоб бўйича бюджетга тўланадиган солиқ суммасига нисбатан 10 фоиздан кўпроқ камайтирилган тақдирда, жорий тўловларни солиқларнинг ҳақиқий суммадан келиб чиқиб, пеня ҳисоблаган ҳолда қайта ҳисоблаш ҳуқуқига эга.

Бирок, Солиқ кодексининг 110-моддасига асосан, солиқ тўловчи солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган солиқларни тўлаш муддатини бузган тақдирда тўлаши лозим бўлган пул суммаси пенядир. Пенялар солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган солиқни тўлаш кунидан кейинги кундан бошлаб солиқни тўлаш бўйича мажбуриятни бажариш кечиктирилган ҳар бир календарь кун учун ҳисобланади. Шунингдек мазкур кодексда **юридик шахсларнинг фойда солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, мол-мулк солиғи бўйича** жорий тўловлар суммаси ҳисоб-китоб бўйича бюджетга тўланадиган солиқ суммасига нисбатан 10 фоиздан кўпроқ камайтирилган тақдирда, жорий тўловларни солиқларнинг ҳақиқий суммасидан келиб чиқиб, пеня ҳисоблаган ҳолда қайта ҳисоблаш бўйича қоидалар назарда тутилмаган ва тартиби белгиланмаган.

Иккинчидан, “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддаси 16-банди ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 апрелдаги 320-сон қарори иловаси билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тўғрисида Низом”нинг 14-банди 34-хатбошисига асосан, Давлат солиқ хизмати органлари ўз ваколатлари доирасида савдо ва

¹⁰¹ <https://lex.uz/docs/4674902>

хизмат кўрсатиш қоидаларига риоя этилишига оид **қисқа муддатли текширувлар ўтказиш** ҳуқуқларга эга.

Бироқ, Солиқ кодексининг 136-моддасига асосан солиқ органлари солиқ назоратини: 1) солиқ текширувлари; 2) солиқ мониторинги шаклида амалга оширади. Ушбу кодекснинг 137-моддасига асосан солиқ органлари солиқ текширувларининг: 1) камерал солиқ текшируви; 2) сайёр солиқ текшируви; 3) солиқ аудити турларини ўтказди.

Учинчидан, “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддаси 20-бандига асосан, Давлат солиқ хизмати органлари ундирувни солиқ тўловчига унинг дебиторларидан ўтказилиши лозим бўлган суммага қаратиши шарт.

Бироқ, Солиқ кодексига ва “Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тўғрисида Низом”да ундирувни дебиторга қаратиш бўйича қоидалар назарда тутилмаган ҳамда тартиби белгиланмаган.

Тўртинчидан, “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Қонуннинг 7-моддаси 6-қисмига кўра, банк айби билан солиқ тўловчи мижознинг ёки давлат солиқ хизмати органининг солиқларни ўтказиш ҳақидаги топшириғи бажарилмаган (бажариш кечиктирилган) тақдирда банк ва бошқа молия-кредит ташкилотидан ҳар бир кечиктирилган кун учун ўтказилмаган солиқлар суммасининг **0,5 фоизи** миқдорига белгиланган тартибда пеня ундирилади.

Бироқ, Солиқ кодексининг 228-моддасига асосан, банк томонидан солиқ (йиғим), бўнак тўлови, пеня ва жарима суммасини ўтказиш тўғрисидаги солиқ тўловчининг топшириқномасини, солиқ органининг инкассо топшириқномасини бажармаслик (бажарилишини кечиктириш) – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки **қайта молиялаштириш ставкасининг бир юз элликдан бир қисми миқдорига**, лекин кечиктирилган ҳар бир календарь кун учун ўтказилмаган сумма бир фоизининг бешдан бир қисмидан кўп бўлмаган миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Фикримизча, солиқ қонунчилигидаги ушбу номувофиқликлар солиқ муносабатлари субъектларининг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишдан чалғишига сабаб бўлади ҳамда коррупцияга мойиллиги бўлган давлат солиқ хизмати ходимларини имкониятдан фойдаланиб қолишга ундаши мумкин.

Ёки, “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Қонунига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 апрелдаги 320-сон қарори иловаси билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тўғрисида Низом”га асосан бозорлар ва савдо комплексларининг молия-хўжалик фаолияти, улар томонидан солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш ҳамда уларнинг ҳудудида аниқланган ҳуқуқбузарликлар бўйича терговга қадар текширув ўтказиб, жиноят ишларини терговга тегишлилигига кўра ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга топшириш давлат солиқ хизмати органларининг асосий вазифалари ва ваколатларини амалга оширишдаги ҳуқуқларидан биридир.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 39¹-моддасига асосан Давлат солиқ қўмитасининг Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий

бўлимлари — бозорлар, савдо комплекслари ҳудудларида ва уларга туташ бўлган автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларида аниқланган молиявий-иктисодий ва солиқ соҳаларидаги ҳуқуқбузарликларга доир ишлар бўйича терговга қадар текширув амалга оширилиши белгиланган.

Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 июндаги “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3802-сон Қарорига асосан Давлат солиқ хизмати органлари ходимлари фаолиятида коррупциявий жиҳатларга барҳам бериш мақсадида Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш бош бошқармаси ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари тугатилган.

Шунга қарамасдан, бугунги кунга қадар ЖПКга тегишли ўзгартириш киритиш масаласи ҳал этилмаганлиги боис, қайд этилган йўналишда давлат солиқ органлари ваколатлари доирасида терговга қадар текширувни ўтказиш бўйича номувофиқлик ҳолати ва исталган ходим томонидан бу ваколатни суиистеъмол қилиш имконияти юзага келган. Ўз навбатида бу ҳолат мазкур йўналишда давлат солиқ хизмати ходимлари томонидан ўтказилган терговга қадар текширув натижасида олинган далилларни суд томонидан ЖПКнинг 95¹-моддаси 1-қисми 4-бандига асосан (жиноят иши бўйича процессуал ҳаракатнинг мазкур жиноят ишини юритишни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан бажарилиши натижасида) далил сифатида мақбул эмас деб топилишига сабаб бўлиши мумкин.

Афсуски, қонунчиликдаги ушбу зиддиятлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги ПҚ-4389-сон қарори иловаси билан тасдиқланган “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегияси” Давлат солиқ хизмати органларида коррупцияга қарши курашиш механизмларини ривожлантириш йўналишида белгиланган коррупцияга қарши қонунчилик талаблари асосида норматив-ҳуқуқий базани қайта кўриб чиқиш (тафтиш қилиш) вазифаси бажарилмагани оқибатида келиб чиққан.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти томонидан 2019 йилда Ўзбекистонда ўтказилган 4-раунд мониторингда Давлат солиқ қўмитасининг коррупцияга қарши курашдаги фаолияти салбий баҳоланган.¹⁰²

Шунингдек, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти томонидан Коррупцияга қарши курашиш Истамбул режасининг Ўзбекистон бўйича 4-раунд мониторинг натижаларидан келиб чиқиб, давлат солиқ хизмати органларида коррупцияни олдини олиш юзасидан қуйидаги ҳолатлар қайд этилган ва тегишли тавсиялар берилган:¹⁰³

- ички хавфсизлик тармоғининг иши асосан хизмат текширувлари ўтказиш ва ҳуқуқбузарликларни аниқлашга қаратилган. Уларнинг ходимлари турли соҳаларда мутахассисликка эга эмаслар. Коррупция хатарларини баҳолаш ва минималлаштиришга етарли эътибор берилмайди;

¹⁰² “Реформы в сфере борьбы с коррупцией в странах Восточной Европы и Центральной Азии”, Отчет ОЭСР., © ОЭСР 2019. 548 б.

¹⁰³ Антикоррупционные реформы в Узбекистане 4-й раунд мониторинга в рамках Стамбульского плана действий по борьбе с коррупцией, ОЭСР 2019, 285-286 б.

- ички хавфсизлик бўлинмалари автономлигини кучайтириш кераклиги, бунинг учун бўлинма раҳбарларини ишдан бўшатиш учун асосларни аниқ рўйхатини белгилаш, шунингдек, аниқланган эҳтимолий коррупциявий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида раҳбарият розилигини олмасдан, ҳаттоки дастлабки тарзда хабардор қилмасдан ҳам туриб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тўғридан-тўғри мурожаат қилиш бўйича мажбурият белгилаш лозимлиги кўрсатилган;

- ИХТТга кўра, марказий маҳкамадаги ички хавфсизлик ходимлари сони кам бўлгани боис, вазифаларни самарали бажариш учун етарли эмас;

- ички хавфсизлик бўлинмалари коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар, коррупцияга қарши қонунчилик бузилганлиги тўғрисида, шу жумладан аноним хабарлар олиш учун янги каналлардан фойдаланиши керак;

- ички хавфсизлик бўлинмалари назорат функциялари самарадорлиги тезкор қидирув фаолиятини амалга ошириш ва суриштирув ўтказиш ваколатини бериш орқали кучайтирилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 апрелдаги 320-сон қарори иловаси билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органларида хизматни ўташ тўғрисида Низом”нинг 6-бандига асосан солиқ органларининг инспекторлар таркиби лавозимлари ўрта махсус, касб-ҳунар таълими даражасидан кам бўлмаган ҳамда раҳбарлик лавозимлари учун олий маълумотга эга бўлган шахслар томонидан танлов асосида эгалланади. Танлов: 1) бирламчи суҳбатлашиш ва ҳужжатларни ўрганиш; 2) махсус текширув; 3) суҳбатлашиш босқичларида ўтказилади.

Бироқ, қонунлар ёки ижро ҳокимиятининг қонуности ҳужжатларида “махсус текширув” ўтказиш тартиби белгиланмаганлиги боис, уни ўтказишда мансабдор шахсларда дискрецион ваколатларни юзага келтиради.

Хорижий давлатларнинг махсус текширув ўтказишни тартибга солувчи қончилигини ўрганганимизда қуйидагилар аниқланди.

Молдова Республикасининг “Давлат лавозимидаги шахслар ва давлат лавозимида номзодларни текшириш тўғрисида”ги қонунига асосан махсус текширув давлат органларида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш; миллий хавфсизлик манфаатларига таҳдид солувчи шахслар давлат лавозимини эгаллашининг олдини олиш; давлат лавозимидаги шахслар ва номзодларнинг қабул талабларига мувофиқлиги ва қонун ҳужжатларида белгиланган чекловларга риоя қилиш даражасини аниқлаш мақсадида Давлат хавфсизлик хизмати томонидан амалга оширилади. Мазкур қонунда махсус текширувни ўтказиш тартиби, субъектлари ва асослари белгиланиб, унинг муддати 30 календар кунни ташкил этиши қайд этилган.¹⁰⁴

Украинанинг “Коррупциянинг олдини олиш тўғрисида”ги қонунига асосан масъулиятли лавозимларни эгаллашга ҳамда коррупция хавфи юқори бўлган лавозимларга талабгор бўлган шахсларга нисбатан уларнинг ёзма

¹⁰⁴ Republica Moldova parlamentul lege Nr. 271 din 18-12-2008 privind verificarea titularilor și a candidaților la funcții publice. https://www.legis.md/cautare/getResults?doc_id=106593&lang=ro

розилиги асосида шахсан тақдим этган маълумотлари бўйича 25 календар кун муддат билан махсус текширув ўтказилади.¹⁰⁵

Махсус текширув: 1) Миллий полиция ва Украина Давлат суд администрацияси - жиноий жавобгарликка тортиш, судланганлик, судланганликни тугатилиши тўғрисидаги маълумотларга; 2) Украина Адлия вазирлиги ва Қимматли қоғозлар ва фонд бозори бўйича миллий комиссия - корпоратив ҳуқуқларнинг мавжудлиги тўғрисида; 3) Миллий агентлик томонидан - ўтган йили коррупция ёки коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни содир этган шахсларнинг ягона давлат реестрида бўлиши, номзод тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек давлат ёки маҳаллий давлат ҳокимияти функцияларини бажаришга ваколатли шахснинг декларациясида кўрсатилган шахснинг маълумотлари ишончлилиги тўғрисида; 4) соғлиқни сақлаш соҳасидаги органлардан - номзоднинг соғлиғи ҳолати тўғрисидаги маълумотларга (шахснинг рўйхатдан ўтган психоневрологик ёки наркологик ҳолати тўғрисида); 5) таълим соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширувчи органлардан - таълим бўйича, номзод илмий даражага ёки илмий унвонга эгаллиги тўғрисида; 6) Украина Хавфсизлик хизмати томонидан - шахснинг давлат сирларига кириш ҳуқуқига эга бўлганлиги, шунингдек шахснинг ҳарбий бурчига алоқадорлиги тўғрисида (Украина хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиларининг шахсий сифат жиҳатидан ҳисобга олиниши нуқтаи назаридан); 7) Украина Мудофаа вазирлиги - шахснинг ҳарбий мажбуриятига нисбатан ўтказилади.

Давлат ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш функцияларини бажариш билан боғлиқ лавозимга тайинлаш (сайлаш) ёки тайинлашни (сайлаш) рад этиш тўғрисидаги қарор махсус текширувдан кейин қабул қилинади.

Қозоғистон Республикасининг “Давлат хизмати тўғрисида”ги қонунига асосан¹⁰⁶ давлат хизматига биринчи марта кирган ёки хизматни тугатгандан кейин қайта кирган фуқаролар коррупцияга қарши қонунчилигига мувофиқ давлат хизматига кириш шартларига мувофиқлиги бўйича миллий хавфсизлик органлари томонидан ўтказилган махсус текширувдан ижобий натижаларни олишлари шарт. Махсус текширувни ўтказиш муддати уч ойгача белгиланган.

Давлат солиқ хизмати органларида содир этиладиган коррупцияга оид жиноятларни олдини олиш ва бартараф этиш бўйича олимлар ва халқаро ташкилотларда турлича қарашлар мавжуд.

Халқаро валюта жамғармасига кўра, мамлакатлар бир неча ўзаро қўллаб-қувватловчи коррупцияга қарши муассасаларни такомиллаштиришида муваффақият қозониш эҳтимоли кўпроқдир. Янги технологияларни жорий этиш бюджет жараёнлари ва даромадларни бошқариш каби асосий фискал функцияларни ҳамда муассасадаги ички бошқарувни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Масалан, электрон тизимлар Чили ва Кореяда бўлганидек,

¹⁰⁵ Закон України “Про запобігання корупції” <https://zakon.rada.gov.ua/laws/main/1700-18>

¹⁰⁶ Қазақстан Республикасының Заңы № 416-V ҚРЗ. “Қазақстан Республикасының мемлекеттік қызметі туралы”. <http://adilet.zan.kz/kaz/docs/Z1500000416>

ошкораликни рағбатлантириш ва рақобатни яхшилаш орқали коррупцияга қарши курашишнинг кучли воситаси бўлиши мумкин деб таъкидланган.¹⁰⁷

Трансперенси Интернешнл халқаро нодавлат ташкилоти эксперти, Майра Мартинининг фикрича, солиқ органлари мансабдор шахсларининг касбий одоб-ахлоқ стандартлари бўлиши керак. Солиқ маъмуриятчилигида пок виждонликни таъминлаш учун мазкур қоидаларда тийиб турувчи ва мутаносиб санкциялар тўплами ҳам бўлиши, шунингдек солиқ идораси томонидан турли хил воситалар ва усуллар, жумладан, ходимларни ротация қилиш, ахборот тармоқлари ёки иш жойларига ходимларни киришни назорат қилиш / чеклаш, мол-мулклари ва манфаатлар тўқнашувини эълон қилиш, касбий одоб-ахлоқ бўйича таълим талабларни белгилаш керак.¹⁰⁸

Ал-Исра университети олими Ал Рахмоннинг фикрига кўра, самарали (тўғридан-тўғри ва билвосита) солиқ назоратини тегишли процедуралар, қоидалар ва шунга оид чораларни қўллаш орқали таъминлаш – даромадлар ва савдо солиғи бўлимида давлатнинг коррупциявий ҳаракатларни содир этиш эҳтимолини сезиларли даражада камайтиради. Солиқ маъмуриятчилиги тизимининг таркибий қисми бўлган ташқи аудиторлар билвосита солиқлар устидан мажбурий назоратни амалга ошириш орқали солиқ идораларида коррупция даражасини камайтиришда муҳим рол ўйнайди.¹⁰⁹

Н.Поветкиннинг фикрига кўра, идоравий норматив ҳужжатлардаги камчиликларни бартараф этиш ҳудудий солиқ органларида коррупциянинг олдини олишга, коррупцияга қарши кураш соҳасида содир этилган ҳуқуқбузарликларни ҳудудий солиқ органлари томонидан бартараф этиш механизмини такомиллаштиришга хизмат қилади.¹¹⁰

Европа Кенашининг “Коррупцияга қарши кураш фаолиятининг концепциялари ва асосий тушунчалар” номли ўқув қўлланмасига кўра, солиқ инспектори мунтазам равишда солиқ текширувлари давомида кўз юмиш эвазига пора олиши мумкин. Илгари бу ҳолатни аниқлаш хавфи кам бўлган бўлсада, самарали коррупцияга қарши чораларни жорий этиш бу шахсни жиноий жавобгарликка тортишга олиб келиши мумкин. Коррупцияни аниқлаш қуйидаги сабабларга кўра мураккабдир: 1) коррупция, табиийки, яширин келишув бўлиб, уни ошкор қилишдан ҳеч бир томон манфаатдор эмас; 2) коррупцияни идрок этишда фуқаролик жамиятининг турли вакиллари ўртасида бирдамлик йўқ – турли ижтимоий гуруҳларда бир хил хатти-ҳаракатлар коррупция деб қаралиши ёки ундай бўлмаслиги мумкин; 3) жиноят

¹⁰⁷ Curbing Corruption, FISCAL MONITOR 2019 APR ©2019 International Monetary Fund. <https://www.imf.org/~media/Files/Publications/fiscal-monitor/2019/April/English/text.ashx>

¹⁰⁸ The U4 Anti-Corruption Resource Centre. <https://www.u4.no/publications/approaches-to-curbing-corruption-in-tax-administration-in-africa.pdf>

¹⁰⁹ The Impact of Tax Governance on the Governmental Corruption level in Jordan Abed Al-Rahman Mohammad Baker, Mohannad Mohammad Al-Ibainy, Faculty of Business, Al-Isra' University, Amman, Jordan 2 Faculty of Business, Ajloun National University, Ajloun, Jordan. <https://sci-hub.tw/10.5539/ibr.v11n4p119>

¹¹⁰ Поветкина Н. А. Мониторинг коррупциогенных факторов и эффективности мер по предупреждению коррупционных правонарушений в налоговых органах / Н. А. Поветкина, Ю. В. Пятковская, Ю. В. Трунцевский, Е. В. Рыжова // Всероссийский криминологический журнал. — 2018. — Т. 12, № 5. — С. 641–650. — DOI: 10.17150/2500-4255.2018.12(5).641-650.

ишлари бўйича судлар томонидан коррупцияга оид чиқарилган ҳукмлар сони бўйича расмий хабарлар масаланинг бир томонини кўрсатади; 4) судгача келган коррупциявий ишлар айти вақтда содир этилган жиноятлар миқдори сифатида идрок этилади, бироқ, фош этилмаган коррупциявий жиноятларнинг сони маълум эмас; 5) маиший коррупциянинг идрок қилинган ва ҳақиқий даражаси ўртасида тафовут мавжуд, жамоатчилик коррупциянинг идрок даражасини ҳақиқатда мавжуд даражадан юқори баҳолайди.¹¹¹

Ушбу фикрларни умумлаштирган ҳолда қайд этишимиз жоизки, янги технология ва электрон тизимларни жорий этиш, одоб-ахлоқ стандартларида тийиб турувчи ва мутаносиб санкциялар тўплами бўлиши, ходимларни ротация қилиш, ахборот тармоқларидан фойдаланиш назорати, мол-мулклар ва манфаатлар тўкнашуви маълумотларини эълон қилиш, қонунчиликдаги зиддиятларни бартараф этиш давлат солиқ хизмати органларида коррупция ҳолатларини олдини олишда самарали натижа беради.

Фикримизча, солиқ хизмати органларида коррупцияга оид жиноятларни олдини олиш тизимини такомиллаштириш мақсадида қуйидаги омилларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади:

- солиқ соҳасида янги қонун ҳужжатларини қабул қилиш жараёнида амалдаги қонунчилик нормаларига тегишли ўзгартиришлар киритилмаслиги натижасида келиб чиқаётган, субъективлик, тор идоравий танловли ёндашув ва коррупция учун имконият яратиш бераётган қонунчиликдаги зиддиятлар ва бўшлиқларни бартараф этиш;

- хизмат вазифаларини бажаришда давлат солиқ хизмати ходимларига дискрецион ваколатларни амалга ошириш учун имконият яратиш бераётган шарт-шароитларга барҳам бериш (Солиқ кодекси, “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Қонун, ЖПК, ДСҚ тўғрисида Низом);

- солиқ соҳасидаги ваколатларни турли органларда такрорланиши (дублирование) ҳолатларига барҳам бериш;

- текширувдан олдинги таҳлил ва масофавий назорат-таҳлил ишларини амалга ошириш учун маълумотлар йиғиш ва қайта ишлашни таъминлайдиган замонавий, илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

- давлат солиқ хизмати органлари ходимларига корпоратив этикани сингдириш, давлат солиқ хизмати органларининг стратегик мақсад ва вазифаларига эришиш учун ўз хизмат фаолияти самарадорлигини ошириш мотивацияси тизимини жорий этиш;

- ички хавфсизлик тармоқларида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар, коррупцияга қарши қонунчилик бузилганлиги тўғрисида, шу жумладан аноним хабарлар олиш учун янги каналлар ташкил этиш ва фойдаланиш;

- ички хавфсизлик тармоқлари назорат функциялари самарадорлигини ошириш мақсадида уларга тезкор қидирув фаолиятини амалга ошириш ваколатини бериш таклиф этилади.

¹¹¹ “Основные понятия и концепции антикоррупционной деятельности” учебное пособие Совета Европы, июль 2015 г. https://docplayer.ru/storage/56/39400323/1583589249/qAIPVpuDAq_MwyxQLJFb2Q/39400323.pdf

2.3-§ Давлат солиқ хизмати органларидаги коррупцияга оид жиноятларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш

Жамиятнинг турли босқич ва жараёнларида амалга ошириладиган ҳеч бир расмий, сиёсий, маданий, иқтисодий ва бошқа муносабатлар одоб-ахлоқ қоидаларисиз амалга оширилмайди.

Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларининг коррупцияни олдини олишдаги аҳамиятини ҳисобга олиб, унда одоб-ахлоқ қоидаларини белгилайдиган халқаро стандартлар, шунингдек хорижий давлатларда қўлланилаётган ва миллий қонунчиликда белгиланган талаблар қай даражада ҳисобга олинганлиги жиҳатидан ўрганиб чиқдик.

Аввало халқаро стандартларга эътибор қаратадиган бўлсак, БМТ Бош Ассамблеясининг 12.12.1996 йилдаги 51/59-сонли резолюцияси билан тасдиқланган «Давлат мансабдор шахсларининг халқаро одоб-ахлоқ Кодекси»га¹¹² кўра, давлат мансаби миллий қонунчиликка мувофиқ аниқланади, бу мансаб ишончга асослангани учун давлат манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилиш мажбуриятдир. Унда нафақат мансабни эгаллаш даврида балки, ундан кетгандан кейин ҳам чекловларга риоя қилиш, ўзининг шахсий ҳамда хотини (эри) ёки қармоғидаги шахсларнинг даромадлари ва мажбуриятлари ҳақида маълумотларни эълон қилиш, совғалар ёки бошқа тарзда эътибор белгиларини қабул қилмаслик, маълумотлар билан ишлашда конфедициаллик, сиёсий ёки бошқа фаолияти давомида жамоатчилик ишончига путур етказмаслик бўйича умумий талаб ва чекловлар белгиланган.

Ёки, Европа Иттифоқи Вазирлар Маҳкамасининг № R(2000)10-сонли (11.05.2000 й.) тавсияси билан тасдиқланган “Давлат хизматчилари одоб-ахлоқ қоидалари Кодекси”¹¹³ давлат хизматчилари бажариши керак бўлган ахлоқ ва ҳалоллик меъёрларини аниқлаштириш, уларга ушбу стандартларни амалга оширишда ёрдам бериш ҳамда фуқароларни давлат хизматчиларидан қандай хатти-ҳаракатлар кутишга ҳақли эканликлари тўғрисида хабардор қилиш учун мўлжалланган. Унга кўра, давлат хизматчиси фуқароларнинг давлат органларида ҳалоллик, холислик ва самарадорликка бўлган ишончини сақлаш ва мустаҳкамлаш мақсадида ўзини муносиб тутишга мажбурдир.

Мазкур кодексда ҳам юқорида қайд этилган БМТнинг халқаро кодексидagi масалалар кенгроқ ва батафсилроқ баён этилган, Кодекснинг алоҳида фарқли жиҳати шундаки, унда ходимларни ишга қабул қилишга масъул давлат хизматчиси, бўлғуси ходимларни лавозимга тайинлаш, мансабини кўтаришда уларга нисбатан қонунчиликка мувофиқ ҳалоллик текшируви ўтказилишини назорат қилишга мажбурлиги белгиланган.

¹¹² Международный кодекс поведения государственных должностных лиц, содержащийся в приложении к [резолюции 51/59](#) Генеральной Ассамблеи от 12 декабря 1996 года.

¹¹³ Рекомендация N R(2000)10 Комитета министров Совета Европы о кодексах поведения для государственных служащих (принята на 106-й сессии Комитета министров 11 мая 2000 года)

Молдова Республикасида давлат хизматчилари учун одоб-ахлоқ қоидалари “Давлат хизматчиларининг ўзини тутиш қоидалари тўғрисида”ги қонун¹¹⁴ билан тартибга солинади. Мазкур қонуннинг мақсади давлат хизматида ўзини тутиш қоидаларини белгилаш ҳамда фуқароларни давлат хизматчилари сифатли оммавий хизматлар кўрсатиши учун тўғри хулқ атвори ҳақида хабардор қилиш бўлиб, барча давлат хизматчилари учун мажбурийдир.

Ушбу қонунга ҳам қайд этилган халқаро стандарт қоидалари тўлиқ имплементация қилинган бўлиб, қонуннинг ўзига хослиги шундаки, унда давлат хизматчилари учун нафақат миллий даражада ҳатто халқаро муносабатларда (конференция, семинар, ўқиш, хизмат сафари ва б.) ўзини тутиш, улар томонидан ифода этилаётган давлат органи ҳамда давлатнинг обрўси ва нуфузига путур етказмаслик бўйича талаблар белгиланган.

Латвия Республикаси “Давлат хизматчилари фаолиятида манфаатлар тўқнашувини олдини олиш тўғрисида”ги қонунида¹¹⁵ одоб-ахлоқ нормалари учун алоҳида боб ажратилган. Эътиборли жиҳати шундаки, унда совғаларни қабул қилиш бўйича таъқиқлар белгиланган бўлиб, унга кўра: 1) гуллар; 2) сувинирлар, китоблар ёки ўйин-кулги буюмлари, агар йил давомида битта одамдан олинган сувинирлар, китоблар ёки ўйин-кулги буюмларининг умумий қиймати энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараваридан ошмаса; 3) тақдим этиш ташқи норматив ҳужжатлар билан назарда тутилган орденлар, медаллар ёки мукофотлар; 4) мансабдор шахс ўз хизмат вазифасини бажарадиган жамоат муассасасини ташкил этиш тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тартибда давлат хизматчисига ўз хизмат вазифаларини бажаришда берилган идоравий имтиёз ва қафолатлар; 5) тижорат компаниялари, якка тартибдаги тадбиркорлар, фермер хўжаликлари ва балиқчилик корхоналари томонидан умумий ҳамма учун мўлланган тақдим этиладиган хизматлар ва турли хил чегирмалар; 6) Миллий Қуролли Кучлар профессионал хизматининг аскарлари ва миллий гвардия кўриқчилари учун махсус ишлаб чиқилган тижорат компаниялари, якка тартибдаги тадбиркорлар, шунингдек фермерлик ва балиқчилик корхоналари томонидан кўрсатиладиган хизматлар ва чегирмалар совға ҳисобланмайди.

Латвия Республикасида давлат солиқ хизмати вазифасини Молия вазирлигига ҳисобдор Давлат даромадлари хизмати амалга оширади. Латвия давлат даромадлари хизмати ходимлари учун одоб-ахлоқ қоидалари ДДХнинг 25.04.2016 йилдаги № 30-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Давлат даромадлари хизмати ходимларининг ахлоқий қоидалари”да белгиланган.¹¹⁶

Аҳамиятли жиҳати шундаки, ушбу одоб-ахлоқ қоидаларининг номалари ҳеч бир истисносиз барча ходимларга мажбурий қўлланилиши, шунингдек фуқароларни одоб-ахлоқ нормаларидан хабардор қилиш белгиланган. Ходим хизматга қабул қилинганда коррупцияга қарши норматив ҳужжатлар ва ушбу

¹¹⁴ Republica Moldova parlamentul lege Nr. 25 din 22-02-2008, privind Codul de conduită a funcționarului public, https://www.legis.md/cautare/getResults?doc_id=107130&lang=ro

¹¹⁵ Par interešu konfliktā novēršanu valsts amatpersonu darbībā, <https://likumi.lv/ta/id/61913-par-interesu-konfliktanoversanu-valsts-amatpersonu-darbiba>

¹¹⁶ Valsts ieņēmumu dienesta Ētikas kodekss <https://www.vid.gov.lv/sites/default/files/etikas%20kodekss%202016.pdf>

қоидалар билан таништирилиб, ёзма тилхат олиниси, ходимлар қоидалар талабларига риоя қилиши устидан одоб-ахлоқ комиссияси томонидан назорат ўрнатилиши, ходимлар солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўз муддатида тўлаш орқали шахсий намуна кўрсатишга, бошқа ходимлар учун фойдали касбига алоқадор мавзулар ва тажрибаси бўйича маълумот беришга мажбур.

Арманистон Республикаси “Оммавий хизмат тўғрисида”ги қонунида¹¹⁷ одоб-ахлоқ нормалари алоҳида боб сифатида қайд этилган. Солиқ хизматчиларининг одоб-ахлоқ кодекси Арманистон Ҳукуматининг қарори¹¹⁸ билан тасдиқланган бўлиб, унинг мақсади солиқ хизматчисига ўз хатти-ҳаракатлари бўйича қўлланма бериш, шунингдек фуқароларни солиқ хизматчисидан қандай хатти-ҳаракатлар кутиши кераклиги тўғрисида хабардор қилиш деб кўрсатилган. Ушбу қоидаларнинг ўзига хослиги шундаки, унда солиқ қонунчилиги талабларига риоя қилинишига ҳалақит берадиган ҳомийлик, воситачилик, ҳамкорлик кўмаги ёки маслаҳатнинг ҳар қандай кўринишидан қочиш, ўзининг хатти-ҳаракатлари билан ўзини бирор бир шахс олдида қарам бўлиш ҳолатига йўл қўймаслик, ортиқча ваъдалардан қочиш, сўзнинг қиймати ва келгусида бу ваъда қандай салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини англаш бўйича коррупцияни олдини олишга қаратилган тўғридан-тўғри талаблар белгиланган.

Қозоғистон Республикасида “Давлат хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидалари” Президент фармони¹¹⁹ билан тасдиқланган бўлиб, унга кўра давлат хизматчиси хизматга қабул қилинганидан кейин 3 кун муддатда ушбу қоидалар билан таништирилиб, ёзма равишда тилхат олинади.

Шунингдек мазкур фармон билан “Одоб-ахлоқ бўйича вакил тўғрисида” Низом тасдиқланиб, унга кўра марказий давлат органларида, уларнинг ва бошқа идораларнинг ҳудудий таркибий тармоқларида, хорижий муассасаларда, шунингдек, вилоятлар ва республика аҳамиятидаги шаҳарлар ҳокимиятларида (ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва махсус давлат органлари, мудофаа вазирлиги бундан мустасно) одоб-ахлоқ бўйича вакилнинг мустақил лавозими жорий этилган. Давлат органи раҳбарлари хизмат ваколатларини лозим даражада бажармасликларига олиб келиши мумкин бўлган ҳолислигига (манфаатлар тўқнашуви) асосли шубҳа туғдирадиган ҳолатлар мавжуд бўлса, одоб-ахлоқ бўйича вакил ўз фаолиятини мустақил асосда амалга оширади.

Одоб-ахлоқ бўйича вакил давлат хизматчиларини ва бошқа фуқароларни ойига камида бир марта график бўйича ёки уларнинг мурожаати бўйича жамоат учун очиқ жойларда қабулини ташкил қилади. Хизмат этикаси нормаларига риоя этилишини, жамоадаги маънавий-психологик муҳит ҳолатини назорат қилиш мақсадида одоб-ахлоқ бўйича вакил олти ойда камида бир марта тасдиқланган шаклда аноним сўровнома ўтказилади.

¹¹⁷ Закон Республики Армения “О публичной службе”. <http://www.parliament.am/legislation.php?sel=show&ID=4225&lang=rus>

¹¹⁸ Приложение решения правительства Республики Армения N 1624-Н от 10 октября 2002 года, “Правила поведения налогового служащего”. <https://www.petekamutner.am/Content.aspx?itn=tsATSCoconductRules>

¹¹⁹ “Этический кодекс государственных служащих Республики Казахстан” указом Президента Республики Казахстан от 29 декабря 2015 года № 153, <http://adilet.zan.kz/files/docx/072/u1500000153.22-07-2019.rus.docx>

Украинада эса, “Коррупциянинг олдини олиш тўғрисида”ги қонунда¹²⁰ одоб-ахлоқ нормалари алоҳида боб сифатида қайд этилиб, унда давлат хизмати сиёсатини шакллантирадиган марказий ижро ҳокимияти органи мазкур қоидаларни тасдиқлаши белгиланган. Шунга кўра, Украина давлат хизмати масалалари агентлигининг буйруғи билан давлат хизматчилари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органи мансабдор шахслари учун умумий одоб-ахлоқ қоидалари тасдиқланган.¹²¹

Украинада давлат солиқ хизмати вазифасини Молия вазирлигига ҳисобдор Украина давлат фискаль хизмати (Державна фискальна служба України) амалга оширади. Украина давлат фискаль хизмати ходимлари учун одоб-ахлоқ қоидалари ДФСнинг 03.04.2019 йилдаги № 257-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Давлат фискаль хизматида ахлоқий хатти-ҳаракатлар қоидалари”да белгиланган.¹²²

Эътиборли жиҳати шундаки, ушбу одоб-ахлоқ қоидаларининг номалари ҳеч бир истисносиз барча ходимларга қўлланилиши, қоидалар коррупцияни олдини олишга қаратилган ва ДФСнинг нуфузини, ходимларнинг ишчанлик обрўсини мустаҳкамлашга, шунингдек фуқароларни улар билан боғлиқ ходимларнинг одоб-ахлоқ нормаларидан хабардор қилишга асосланган.

Мазкур қоидаларга кўра, ходимларнинг асосий мақсади Украина халқига хизмат қилиш, шунингдек, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинлиги ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш ҳамда муҳофаза қилиш ҳисобланади. Давлат хизматчиси ҳисобланмайдиган ходимлар бу қоидалар талабларига риоя этиши меҳнат ва хизмат интизомини мажбурий элементи сифатида баҳоланади ва ҳисобга олинади. Ходимда раҳбари томонидан берилган топшириқ, буйруқ (фармойиш) қонунийлигига шубҳа пайдо бўлса, унинг ёзма тасдиғини талаб қилиши шарт. Бир вақтнинг ўзида ходим энг юқори даражадаги раҳбарни ва коррупцияни олдини олишга масъул тармоқни ёзма шаклда хабардор қилиши шарт. Ходим томонидан бундай талаб қўйилганда раҳбар оғзаки топшириқ ёки буйруқни бир кун ичида бекор қилиши ёки ёзма равишда тасдиқлаши шарт. Қайд этилган муддат ичида ёзма тасдиқ олинмаган тақдирда топшириқ бекор бўлган ҳисобланади.

Шунингдек, қоидаларга юқоридаги каби ходимлар мансаб вазифа ва функцияларига мувофиқ равишда малакаси, билим ва кўникмаларини доимий равишда ошириб боришлари, касбий ва маданий савиясини оширишлари, давлат рамзларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, мансаб вазифаларини бажаришда давлат тилидан фойдаланиш ҳамда давлат тилини дискреминация қилмаслик бўйича талаблар киритилган.

Кўриниб турибдики, халқаро стандартларда, хорижий давлатларда ва миллий қонунчиликда ҳам давлат хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидалари фуқароларни давлат хизматчиларидан қандай хатти-ҳаракатлар кутишга ҳақли

¹²⁰ Закон України Про запобігання корупції, 14.10.2014, 1700-VII, <https://zakon.rada.gov.ua/laws/show/1700-vii>

¹²¹ Наказ Національного агентства України з питань державної служби 05.08.2016 № 158, <https://zakon.rada.gov.ua/laws/show/z1203-16>

¹²² Наказ Державної фіскальної служби України від 03.04.2019 № 257, Правила етичної поведінки в органах Державної фіскальної служби, <http://sfs.gov.ua/diyalnist-/zakonodavstvo-pro-diyalnis/nakazi-pro-diyalnist/73330.html>

эканликлари тўғрисида хабардор қилиш учун мўлжалланган бўлиб, ҳамма учун очик ва ушбу органларнинг расмий веб сайтида эълон қилинган.

Афсуски, Давлат солиқ қўмитасининг 15.04.2016 йилдаги 155-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари” бўйича юқорида қайд этилган талаблар инобатга олинмасдан, идоравий ёпиқ хужжат сифатида “Хизматда фойдаланиш учун” грифи билан чекланган.

Мазкур қоидаларни миллий қонунчиликка қай даражада мос эканлиги жиҳатидан ўрганиб чиққанимизда, айрим номувофиқликлар маълум бўлди.

Хусусан, қоидаларнинг 9-бандида “Ўзбекистон Республикасининг суверенитетига, яхлитлига ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи сиёсий ва диний руҳдаги партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолиятида иштирок этиш; ғаразғўйлик ёки бошқа манфаатларни кўзлаб, расмий хужжатларга била туриб сохта ёзувлар киритиш, хужжатларни қалбакилаштириш ёки била туриб сохта хужжатлар тузиш ва тақдим этиш таъқиқланади.” деб кўрсатилган.

Ваҳоланки, бу ҳаракатлар идоравий одоб-ахлоқ қоидалари эмас балки, жинойт кодексига асосан жазоланадиган жинойтлар ҳисобланади.

Ёки, 23-бандда “Давлат солиқ хизмати органларида фуқароларни қабул қиладиган ходим махсус кийимда бўлиши лозим” деб, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 апрелдаги 320-сон қарори иловаси билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органларида хизматни ўташ тўғрисида Низом”нинг 24-бандида ҳам “мансабдор шахслар формали кийим-бош кийиб юришга мажбурдирлар” деб қайд этилган.

Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 июлдаги “Давлат органлари ходимларининг формали кийим-бош кийиб юриши тартибини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4394-сон қарорига асосан Давлат солиқ қўмитасининг ходимлари учун солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш, солиқ назоратини амалга ошириш ва солиқ қарздорлигини ундириш вақтида идентификация рақамли металл жетонни тақиб юриш қоидаларини жорий қилиш ҳамда тантанали ва кундалик формали кийим-бош кийиб юриш тартибини бекор қилиш белгиланган.

26-бандда “Давлат солиқ хизмати органлари ходимларининг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши таъқиқланади. Давлат солиқ хизмати органлари ходимлари ўз раҳбарларини манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик бўйича чоралар кўриш мақсадида тижорат ташкилотларининг устав капиталида иштирок этиши тўғрисида хабардор қилиши шарт.” деб кўрсатилган. Бу ҳолатда дастлабки ва кейинги қоидалар бир-бирига нисбатан қарама-қарши бўлиб, бизнингча ходимга хизмат даврида тадбиркорлик билан шуғулланиш қонунчиликка мувофиқ таъқиқланганлиги боис, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик мақсадида оила аъзолари, яқинлари ва қарамоғидаги шахсларнинг тижорат ташкилотлари фаолияти ёки устав капиталида иштирок этиши тўғрисида хабардор қилиши тўғри бўлади.

27-бандда “Давлат солиқ хизмати органи ходими лавозимга тайинланаётганда ва хизмат вазифаларини бажараётганда ўзининг хизмат вазифаларини зарур даражада бажаришига таъсир кўрсатадиган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорлиги мавжудлиги ёки мавжуд бўлиши имконияти тўғрисида маълум қилиши шарт” деб қайд этилган. Бу борада хорижий давлатларда (Словения, Латвия, Руминия, Молдова ва б.) давлат хизматчиларини ишга қабул қилишда, даврий равишда ва хизмат фаолияти якуни бўйича мулкӣ ҳамда шахсий манфаатдорликлари бўйича электрон декларация тақдим этиш ҳамда ўрганиш тизими жорий этилган.

Лекин, айна вақтда Ўзбекистон Республикасида қонунчиликка мувофиқ бундай тизим ўрнатилмаганлиги, мазкур қондан амалда ишлатиш имкони мавжуд бўлмаган ҳолда унга риоя қилмаганлик важдан ходимлар интизомий жавобгарликка тортилиши эҳтимолини назарда тутиб, расман бундай тизим жорий этилгунга қадар ушбу қондан бекор қилиш мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз.

30-бандда “Ушбу Одоб-ахлоқ қоидалари нормаларининг бузилишлари давлат солиқ хизмати органларининг Режим хизмати томонидан кўриб чиқилади” деб кўрсатилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 июндаги ПҚ-3802-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси марказий аппаратининг тузилмасида собиқ Режим хизмати ўрнига Ўз хавфсизлиги бошқармаси жорий этилган. Шунга кўра, мазкур қоидалар бузилиши ҳолатларини амалдаги тармоқ кўриб чиқаётганлигини ҳисобга олиб, бу қоидага тегишли ўзгартиришни киритиш келгусида ҳуқуқий жиҳатдан тўғри расмийлаштириш имконини беради.

Шунингдек, 31-бандда “Давлат солиқ хизмати органи ходимлари Одоб-ахлоқ қоидаларини яроқли ҳолда сақлашга мажбурдирлар. Одоб-ахлоқ қоидалари йўқотилган ёки яроқсиз ҳолатга келтирилган тақдирда ходимдан унинг қиймати миқдорида пул маблағи ундирилади” деб қайд этилган.

Афсуски, бу қоидалар мазмун моҳиятига кўра, хизматдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш ва унга ходимлар риоя этишлари учун жорий этилган бўлсада, ходимларга қоидаларни яроқли ҳолда сақлаш мажбурияти ўрнатиш, камига йўқотилган ёки яроқсиз ҳолатга келтирилган тақдирда пул ундириш каби таҳдидлар ҳуқуқий жиҳатдан мутлақо номувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 апрелдаги 320-сон қарори иловаси билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органларида хизматни ўташ тўғрисида Низом”нинг 37-бандида хизмат интизомини бузганлик факти бўйича хизмат текшируви ўтказилиши назарда тутилган.

Бироқ, бугунги кунда Қонун ёки Ҳукумат қарори билан тасдиқланадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат шаклида давлат солиқ хизмати ходимлари хизмат интизомини бузганлиги факти бўйича хизмат текшируви ўтказиш тартибини белгиланмаганлиги давлат солиқ хизмати ходимларига нисбатан бундай текширувни ўтказишда дискрецион имкониятларни юзага келтиради.

Хорижий давлатларда хизмат текширувини ўтказиш билан боғлиқ қонун ҳужжатларини ўрганиб чиққанимизда қуйидагилар аниқланди.

Эстония Республикасининг “Давлат хизмати тўғрисида”ги қонунида хизмат текширувини ўтказиш тартиби белгиланган.¹²³ Ушбу қонуннинг ўзига хос жиҳати шундаки, унга кўра, давлат хизматчиси ишдан ташқари вақтда ҳам хизмат вазифасини бажариш учун юқори турувчи мансабдор шахс олдида чақирувга тайёр бўлиши шарт. Агарда давлат хизматчисининг лавозим йўриқномасида ушбу талаб назарда тутилмаган бўлса, ишдан ташқари чақирув учун унинг ёзма равишда розилиги талаб этилади. Давлат хизматчисига кўнғироқ орқали чақирилган ишдан ташқари вақти учун кўшимча иш ҳақи тўланади, бу унинг асосий иш ҳақининг камида 1/10 қисмини ташкил қилиши керак ёки унинг илтимосига биноан кўшимча танаффус билан қопланиши мумкин, у кўнғироқ вақтининг камида 1/4 қисмини ташкил қилиши лозим.

Арманистон Республикасининг “Фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонунида¹²⁴ хизмат текширувини ўтказиш тартиби белгиланган бўлиб, хизмат текшируви орган раҳбарининг қарорига ёки ходимнинг талабига асосан ўтказилади. Давлат хизматчисининг одоб-ахлоқ қоидалари, давлат хизматчисига нисбатан қўлланиладиган бошқа чеклашлар, манфаатлар тўқнашуви, совғаларни тақиқлаш билан боғлиқ масалаларни ўрганиш учун тайинланган хизмат текшируви давлат хизматчиларининг одоб-ахлоқ комиссияси томонидан амалга оширилади.

Украина Вазирлар Маҳкамасининг 13.06.2000 йилдаги 950-сонли қарори билан “Давлат ёки маҳаллий давлат ҳокимияти функцияларини бажаришга ваколатли шахсларга ҳамда “Коррупциянинг олдини олиш тўғрисида”ги Украина қонунига мувофиқ давлат ёки маҳаллий бошқарув вазифаларини бажаришга ваколатли шахсларга тенглаштирилган шахсларга нисбатан хизмат текшируви ўтказиш тартиби” тасдиқланган.¹²⁵

Мазкур тартибга кўра, 1) ўз хизмат вазифаларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик, ўз ваколатлари доирасидан чиқиб кетиш, одамларнинг ҳалок бўлишига олиб келган ёки фуқаро, давлат, корхона, муассаса, ташкилот ёки жамоат бирлашмасига жиддий моддий ёки маънавий зарар етказган бўлса; 2) маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари маҳаллий ҳокимиятларда хизмат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, коррупцияга қарши қонунчиликка риоя қилмаган тақдирда; 3) давлат ёки маҳаллий бошқарув функцияларини бажаришга ваколатли шахснинг фикрича асоссиз айблов ёки шубҳаларни олиб ташлаш мақсадидаги талабига биноан; 4) коррупция ёки коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликнинг содир этилишига олиб келган сабабларни ва шарт-шароитларни аниқлаш ёки қонун талабларини бошқа тарзда бажармаганлик учун коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги махсус ваколатли шахс ёки

¹²³ Avaliku teenistuse seadus, <https://www.riigiteataja.ee/akt/113032019037>

¹²⁴ Закон Республики Армения “О гражданской службе”. <http://www.parliament.am/legislation.php?sel=show&ID=6259&lang=rus>

¹²⁵ Порядок проведения службового розслідування стосовно осіб, уповноважених на виконання функцій держави або місцевого самоврядування, та осіб, які для цілей [Закону України](#) “Про запобігання корупції” привірюються до осіб, уповноважених на виконання функцій держави або місцевого самоврядування, <https://zakon.rada.gov.ua/laws/show/950-2000-%D0%BF>

коррупцияга қарши курашиш миллий агентлигининг кўрсатмаси билан хизмат текшируви ўтказиш таклиф этилаётган шахс ишлайдиган ҳокимият органи, корхона, ташкилот ва муассасаса раҳбарининг қарорига биноан хизмат текшируви ўтказилиши мумкин.

Аноним хабарлар, баёнотлар ёки шикоятлар бўйича хизмат текшируви (аноним хабар қонун талабларини бузган ва муайян шахс ҳақида маълумотни ўз ичига олган ва текширилиши мумкин бўлган ҳаққоний маълумотларни ўз ичига олган ҳоллар бундан мустасно) ўтказилмайди.

Хизмат текшируви ўтказиш тўғрисидаги қарор давлат ёки маҳаллий бошқарув функцияларини бажаришга ваколатли шахс ишлайдиган ташкилот раҳбари томонидан қабул қилинади ва қарорда хизмат текшируви ўтказиш комиссиясининг раиси, комиссиянинг бошқа аъзолари, хизмат текширувининг бошланиши санаси ва тугаш санаси белгиланади. Хизмат текшируви муддати икки ойдан ошмаслиги керак.

Комиссия аъзолари хизмат текшируви масалалари бўйича сўров ўтказиладиган шахсларнинг розилиги билан уларнинг тушунтиришлари ва кўрсатувларини қайд этишда аудио воситалардан фойдаланиш ҳамда ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказиладиган шахс эса текширувни ўтказиш асослари тўғрисида маълумот олиш ҳуқуқига эга. Комиссия аъзолари текширув хулосасига илова қилинадиган ўзларининг алоҳида фикрларини ёзма равишда баён қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Хизмат текшируви хулосаси комиссия аъзолари томонидан имзоланади ва бир нусхада кўриб чиқиш учун орган раҳбарига тақдим этилади.

Коррупция ёки коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар содир этилганлиги аниқланган тақдирда, комиссия орган раҳбарига коррупцияга қарши кураш соҳасидаги махсус ваколатли ташкилотга хизмат текшируви хулосасини юбориш таклифини тақдим этади.

Хизмат текшируви натижалари бўйича қарор устидан хизмат текширув ўтказилган шахс қонун ҳужжатларига мувофиқ шикоят қилиши мумкин.

Қирғизистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати ва муниципал хизмат тўғрисида”ги қонунда хизмат текширувини ўтказиш тартиби белгиланган бўлиб, унга кўра, хизмат текшируви жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари асосида ёки ходим томонидан мансаб (интизомий) ҳуқуқбузарлиги тўғрисидаги хабар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган тақдирда ўтказилиши мумкин. Хизмат текшируви ходим ишлайдиган орган томонидан одоб-ахлоқ комиссияси вакиллари иштирокида амалга оширилади.¹²⁶

Қирғизистон Республикаси Ҳукуматининг 14.12.2016 йилдаги 674-сон қарори билан “Қирғизистон Республикаси давлат органлари ва маҳаллий

¹²⁶ Кыргыз Республикасынын мыйзамы, “Мамлекеттик жарандык кызмат жана муниципалдык кызмат жөнүндө”, <http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ky-kg/111354?cl=ky-kg>

хокимият органларида хизмат текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом” тасдиқланган.¹²⁷

Мазкур низомга кўра, 1) давлат ва муниципал лавозимларини эгаллаган шахсларнинг билдиргилари, хизмат қайдномалари; 2) этика комиссиясининг тақдимномаси; 3) шикоятлар, аризалар, хизмат интизоми бузилиши ҳақида маълумотлар; 4) оммавий ахборот воситаларидаги мансаб қонунбузарлиги ҳақида хабарлар; 5) ходим ёки жисмоний ёхуд юридик шахсларнинг содир этилган интизомий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги аризаси; 6) хизмат текширувини тайинлаш ҳуқуқига эга бўлган давлат органи ёки маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органи раҳбари томонидан ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни бевосита аниқлаши; 5) манфаатлар тўқнашуви хавфи мавжуд бўлганда; 6) давлат ёки муниципал лавозимларни тўлдириш тартиби бузилишларини аниқлаш; 7) ўзига нисбатан асоссиз айбловлар ёки гумонларни олиб ташлаш мақсадида ходимнинг аризаси хизмат текшируви ўтказиш учун асос (сабаб) ҳисобланади.

Хизмат текшируви давлат органи ёки маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органи раҳбари томонидан ташкил этиладиган комиссия томонидан ёки ушбу органдаги хизмат текширувларини ўтказиш бўйича махсус таркибий тармоқ томонидан ўтказилади. Давлат органи ёки маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органи раҳбари комиссия аъзолари орасидан комиссия раисини тайинлайди. Комиссия аъзоларининг максимал сони чегараланмаган ва хизмат текшируви ҳажми билан белгиланади, лекин уч кишидан кам бўлиши мумкин эмас.

Хизмат текшируви ўтказилиши тўғрисида унинг исталган босқичида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган давлат органи ёки маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органидаги касаба уюшмасига хабар берилади. Хизмат текшируви уни ўтказишга асос бўлган хабар олинган кундан бошлаб 14 иш кунидан кечиктирмасдан бошланиши ва ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб 30 календар кун ичида яқунланиши керак. Хизмат текшируви муддати ушбу низомда қайд этилган асослар мавжуд бўлган тақдирда истисно ҳолатларда 30 календар кунгача узайтирилиши мумкин. Муддатларнинг бузилиши ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган шахсни интизомий жавобгарликдан озод этилишига сабаб бўлади.

Хизмат текшируви остидаги ходим (ходимнинг талабига кўра хизмат текшируви тайинлаш ҳолларидан ташқари), текширувнинг бутун муддати давомида давлат хизмати ёки муниципал хизматнинг эгаллаб турган лавозимидан четлатилиши мумкин. Ходимнинг эгаллаб турган лавозимидан вақтинча четлатиш давлат органи ёки маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органи раҳбари томонидан амалга оширилади. Ходимнинг ўз лавозимидан вақтинча четлатилган тақдирда давлат ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органининг компютер техникаси ва оргтехникасига, расмий ҳужжатлар ва материалларга рухсатсиз киришининг олдини олиш чоралари кўрилиши лозим.

¹²⁷ Кыргыз Республикасынын мамлекеттик органдарында жана жергиликтүү өз алдынча башкаруу органдарында кызматтык текшерүүнү уюштуруу жана жүргүзүү тартиби жөнүндө жобо. <http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/99664?cl=ru-ru>

Комиссия аъзолари хизмат текшируви олиб борилаётган ходимни текширув тайинлаш буйруғи ва уни ўтказиш учун асос бўлган барча ҳужжатлар билан таништиришга мажбур.

Хизмат текшируви натижалари тўғрисида якуний хулосани олган кундан бошлаб уч иш куни давомида интизомий комиссия қонунбузарликнинг оғирлиги ва хусусиятини, шунингдек бошқа ҳолатларни аниқлайди ва давлат органи раҳбарига, маҳаллий давлат ҳокимияти органига ёки ваколатли мансабдор шахсга жазонинг муайян турини қўллаш ёки ижро этмаслик тўғрисида таклиф киритади. Интизомий комиссиянинг таркиби, муддати ва бошқа масалалари давлат органи ва маҳаллий давлат ҳокимияти раҳбари томонидан белгиланади. Интизомий комиссиянинг қарори асосида давлат ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органининг раҳбари томонидан хизмат текшируви ўтказилган ходимга нисбатан интизомий чора қўллаш ёки қўлламаслик ёхуд ҳужжатларни қўшимча хизмат текшируви ўтказиш учун қайтариш тўғрисидаги қарорлардан бири қабул қилинади. Интизомий жазога тортиладиган ходим 3 кун ичида буйруқ билан ёзма равишда таништирилиши шарт. Ходимни таништирмасдан буйруқни ижро этишга йўл қўйилмайди.

Ходимга нисбатан ўтказилган хизмат текшируви натижаси бўйича қабул қилинган қарор устидан ваколатли давлат органига, ваколатли давлат органининг қарори билан келишмовчиликлар юзага келган тақдирда эса - судга шикоят қилиниши мумкин. Хизмат текшируви материаллари низони кўриб чиқиш чоғида судга тақдим этилиши мумкин.

Сўнги йилларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва солиқ хизмати органлари ходимлари ўртасида коррупция ҳолатларини олдини олиш чораларидан бири сифатида полиграф воситасидан фойдаланиш кенг тус олмақда.

Масалан, АҚШнинг “С.3243-Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги қонунига¹²⁸ асосан АҚШ божхона ва чегара хизмати иш фаолиятида ҳалоллик сиёсатини ўрнатиш учун хизматнинг барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ишга қабул қилишдан олдин полиграф текширувидан ўтишлари ва хизматга қабул қилинганидан кейин ҳар 5 йилда бир марта даврий равишда полиграф текширувидан ўтишлари тартиби белгиланган.

Молдова Республикасининг “Симуляция қилинган хулқ-атвор детектори (полиграф) текширувини қўллаш тўғрисида”ги қонунига¹²⁹ асосан полиграфни қўллаб текширув ўтказиш - синовдан ўтаётган шахс томонидан тақдим этилган маълумотларнинг ҳаққонийлигини текширишга қаратилган жароҳат етказмайдиган, инсон ҳаёти ва соғлиғи учун зарарсиз полиграф текширувидан ўтказишга қаратилган ҳаракатлар мажмуи ҳисобланади. Полиграф текшируви орқали 1) судя ёки прокурор лавозими учун танловда иштирок этаётганда, Ички ишлар вазирлиги, Коррупцияга қарши курашиш миллий маркази, Ахборот ва хавфсизлик хизмати ва божхона хизмати

¹²⁸ И.С.Власов, С.П.Кубанцев «Борьба с коррупцией в правоохранительных органах за рубежом» монография, Москва 2018 г. 113 ст. S.3243 - Anti-Border Corruption Act of 2010. <https://www.congress.gov/bill/111th-congress/senate-bill/3243/text>

¹²⁹ Republica Moldova parlamentul lege Nr. 269 din 12-12-2008 “Privind aplicarea testării la detectorul comportamentului simulat (poligraf)”. https://www.legis.md/cautare/getResults?doc_id=106596&lang=ro

органларига хизматга қабул қилинаётганда; 2) юқорида кўрсатилган муассасаларда иш фаолиятини даврий ёки танлаб назорат қилиш пайтида; 3) хизмат текшируви давомида; 4) тезкор-қидирув фаолияти давомида текширувдан ўтаётган шахс томонидан тақдим этилган маълумотларнинг ишончлилиги баҳоланади. Полиграф текшируви мажбурий ва ихтиёрий турларга ажратилиб, судя ёки прокурор, Ички ишлар вазирлиги, Коррупцияга қарши курашиш миллий маркази, Ахборот ва хавфсизлик хизмати ва божхона хизмати органларида хизматни ўтаб келаётган шахслар учун мажбурийдир.

Полиграф текширувини ўтказишга ваколатли органлар: 1) тезкор-қидирув фаолияти давомида; 2) хизмат текшируви давомида ихтиёрий полиграф текшируви ўтказишга ҳақлидирлар. Текширув ташаббусқори текширувдан ўтиши лозим бўлган шахсдан розилик олишга ва камида 24 соат олдин полиграф текшируви ўтказиш нияти ҳақида хабар беришга мажбур. Полиграф текширувида таржимон ва адвокатнинг иштирок этиши назарда тутилган ва уларнинг ҳуқуқ-мажбуриятлари белгиланган. Текширув пайтида қонунчиликка риоя этилиши ва қабул қилинган қарорларнинг қонунийлиги устидан прокурор назорати Бош прокурор ёки унинг ўринбосарларидан бири томонидан амалга оширилиши эътироф этилган.

Шунингдек, Молдова Республикаси Ҳукуматининг 19.06.2014 йилдаги қарори¹³⁰ билан полиграф тести масалалари бўйича Давлат комиссиясининг ташкил этилиши ва фаолияти тўғрисидаги Низом ҳамда полиграф тести ўтказилиши лозим бўлган қайд этилган қонун таъсир доирасига тушадиган давлат лавозимлари рўйхати тасдиқланган.

Эътиборга молик жиҳати, Молдова Республикаси парламентининг қарори билан тасдиқланган “Пок виждонлик ва коррупцияга қарши кураш бўйича 2017–2020 йилларга мўлжалланган миллий стратегияси”га¹³¹ асосан Судя, Прокурор, Коррупцияга қарши кураш миллий маркази, Ахборот ва хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги ва Божхона назорати бўйича ўқитилган ва сертификатланган полиграф бўйича камида биттадан эксперт тайёрлаш ҳамда бу хизматларни камида тўрттадан полиграф қурилмалари билан таъминлаш назарда тутилган.

Украина ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида ҳам полиграф қурилмаларидан кенг фойдаланиб келинаётган бўлиб, улардан фойданиш тартиби ва қоидалари Адлия вазирлигида рўйхатга олинган идоравий норматив-ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Украина даромадлар ва йиғимлар вазирлигининг (Солиқ қўмитаси) буйруғи билан тасдиқланган “Украина даромадлар ва йиғимлар вазирлиги иш фаолиятига компьютер полиграфларини жорий этиш ва қўллаш бўйича

¹³⁰ la Hotărîrea Guvernului nr. 475 din 19 iunie 2014., “Regulamentul privind organizarea și funcționarea Comisiei de stat pentru testări cu utilizarea poligrafului”. https://www.legis.md/cautare/getResults?doc_id=18394&lang=ro

¹³¹ Republica Moldova parlamentul hotărîre Nr. 56 din 30-03-2017 privind aprobarea Strategiei naționale de integritate și anticorupție pentru anii 2017–2020. https://www.legis.md/cautare/getResults?doc_id=99502&lang=ro

қўлланма”га¹³² асосан вазирликнинг таркибий тармоқ раҳбарлари ва ҳудудий бош бошқармалари бошлиқларига ва зарурат туғилганда компьютер полиграфларидан фойдаланишни бошлаш, шунингдек ички хавфсизлик бош бошқармаси ва минтақавий бўлинмаларининг шахсий таркиби орасидан функционал вазифаларига полиграф билан ишлаш кирадиган ходимларни аниқлаш ва уларни ўқитиш талаб этилган. Унга кўра, полиграф текширувининг мақсади, бошқа усулда олиниши мумкин бўлмаган эҳтимолий ва тақрибий маълумотларни олиш, бу маълумотлардан ходимлар томонидан коррупция ва бошқа ноқонуний хатти-ҳаракатлар содир этилганлигини аниқлаш ва олдини олишда фойдаланиш учун, шунингдек уларнинг хавфсизлигини ва хизмат вазифаларини бажариш билан боғлиқ бўлган ноқонуний тажовузлардан ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни асосиз айбловлар ёки гумонлардан соқит қилиш ҳисобланади.

Полиграф текшируви тунда ўтказилмайди, узлуксиз бир соатдан ортиқ давом этиши ва бир кунда жами етти соатдан ортиқ давом этиши мумкин эмас.

Бундан ташқари, Украина Бош прокуратураси ва Украина миллий коррупцияга қарши бюросининг 04.11.2019 йилдаги 265/131-сонли қўшма буйруғи¹³³ билан тасдиқланган “Бош прокуратура маъмурий лавозимлари учун номзодларнинг полиграфдан фойдаланган ҳолда Украина Коррупцияга қарши миллий бюроси полиграфия экспертлари томонидан психофизиологик текширувни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича қўлланма”, Украина Мудофаа вазирининг 29.04.2015 йилдаги буйруғи¹³⁴ билан тасдиқланган “Украина Қуролли кучларида полиграфдан фойдаланган ҳолда шахсий таркибни психофизиологик текширишни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича йўриқнома”, Украина ички ишлар вазирининг буйруғи билан тасдиқланган “Украина миллий гвардияси ходимларини полиграф ёрдамида текширишни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида қўлланма”¹³⁵ ва “Украина миллий полицияси ходимларини полиграф ёрдамида текширишни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида қўлланма”¹³⁶ асосида юқорида номлари қайд этилган органлар ходимлари полиграф текширувларидан ўтказилади.

Қозоғистон Республикаси Ҳукуматининг қарори¹³⁷ билан тасдиқланган “Қозоғистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида полиграф текширувидан ўтиш қоидалари”га асосан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи

¹³² Наказ Міністерство доходів і зборів України 02.08.2013 № 329 “Про використання поліграфів у діяльності Міністерства доходів і зборів України та його територіальних органів”. Зареєстровано в Міністерстві юстиції України 11 жовтня 2013 р. за № 1748/24280. <https://zakon.rada.gov.ua/laws/show/z1748-13>

¹³³ Наказ Генеральної прокуратури України, Національного антикорупційного бюро України 04.11.2019 № 265/13, https://zakon.rada.gov.ua/laws/show/v265_900-19

¹³⁴ Наказ міністерство оборони України 14.04.2015 № 164. Зареєстровано в Міністерстві юстиції України 29 квітня 2015 р. за № 477/26922. <https://zakon.rada.gov.ua/laws/show/z0477-15>

¹³⁵ Зареєстровано в Міністерстві юстиції України 22 вересня 2017 р. за № 1169/31037, Інструкція про порядок організації та проведення опитування особового складу Національної гвардії України з використанням поліграфа. <https://zakon.rada.gov.ua/laws/show/z1169-17>

¹³⁶ Зареєстровано в Міністерстві юстиції України 05 грудня 2017 р. за № 1472/31340., Інструкція про порядок використання поліграфів у Національній поліції України. <https://zakon.rada.gov.ua/laws/show/z1472-17>

¹³⁷ «Правила прохождения полиграфологического исследования в правоохранительных органах Республики Казахстан» утвержден постановлением Правительства Республики Казахстан от 19 июня 2014 года № 683. <http://adilet.zan.kz/files/docx/520/p1400000683.19-06-2014.rus.docx>

органларда хизмат қилишга (ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар таълим муассасаларига) қабул қилинган фуқаролар; 2) аттестациядан ўтиши лозим бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари; 3) хизмат текшируви ўтказиш вақтида зарурат туғилганда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари мажбурий полиграф текширувидан ўтишлари белгиланган.

Ушбу қоидаларда “полиграф текшируви” тушунчасига махсус тиббий сенсорлар ёрдамида психофизиологик текширув пайтида содир бўладиган шахсининг индивидуал физиологик реакцияларини рўйхатдан ўтказишни ўз ичига олган текшириш усули сифатида таъриф берилган. Шунингдек, текширувнинг асосий вазифалари белгиланиб, улар орасида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этишнинг илгари мавжуд бўлган фактларини аниқлаш ҳам назарда тутилган. Шахсни узлуксиз синовдан ўтказиш муддати 120 дақиқадан ошмаслиги, синов пайтида чарчашни камайтириш учун шахсга 15 минутгача дам берилиши белгиланган.

Маълумот учун, Қозоғистон Республикаси “Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тўғрисида”ги қонунига¹³⁸ асосан прокуратура, ички ишлар, коррупцияга қарши хизмат ва иқтисодий тергов хизмати органлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳисобланади.

Қирғизистон Республикаси Президентининг “Давлат хизмати соҳасида полиграф тест тизимини жорий этиш бўйича устувор чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида¹³⁹ асосан 1) давлат молиявий полиция хизматида; 2) давлат божхона қўмитасида; 3) давлат солиқ хизматида; 4) давлат органларининг давлат котибларини танлов асосида танлашда полиграф тест тизимидан фойдаланиш тартиби амалга киритилган.

Шунингдек, фармон билан полиграф тести ўтказилиши лозим бўлган давлат лавозимлари рўйхати ҳамда полиграф тестини ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқланган. Фармонда ушбу рўйхатга мувофиқ, 1) сиёсий давлат лавозимини алмаштириш (Қирғизистон Республикаси Президенти белгилаган тартибда); 2) бўш маъмурий давлат лавозимини эгаллаш учун танлов ўтказиш; 3) давлат хизматчиларини ротация қилиш ва хизмат текшируви (давлат органи раҳбарининг ихтиёрига кўра) полиграф тестини ўтказиш белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари, Қирғизистон Республикаси давлат кадрлар хизматида полиграф тест тизимини давлат органларида жорий этилиши ва қўлланилиши устидан доимий равишда назорат олиб бориш ҳамда полиграф тестлари ўтказиладиган давлат лавозимлари рўйхатини кенгайтириш бўйича таклифлар киритиш вазифалари юклатилган.

Давлат солиқ хизмати органларида коррупциявий жинойтларни ҳамда ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш учун ҳуқуқбузарликни фош

¹³⁸ Закон Республики Казахстан «О правоохранительной службе» от 6 января 2011 года № 380-IV. <http://adilet.zan.kz/files/docx/008/z1100000380.11-01-2020.rus.docx>

¹³⁹ Указ Президента Кыргызской Республики «О первоочередных мерах по внедрению системы тестирования на полиграфе в сфере государственной службы» от 27 августа 2010 года УП N 146., <http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/60672?cl=ru-ru>

этиш эҳтимоли юқори ҳамда қатъий жавобгарликка тортиши мумкин бўлган синчковлик билан ишлайдиган ишончли тизим талаб қилинади.

Европа Иттифоқи Вазирлар Маҳкамасининг № R(2000)10-сонли тавсияси билан тасдиқланган «Давлат хизматчилари одоб-ахлоқ қоидалари кодекси»нинг¹⁴⁰ 24-моддасига асосан ходимларни ишга қабул қилишга масъул давлат хизматчиси, бўлғуси ходимларни лавозимга тайинлаш, мансабини кўтаришда уларга нисбатан қонунчиликка мувофиқ “ҳалоллик текшируви” ўтказилишини назорат қилишга мажбурдир.

Блэк ҳуқуқий луғатида ҳалоллик (integrity) тушунчаси “ахлоқий тамойил ва характернинг тўғрилиги, шартномалар тузишда ва бажаришда бошқалар билан иш олиб борувчи шахс сифатида, шунингдек, ишончли муносабатларда садоқат ва ҳалоллик” деб кўрсатилган.¹⁴¹

Европа Кенгашининг тавсиялари ёки бошқа халқаро конвенцияларнинг ҳеч бири “ҳалолликни текшириш”га тўғридан-тўғри мурожаат қилмайди. Фақат БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясининг¹⁴² 8-моддасида аъзо давлатларни “оммавий мансабдор шахслар томонидан коррупциявий ҳаракатлар тўғрисида хабар берилишини” қўллаб-қувватлашга ва “кодекслар ёки стандартларни бузадиган оммавий мансабдор шахсларга нисбатан интизомий ёки бошқа чоралар кўришга” чақиради.

Шунга қарамай, барча йирик халқаро ташкилотлар коррупцияга қарши кураш воситаси сифатида ҳалолликни текширишни тавсия қиладилар.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг тадқиқотларида “Ҳалолликни текшириш коррупцияни аниқлашнинг кучли ихтисослашган воситаси бўлиши мумкин.”¹⁴³ деб кўрсатилади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси томонидан ишлаб чиқилган коррупцияга қарши қўлланмага асосан “Бу жуда қисқа вақт ичида давлат хизматидаги коррупцияни йўқ қилишнинг энг самарали воситаларидан биридир. Хусусан, кенг тарқалган коррупция ва жамоатчиликнинг ишонч даражаси паст бўлган тақдирда, бу дарҳол натижаларни ва давлат бошқарувига ишончни тиклашга ёрдам берадиган кам сонли воситалардан биридир”.¹⁴⁴

Трансперенси Интернешнл¹⁴⁵ коррупцияга қарши курашда “энг аввало фойдали восита” сифатида ҳалолликни текшириш ғоясини илгари сурмоқда.

Ҳалолликни текширишнинг мақсадлари қуйидагилардан иборат:¹⁴⁶
1) мансабдор шахсларни порахўрлик тўғрисида хабар бериш мажбуриятини бажаришга ундаш (ҳар қандай таклиф ҳалолликни текшириш бўлиши

¹⁴⁰ Рекомендация N R(2000)10 Комитета министров Совета Европы о кодексах поведения для государственных служащих (принята на 106-й сессии 11 мая 2000 года). www.coe.int/corruption.

¹⁴¹ Black's Law Dictionary. <https://thelawdictionary.org/integrity/>

¹⁴² БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси, Нью-Йорк, 2004 йил, 18 б.

¹⁴³ Organisation for Economic Co-operation and Development – OECD (2005), [Managing Conflict of Interest in the Public Sector](#), p.68 (“Integrity Testing Policy”), www.oecd.org.

¹⁴⁴ UNODC (2004) [Anti-Corruption Tool Kit](#), Version 3, p.396, www.pogar.org.

¹⁴⁵ TI Source Book (2000), [Confronting Corruption: The Elements of a National Integrity System](#), chapter 20, p.190, <http://archive.transparency.org>.

¹⁴⁶ United Nations (2004), Handbook on Practical Anti-Corruption Measures for Prosecutors and Investigators, pages 91-97, www.unodc.org.

мумкин); 2) эҳтимолий аниқланиш (фош бўлиш) хавфини ошириш орқали коррупциянинг олдини олиш; 3) коррупцияга мойил бўлган мансабдор шахсларни ёки тармоқларни аниқлаш; 4) интизомий чоралар учун далил тўплаш; 5) ҳалол ва ишончга сазовор бўлган давлат хизматчиларини аниқлаш; 6) давлат хизматчиларининг ўқитишга бўлган эҳтиёжни аниқлаш.

Европа Иттифоқи ва Европа Кенгаши кўмагида чоп этилган “Ҳалолликни текшириш бўйича қонуний қўлланма”да қайд этилишча, мақсадли ҳалоллик синовлари барча мамлакатларда ёки умуман олганда терговнинг кенг тарқалган воситаси бўлиб, баъзи давлатларда жиноий соҳада олиб борилган (Грузия); баъзиларида ҳам жиноий, ҳам интизомий соҳада олиб борилади (АҚШ, Буюк Британия, Австралия, Руминия); баъзиларида фақат интизомий соҳада олиб борилади (Молдова).¹⁴⁷

Давлат номи	Кирилган вақти	Қамров даражаси	Натижаси бўйича кўриладиган чора
Австралия	1996	Полиция	Интизомий/жиноий
Чехия Республикаси	2009	Хавфсизлик хизмати	Интизомий/жиноий
Грузия	2003	Давлат бошқаруви органлари	Интизомий/жиноий
Венгрия	2012	Давлат бошқаруви органлари	Интизомий/жиноий
Кения	2006	Давлат бошқаруви органлари	Интизомий/жиноий
Молдова	2013	Давлат бошқаруви органлари	Интизомий
Руминия	2009	Ички ишлар вазирлиги	Интизомий/жиноий
Буюк Британия	1999	Асосан полиция	Интизомий/жиноий
АҚШ	1994	Полиция	Интизомий/жиноий

Турли давлатларда текширув ўтказиладиган орган сифатида турли давлат муассасалари танланади. Австралия, Руминия, Буюк Британия ва АҚШда полиция кучлари ёки вазирликнинг ички хавфсизлик хизмати текширувларни ўтказди. Кения ва Молдовада коррупцияга қарши идоралар масъулдир. Танлов текширувларнинг институционал доирасини акс эттиради: агарда ҳалоллик текширувлари фақат битта секторга энг муҳими полиция учун қаратилган бўлса, текширув учун ички хавфсизлик тармоғи масъул бўлади. Агар ҳалоллик текширувлари давлат идораларининг кенг доирасини қамраб оладиган бўлса, бутун давлат секторида коррупциянинг олдини олишга масъул бўлган ташқи коррупцияга қарши агентлик ҳам ҳалолликни текшириш вазифасини бажаради.

¹⁴⁷ Legislative Toolkit on Integrity Testing. Project “Fight against Corruption and Fostering Good Governance/Fight against money-laundering”, financed by the European Union and the Council of Europe. 2016, [http://tilman-hoppe.de/TP_ECCU_-_PCF-REG_52016_IntegrTesting_Toolkit\).pdf](http://tilman-hoppe.de/TP_ECCU_-_PCF-REG_52016_IntegrTesting_Toolkit).pdf)

Буюк Британия ёки АҚШ сингари бир қатор мамлакатлар кўп йиллар давомида ҳеч қандай аниқ қонуний асосларсиз ҳалоллик текширувини ўтказиб келишади. Умумий ҳуқуқ анъанасидаги фарқлар буни тушунтириши мумкин. Лекин, бу воситани қонун асосида жорий этишни истаётган давлатлар уларнинг намунасидадан фойдалана олмайдилар. Ҳалоллик текшируви Европа давлатлари орасидан Руминия,¹⁴⁸ Венгрия,¹⁴⁹ Чехия¹⁵⁰ ва Молдовада¹⁵¹ қонун асосида жорий этилганлигини кўришимиз мумкин.

Хусусан, Молдованинг “Институционал пок виждонликни баҳолаш бўйича касбий пок виждонликни синовдан ўтказиш тўғрисида”ги қонунига асосан 1) давлат органлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари раҳбарларининг давлат органларида профессионал пок виждонлик муҳитини яратиш, сақлаш ва такомиллаштириш учун жавобгарлигини ошириш; 2) давлат хизматчилари касбий пок виждонлигини таъминлаш, давлат органларида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш; 3) давлат органларида коррупция хавфини аниқлаш, баҳолаш ва бартараф қилиш; 4) давлат хизматчилари томонидан йўл қўйилган коррупция ҳолатлари фош этилишини кучайтириш мақсадида институционал пок виждонликни баҳоланади.

Қонунда “касбий пок виждонликни синовдан ўтказиш” тушунчаси “текширувчи томонидан яширин операциялар орқали амалга ошириладиган расмий фаолиятда юзага келадиганга ўхшаш хаёлий, тақлид қилинадиган вазиятларни юзага келтириш ва ундан фойдаланиш йўли билан синовдан ўтаётган давлат хизматчисининг хулқ-атворини пассив кузатиш мақсадида, унинг хатти-ҳаракатларини белгилаш орқали баҳолаш жараёнида давлат ҳокимияти органларини институционал пок виждонлиги бузилиш даражасини ва коррупциявий хатарларни аниқлаш” деб таърифланади. Касбий пок виждонлик синови натижасида мансабдор шахсларнинг хулқ-атворида салбий баҳо берилган тақдирда фақат интизомий жазо чоралари қўлланилиши мумкин. Касбий пок виждонлик синовининг натижалари ва материаллари синовдан ўтган шахсларга нисбатан жиноят процессида ёки маъмурий иш юритишда исботлаш воситаси сифатида фойдаланилиши мумкин эмас.

Институционал пок виждонликни баҳолаш жараёнида касбий пок виждонликни синовдан ўтказиш ҳақидаги қарорни баҳоловчи муассаса қабул қилади ва суд томонидан тасдиқланади. Касбий пок виждонлик синовини ўтказиш муддати олти ой. Синовни бошлаш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаган суднинг судяси асослангирилган қарорга мувофиқ бу муддатни олти ойга узайтириши мумкин. Касбий пок виждонлик синовининг материаллари синовдан ўтказиш тўғрисида қарорни қабул қилган судя томонидан текширилади. Судя текширув ўтказиш қарорига текширувчи риюя қилишини

¹⁴⁸ Privind procedura de testare a integrității profesionale a personalului Ministerului Administrației și Internelor. <http://legislatie.just.ro/Public/DetaliiDocument/133179>

¹⁴⁹ 50/2013. (II. 25.) Korm. Rendelet az államigazgatási szervek integritásirányítási rendszeréről és az érdekérvényesítők fogadásának rendjéről. <https://net.jogtar.hu/jogszabaly?docid=a1300050.kor>

¹⁵⁰ Zákon č. 341/2011 Sb. Zákon o Generální inspekci bezpečnostních sborů a o změně souvisejících zákonů. <https://www.zakonyprolidi.cz/cs/2011-341?text=Zkou%C5%A1ka+spolehlivosti#cast6>

¹⁵¹ Republica Moldova parlamentul lege Nr. 325 din 23-12-2013, Privind evaluarea integrității instituționale. https://www.legis.md/cautare/getResults?doc_id=106168&lang=ro

текширади, синовдан ўтган давлат хизматчисининг хулқ-атворини баҳолаш нуқтаи назаридан институционал пок виждонликни баҳолаган ташкилотнинг таклифига рози бўлади ёки унга тузатишлар киритади ва касбий пок виждонлик синовининг натижаларини аниқлайди.

Фикримизча, давлат солиқ хизмати органларида “ҳалоллик текшируви” институтини жорий этилиши ходимлар ўртасида ҳар қандай “ғайриқонуний таклиф” улар учун яширин текширув бўлиши мумкин деган хавотир уйғотади ҳамда таъмагирлик ва товламачилик ҳолатларидан тийилишга олиб келади.

Давлат ва жамоат манфаатларига етказилган зарарни аниқлаш учун ўз вақтида ва ишончли маълумотлар жуда муҳимдир. Кўпинча, муҳим маълумотларни фақат жиноят содир этилганлиги тахмин қилинган ташкилот билан бевосита ёки билвосита алоқадор бўлган шахслар билишлари ёки ундан хабардор бўлишлари мумкин. Бироқ, кўпинча компаниялар ёки давлат идоралари ходимлари бундай ҳаракатлар раҳбарларга ноқулайлик туғдириши, иш муносабатларига ёки қариндошлар билан муносабатларга салбий таъсир кўрсатиши, шунингдек уларнинг мансаб истиқболларини хавф остига кўйишидан кўрқиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга қимматли маълумотлар беришдан қочишади.

Шунинг учун, давлат ёки жамоат манфаатларига зарар етказилган ёки шундай хавф юзага келган тақдирда хабар берувчиларнинг етарли даражада ҳимоя қилинишини таъминлаш жуда муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сонли Фармони 4-бандига асосан “коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар берган шахсларни ҳимоя қилишнинг самарали ташкилий-ҳуқуқий механизмларини жорий этиш” ўрта муддатли истиқболда давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланган.

Давлат идораларида ҳалолликни мустаҳкамлаш учун хабар берувчи шахслар ва қонунбузилишлар ҳақидаги хабарларни муҳофаза қилиш муҳим аҳамиятга эга. Хабар берувчи шахсларни самарали ҳимоясини таъминлаш уларнинг коррупцияга қарши курашда потенциал ролини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Улар бошқа ҳолатларда кўзга ташланмайдиган ҳаракатлар тўғрисида маълумот беради, бу эса коррупциянинг олдини олиш, аниқлаш, тергов қилиш ва жавобгарликка тортишга ёрдам беради.¹⁵²

Европа Кенгаши парламент ассамблеясининг 2019 йил 1 октябрда қабул қилинган резолюциясида таъкидланганидек, хабар берувчиларсиз демократия олдида турган кўплаб муаммоларни, жумладан, кенг кўламли коррупция ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашни ҳал қилиб бўлмайди. Шунинг учун одамларни тегишли фактлар ҳақида хабар беришга ундайдиган

¹⁵² “Реформы в сфере борьбы с коррупцией в странах Восточной Европы и Центральной Азии”, Отчет ОЭСР., © ОЭСР 2019. 102 б.

ва бундай қилиш хавфи бўлганларга яхшироқ ҳимоя қилишни таъминлайдиган мақсадли тадбирларни амалга ошириш зарурати мавжуд.¹⁵³

Унга кўра, ҳар бир мамлакатда хабар берувчиларни ҳимоя қилиш бўйича мустақил орган ташкил этиш, хабар берувчиларни ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида бу соҳадаги қонунбузилишлар бўйича қўлланилган санкциялар ҳисобидан молиялаштириладиган жамғарма ташкил этиш, хабар берувчиларга бошқа давлатда бошпана олиш ҳуқуқини бериш, истисно ҳолларда уларга чет элда бўлиш жойидан мурожаат қилиш ҳуқуқини бериш каби талаблар белгиланган.

Ягона ҳуқуқий таъриф бўлмасида, бир қатор халқаро ҳужжатлар ва кўрсатмаларда хабар берувчиларни ҳимоя қилиш стандартлари белгиланган. БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси 33-моддасига асосан “Жиноий хатти-ҳаракатлар хусусида исталган далиллар тўғрисида виждонан ва оқилона асосларга таянган ҳолда хабар бераётган шахсларни ҳимоя қилишга қаратилган тегишли чоралар таъминланади”. Европа Кенгашининг ҳар иккала, Коррупция учун жиноий жавобгарлик тўғрисидаги конвенцияси 22-моддаси ҳамда Коррупция учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик тўғрисидаги конвенцияси 9-моддасида БМТнинг юқорида қайд этилган конвенциясида белгиланганга ўхшаш қоидалар назарда тутилган. Хабар берувчиларни ҳимоя қилиш юзасидан талаб ва тавсиялар Европа Кенгаши Вазирлар Кўмитасининг СМ / Рес (2014) 7-сонли тавсияларида белгиланган.¹⁵⁴

Шунингдек, Европа Парламенти 16.04.2019 йилда барча аъзо давлатларда хабар берувчиларнинг аҳволини яхшилашга қаратилган директивани тасдиқлаган.¹⁵⁵ Директивада хабар беришнинг аниқ тартиблари ва барча иш берувчиларнинг (давлат ёки хусусий) хавфсиз хабар бериш учун ички ва ташқи каналларини яратиш бўйича мажбуриятлари белгиланган. Хабар берувчининг танлови бўйича ички хабар бериш (махсус яратилган канал орқали) ёки ваколатли органларга (ихтисослаштирилган бошқарув органлари, адлия органлари, профессионал назорат органи) ташқи хабар бериш мумкин. Агар дастлабки хабар берилган кундан бошлаб, уч ой ичида тегишли чоралар кўрилмаса, ёки жамоат манфаатларига тўғридан-тўғри таҳдид юзага келса, ёки органга мурожаат қилиш самарасиз бўлса оммавий хабарлар, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида хабар бериш ҳуқуқи назарда тутилган. Ҳеч қандай истисносиз хабар берувчиларнинг жиноий ва фуқаролик процесларида виждонан ҳимоя қилинишни таъминлаш, уларни ҳуқуқий ва психологик қўллаб-қувватлаш, улардан ўч олинишини таъқиқлаш, хабар берувчининг шахси ошкор этилмаслиги ва унинг шахси аниқланган тақдирда аноним хабар берувчини ҳимоя қилиш белгиланган. Фош этишга тўсқинлик қилишга

¹⁵³ Совет Европы, Парламентская ассамблея, Резолюция 2300 (2019), Улучшение защиты информаторов по всей Европе, 1 октября 2019 г., параграф 4, <http://assembly.coe.int/nw/xml/XRef/Xref-XML2HTML-en.asp?fileid=28150&lang=en>.

¹⁵⁴ Совет Европы, Комитет министров, Рекомендация СМ / Рес (2014) 7 о защите осведомителей, <https://rm.coe.int/16807096c7>.

¹⁵⁵ Position of the European Parliament with a view to the adoption of Directive (EU) 2019/... of the European Parliament and of the Council on the protection of persons who report breaches of Union law https://www.europarl.europa.eu/doceo/document/TC1-COD-2018-0106_EN.pdf

уринганлар, хабар берувчидан ўч олувчи ёки уларнинг шахсини ошкор этишга уринганларга нисбатан молиявий санкциялар белгилаш талаб қилинган.

АҚШда 2010 йилда қабул қилинган “Қимматли қоғозлар тўғрисида хабар берадиган шахсларни рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш” деб номланган Dodd-Frank қонунининг 21F бўлими АҚШ қимматли қоғозлар ва биржалар бўйича комиссиясидан (SEC) 1 млн. АҚШ долларидан ортиқ миқдордаги мажбурий санкциялар қўллаш учун мувофақиятли ҳуқуқни қўллаш амалиётига сабаб бўладиган асл маълумотни ихтиёрий равишда фош этган шахсларга пул мукофотларини тўлашни талаб қилади. Қонуннинг 924 (b) бўлимига асосан фош этиш бошқармаси (SEC) таъсис этилиб, қонунсизликлар ҳақида хабар берувчилар ноошқора ҳимоя остига олинадиган ва адвокат ёрдамида аноним хабар беришлари мумкин.¹⁵⁶

Бунда мукофот пули миқдори давлат томонидан ундирилган сумманинг 10 фоизидан 30 фоизигача қилиб белгиланган бўлиб, хабар берувчи оладиган улушга тақдим этилган ахборотнинг аҳамияти, кўрсатилган ёрдам даражаси, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг манфаатлари ва ахборот берувчи ташкилот ичидаги қоидабузарликларни тегишли ички каналлар орқали хабар қилганлиги каби омиллар таъсир кўрсатади.

Мазкур дастур 2011 йилда қабул қилинганидан бошлаб, SEC томонидан жами 1,7 млрд, шундан 901 млн. АҚШ доллари миқдорида хабар берувчилар етказган ноқонуний мол-мулк, даромадлар ва коррупция ҳолатлари ҳақидаги маълумотлар бўйича мувофақиятли ҳуқуқни қўллаш амалиёти натижасида олинган, ўз навбатида улар 326 млн. АҚШ доллари миқдорида мукофотланган.

Арманистон Республикасида коррупциявий жиноятлар ҳақида хабар берувчилар фаолияти “Хабардорлик тизими тўғрисида”ги қонун¹⁵⁷ билан тартибга солинадиган. Қонунда “жамоатчилик ташкилоти” тушунчасига – ходимлари сони ёки штати элликдан ортиқ бўлган давлат хизматларини тартибга солиш соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи ташкилот сифатида таъриф берилган. Унга кўра, хабардор қилиш тизими: ички – бевосита раҳбарига ёки ўзига нисбатан назоратни амалга оширувчи бошқа шахсга ёхуд ваколатли орган раҳбарининг ваколатли шахсига хабар бериш ҳамда ташқи – ваколатли органни хабардор қилишдан иборат. Ички хабардор қилишда ваколатли орган раҳбари ёки унинг ваколатли шахси ўз ваколати доирасида хабарнинг ҳақиқийлигини текшириш пайтида жиноятнинг аниқ белгилари аниқланган бўлса, дарҳол Арманистон Республикаси прокуратурасига хабар бериши шарт. Хабар берувчи шахс ягона электрон ахборот платформаси орқали жиноят тўғрисида маълумотни аноним хабар қилиши мумкин. Интернет протокол манзиллини (Internet Protocol Address) ягона электрон платформа воситасида кодлаш орқали хабар берувчи шахснинг анонимлиги

¹⁵⁶ “Реформы в сфере борьбы с коррупцией в странах Восточной Европы и Центральной Азии”., Отчет ОЭСР., © ОЭСР 2019. 104 б.

¹⁵⁷ Закон Республики Армения “О системе осведомления”, принят 09.06.2017, <http://www.parliament.am/legislation.php?sel=show&ID=5832&lang=rus>

кафолатланади. Платформага Арманистон Республикаси Бош прокуратураси кириши имконияти таъминланади.

Арманистон Республикаси Бош прокуратураси ўз ваколати доирасида ягона электрон платформага киритилган ҳар бир хабарни рўйхатдан ўтказиш, кўриб чиқишни, ваколати доирасида чора-тадбирларни кўришни ва зарур ҳолларда тегишли актни қабул қилишни таъминлайди.

Электрон платформада тақдим этилган ва жиноят белгилари бўлган хабарлар агар унда келтирилган маълумотлар етарли асосга эга бўлса, аниқ мансабдор шахсга ёки органга тааллуқли бўлса ва мантиқий равишда текширилиши керак маълумотларни ўз ичига олган бўлса, “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунда белгиланган тартибда текширилади.

Қозоғистон Республикасида коррупциявий жиноятлар ҳақида хабар берувчилар фаолияти “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги қонун¹⁵⁸ ҳамда Қозоғистон Ҳукуматининг қарори¹⁵⁹ билан тасдиқланган “Коррупция тўғрисида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашда бошқа йўл билан ёрдам берган шахсларни рағбатлантириш қоидалари” билан тартибга солинади. Унга кўра, коррупциявий жиноятлар ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашда ёрдам берган шахслар учун рағбатлантиришлар бир марталик пул мукофоти шаклида белгиланган.

Мазкур қарорга мувофиқ, пора ёки етказилган зарар ёхуд тақдим этилган имтиёз ва хизматларнинг қиймати минг ойлик базавий ҳисоблаш миқдоридан (энг кам иш ҳақи) ошмаган, шунингдек зарар етказилмаган коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар учун: 1) коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги маъмурий ишлар бўйича БҲМ - 30 баравари; 2) коррупцияга оид унча оғир бўлмаган жиноят ишлари бўйича БҲМ - 40 баравари; 3) коррупцияга оид ўртача оғирликдаги жиноят ишлари бўйича БҲМ - 50 баравари; 4) коррупцияга оид оғир жиноят ишлари бўйича БҲМ - 70 баравари; 5) коррупцияга оид ўта оғир жиноят ишлари бўйича БҲМ - 100 баравари миқдорида бир марталик пул тўлови белгиланган.

Пора ёки етказилган зарар ёхуд тақдим этилган имтиёз ва хизматларнинг қиймати **минг** ойлик базавий ҳисоблаш миқдоридан **ошиб** кетган коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар учун бир марталик пул пора, етказилган зарар, кўрсатилган имтиёзлар ёки хизматлар миқдорининг **ўн фоизини**, лекин тўрт минг ойлик БҲМдан ошмайдиган миқдорни ташкил этади. Молиявий рағбатлантириш бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Қирғизистон Республикасида коррупциявий жиноятлар ҳақида хабар берувчилар фаолияти “Коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган шахсларни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун¹⁶⁰ билан тартибга солинади.

¹⁵⁸ Закон Республики Казахстан “О противодействии коррупции” от 18 ноября 2015 года № 410-V ЗРК. <http://adilet.zan.kz/files/docx/232/z1500000410.01-01-2020.rus.docx>

¹⁵⁹ “Правила поощрения лиц, сообщивших о факте коррупционного правонарушения или иным образом оказывающих содействие в противодействии коррупции” утвержден постановлением Правительства Республики Казахстан от 30 декабря 2015 года № 1131, <http://adilet.zan.kz/files/docx/032/p1500001131.04-02-2020.rus.docx>

¹⁶⁰ Закон Кыргызской Республики № 19 “О защите лиц, сообщивших о коррупционных правонарушениях” от 28 января 2019 года, <http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/111829>

Хабар берувчи шахсларга нисбатан давлат ҳимоясини амалга ошириш тўғрисидаги қарор жиноят иши ёки жиноят ҳақидаги ариза (хабар) иш юритувида бўлган суд (судья), прокурор, суриштирув органи раҳбари ёки терговчи томонидан қабул қилинади. Коррупциявий ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган шахсга коррупциявий ҳуқуқбузарлик эвазига ундирилган маблағ ҳисобидан рағбатлантириш тўланади. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик тўғрисида хабар берган шахсларга коррупциявий жиноятлардан ундирилган маблағлар ҳисобидан давлат бюджетига келиб тушган тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини рағбатлантириш учун бериладиган **маблағларнинг учдан бир қисми миқдоридан**, лекин бир миллион сомдан кўп бўлмаган рағбатлантириш пули тўланади.

Латвия Республикасида коррупциявий жиноятлар ҳақида хабар берувчилар фаолияти “Фош этиш тўғрисида”ги (Whistleblowing Law) қонун¹⁶¹ билан тартибга солинади. Қонуннинг ўзига хос жиҳати шундаки, унга кўра қайси ҳолатларда хабар бериш мумкинлиги аниқ акс эттирилган.

Унга кўра: 1) мансабдор шахсларнинг ҳаракатсизлиги ва бепарволиги ёки улар ўз хизмат мавқеини суистеъмол қилганлиги; 2) коррупция; 3) фирибгарлик; 4) давлат ёки жамоат бирлашмасининг мол-мулкни талон-торож қилиш; 5) солиқ тўлашдан бўйин товлаш; 6) аҳоли саломатлигига таҳдид; 7) озиқ-овқат хавфсизлигига таҳдид; 8) қурилиш хавфсизлигига таҳдид; 9) экологик хавфсизликка таҳдид; 10) меҳнат хавфсизлиги таҳдиди; 11) жамоат тартибига таҳдид; 12) инсон ҳуқуқларининг бузилиши; 13) давлат харидлари соҳасидаги ҳуқуқбузарлик; 14) молия ва капитал бозори соҳасидаги ҳуқуқбузарлик; 15) рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳолатларида хабар бериш мумкин. Шунингдек, қонунга асосан хабар бериш тизими ички-идоравий ва ташқи-ваколатли органга хабар беришдан иборат.

Хабар беришнинг ички канали – эллик нафардан ортиқ ходимга эга бўлган жамоат (давлат) ташкилотлари ва хусусий сектор муассасалар ходимларига қонунбузарликлар тўғрисида ишончли хабар бериш ва уларни ҳимоя қилишни кафолатлайдиган тизимини жорий этиши шарт. Ходим меҳнат шартномаси ёки касбий фаолият билан боғлиқ бошқа ҳуқуқий муносабатлар бошланганида ички хабар бериш тизими тўғрисида хабардор қилинади. Хабар берувчи шахсдан олинган маълумотларни қайд этишда унинг шахсий маълумотлари ўрнига таҳаллусини кўрсатиш мажбурийдир.

Литва Республикасида коррупциявий жиноятлар ҳақида хабар берувчилар фаолияти “Хабарчиларни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни¹⁶² ва Литва Ҳукуматининг “Литва Республикаси хабарчиларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ижроси тўғрисида” қарори¹⁶³ билан тартибга солинади. Уларга кўра, ички ва ташқи хабар бериш тизимлари Латвия тизимига ўхшаш

¹⁶¹ Trauksmes celšanas likums, Pieņemts: 11.10.2018. <https://likumi.lv/ta/id/302465-trauksmes-celsanas-likums>

¹⁶² Lietuvos Respublikos Pranešėjų apsaugos įstatymas 2017 m. lapkričio 28 d. Nr. XIII-804 Vilnius. <https://e-seimas.lrs.lt/portal/legalAct/lt/TAD/3832a702d8ea11e782d4fd2c44cc67af?jfwid=-1deuyji1xl>

¹⁶³ Правительство Литовской Республики постановление “О реализации закона о защите уведомителей Республики Литва” 2018 г. 14 ноября №. 1133

қоидаларни назарда тутати, шунингдек унда хабар берувчиларни моддий рағбатлантириш, компенсациялар тўлаб бериш назарда тутилган.

Украинада коррупциявий жиноятлар ҳақида хабар берувчилар фаолияти “Коррупциянинг олдини олиш тўғрисида”ги қонун¹⁶⁴ билан тартибга солинади. Мазкур қонунга асосан, хабар берувчилар ва уларнинг яқин шахслари давлат ҳимояси остида бўлади ва Украинанинг коррупцияга қарши кураш соҳасидаги махсус ваколатли ташкилотлари, давлат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат ҳуқуқи субъектлари ва юридик шахслар, хабар берувчи шахс ўз анонимлигини сақлаши кафолатланган ҳолда хабар (маълумот) беришни амалга ошириши мумкин бўлган аноним алоқа каналларини (онлайн алоқа каналлари, аноним ишонч телефонлари, электрон почта) яратишлари шарт. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг эҳтимолий фактлари тўғрисидаги аноним хабарлар олинган кундан бошлаб 15 кундан ортиқ бўлмаган муддатда текширилиши шарт. Қонунда коррупция ёки коррупция билан боғлиқ эҳтимолий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ички алоқа каналларини яратиш ва мунтазам равишда уларнинг ишлашини таъминлаш, хабар берувчиларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатлари назарда тутилган.

Жиноят предмети ёки давлатга етказилган зарари яшаш минимумининг беш минг бараваридан ортиқ бўлган коррупциявий жиноятлар тўғрисида маълумот берган хабар берувчи шахс рағбатлантириш пули олишга ҳақли. Рағбатлантириш пули коррупциявий жиноят предмети ёки жиноят оқибатида давлатга етказилган зарар миқдорининг **ўн фоизи**, лекин яшаш минимумининг **уч минг бараваридан ортиқ бўлмаган** миқдори ташкил этади.

Давлат солиқ хизмати органларида коррупциявий жиноятларнинг олдини олишда давлат хизматчилари даромадларини декларация қилиш тизимини жорий этиш, шунингдек, давлат хизматини ўташда манфаатлар тўқнашувини ҳал этишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

БМТ Бош Ассамблеясининг 12.12.1996 йилги 51/59-сонли резолюцияси билан тасдиқланган «Давлат мансабдор шахсларининг халқаро одоб-ахлоқ Кодекси»да¹⁶⁵ давлат мансабдор шахслари эгаллаб турган хизмат мавқеъига ва қонунчилик талабига мувофиқ шахсий даромадлари ва мажбуриятлари ҳақида маълумотларни, шунингдек имкон қадар хотини (эри) ва/ёки қарамоғидаги шахсларнинг даромадлари ва мажбуриятлари ҳақида маълумотларни эълон қилиши лозимлиги белгиланган. Давлат хизматчиларининг активлар декларацияси механизми Ғарбий Европа мамлакатларида 1980 йиллардан амалиётга тадбиқ этила бошланган.

Коррупцияга қарши курашда фақат постфактум курашиш етарлича самара бермайди, унга қўшимча тарзда олдини олиш чораларини кўриш керак.

¹⁶⁴ Закон України “Про запобігання корупції” <https://zakon.rada.gov.ua/laws/main/1700-18>

¹⁶⁵ Международный кодекс поведения государственных должностных лиц, содержащийся в приложении к [резолюции 51/59](#) Генеральной Ассамблеи от 12 декабря 1996 года.

Халқаро миқёсда давлатларда активлар декларацияси механизмини амалиётга тадбиқ этиш асосан 3 та босқичда намоён бўлади.¹⁶⁶

Декларацияни халқаро миқёсда ўрганиш бўйича Жаҳон банки ва UNODC томонидан StAR (Ўғирланган мулкларни қайтариш ҳаракати) лойиҳаси доирасида ўтказилган тадқиқотларда декларация механизми учта мақсадга хизмат қилиши кўрсатиб ўтилган:¹⁶⁷

- давлат хизматида коррупция ва манфаатлар тўқнашувларини аниқлаш ва олдини олишга ҳисса қўшиш. Коррупциявий жиноятларни исботлаш нуктаи назаридан декларация механизми соддароқ қарши курашиш механизмидир. Қисқа қилиб айтганда, пора билан ушлаш операцияларини амалга оширишдан кўра сохталаштирилган декларацияда ёлғон маълумотни тақдим этганлигини исботлаш енгилроқ кечади. Давлат хизматчиси коррупциявий жиноят содир этганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилганда декларация далиллардан бири сифатида фойдаланиш мумкин;

- шунингдек, декларация турли ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлар тўқнашувини, яъни мансабдор шахс шахсий манфаатлари йўлида бевосита ёки билвосита жамият манфаатларига зид равишда ҳаракат ёки ҳаракатсизлигини олдиндан назорат қилиш учун аҳамиятга эга;

- давлат хизматига содиқлик ва сотилмаслик муҳитини шакллантиришда хизмат қилади. Биринчи навбатда, мансабдор шахс учун декларацияни тақдим қилиш мажбурияти давлат хизматида фаолият олиб бориш катта маъсулият эканлигини билдиради;

- ҳукуматга жамоатчиликнинг ишончини орттиради. Декларацияни тақдим этиш коррупция ва манфаатлар тўқнашувларининг синчковлик билан назорат қилинишини билдиради. Айниқса уларнинг оммага эълон қилиниши, давлат хизматчилари устидан фуқаролар томонидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш имконини беради.

Қонунда манфаатлар тўқнашуви ҳолати ҳақиқий, кўриниб турган ёки эҳтимолий (потенциал) бўлиши мумкин бўлган вазиятларнинг аниқ тавсифи ҳамда уни ҳал қилиш бўйича тавсиялар берилиши керак.¹⁶⁸

Ҳақиқий манфаатлар тўқнашуви – тушунчаси реал зиддият ҳолатини англатади, кўриниб турган манфаатлар тўқнашуви – аслида мавжуд бўлмаган, бироқ кўринишидан зиддият мавжудлиги ҳолатини англатади, эҳтимолий (потенциал) манфаатлар тўқнашуви ҳозирда мавжуд бўлмаган ва келгусида юз бериши мумкин бўлган манфаатлар тўқнашувини англатади. Ҳар учала турдаги манфаатлар тўқнашуви маълум муносабат чораларини талаб этади.

Давлат секторида “манфаатлар тўқнашувини” олдини олиш ва бошқариш бўйича G20 юқори даражадаги тамойиллари ишлаб чиқилган.¹⁶⁹

¹⁶⁶ Исмаилов Б.И., Исмаилов Б.И. «Хорижий давлатларда мансабдор шахслар активларини декларация қилиш». -Т.: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура Академияси. 2019 й. 62 б.

¹⁶⁷ УНП ООН. Руководство для законодательных органов по осуществлению Конвенции ООН против коррупции. - 2-е изд., исп. и доп. - Нью-Йорк: ООН. - 2012 - С 36.

¹⁶⁸ “Реформы в сфере борьбы с коррупцией в странах Восточной Европы и Центральной Азии”., Отчет ОЭСР., © ОЭСР 2019. 112-118 б.

¹⁶⁹ www.g20.utoronto.ca/2018/adopted_hlps_on_coi.pdf.

Манфаатлар тўқнашуви қоидаларини бузганлик учун мутаносиб ва самарали жазо чоралари белгиланиши керак. Айни вақтда интизомий ва маъмурий жавобгарлик чоралари кенг тарқалган бўлсада, Австрия, Латвия, Польша, Буюк Британия, Италия, Ирландия, Франция, Словакия каби баъзи давлатлар манфаатлар тўқнашувини ҳал қилмаслик ёки таъқиқланган совғани қабул қилиш, маълумотларни ошкор этиш қоидасини бузиш, капиталда иштирок ҳақида нотўғри декларация бериш ёки давлат хизматидан сўнг пуллик рағбатлантириш олиш мақсадида ишга қабул қилиш қоидаларини бузиш каби ҳуқуқбузарликлар учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган.¹⁷⁰

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сонли фармони 7-бандига асосан Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва мутасадди идораларга уч ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига “муайян тоифадаги давлат хизматчиларининг мулки ва даромадларини декларация қилиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш бўйича таклифлар киритиш” топширилган.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг 2019 йилги “Шарқий Европа ва Марказий Осиёда коррупцияга қарши ислохотлар” ҳисоботида коррупцияни олдини олишда мол-мулклар ва манфаатлар декларациялари бўйича қўйидаги тавсиялар берилган:¹⁷¹

1. Камида тайинланган ёки сайланган юқори даражали ва сиёсий мансабдор шахслар, шунингдек, юқори хавфли соҳаларда ишлайдиган ёки юқори хавфли функцияларни бажарадиган шахслар учун мол-мулклар ва манфаатлар тўғрисида ҳар томонлама ошкор қилишни таъминлаш;

2. Декларация шакли билан қамраб олинган маълумотлар манфаатлар тўқнашуви, ноқонуний бойлик ортириш, даромадлар манбаи, молиявий мажбуриятлар ва харажатлар каби барча турдаги даромадларни аниқлаш даражасида бўлишини таъминлаш лозим. Декларацияга компаниялар, жамғармалар ва мол-мулклардаги якуний фойда кўрувчи бенифициар шахсга оид маълумотларни ошкор қилишни киритиш;

3. Молиявий маълумотларни ошкор қилиш ариза берувчининг оила аъзолари (турмуш ўртоқлари ва бирга яшовчилари) мулклари ва манфаатларини қамраб олиши керак;

4. Мол-мулкларни декларациялаш билан боғлиқ қоидабузарликлар учун (камида интизомий ва маъмурий) санкцияларни назарда тутиш. Муҳим аҳамиятга эга мол-мулклар тўғрисидаги қасддан ёлғон ёки тўлиқ бўлмаган маълумотни тақдим этганлик учун жиноий жавобгарлик белгилаш лозим;

5. Мол-мулклар ва манфаатлар декларацияси талабларига риоя этилишини марказлаштирилган ҳолда мувофиқлаштириш, мониторинг ва назорат қилинишини таъминлаш;

¹⁷⁰ ОЭСР / SIGMA (2007), Политика и практика в отношении конфликта интересов в девяти государствах-членах ЕС: сравнительный обзор. www.oecd-ilibrary.org/docserver/oecd_papers-v7-art4-en.pdf.

¹⁷¹ “Реформы в сфере борьбы с коррупцией в странах Восточной Европы и Центральной Азии”, Отчет ОЭСР., © ОЭСР 2019. 148-152 б.

6. Масъул органга ўз функцияларини мустақил бажариш учун зарур ваколатлар ва манбалар ажратиб бериш;

7. Мол-мулклар ва манфаатлар декларациясини текшириш учун масъул органнинг бошқа давлат органларининг маълумотларидан фойдаланиши, уларнинг маълумотлар базаларига автоматик киришга ва ўз мақсадларини тўлиқ бажариш учун зарур бўлган воситаларга эга бўлишини таъминлаш;

8. Мол-мулклар ва манфаатлар декларациялари шакллари топшириш ва эълон қилишнинг электрон тизимини жорий этиш. Тизимнинг қулай ва хавфсиз бўлишини таъминлаш. Электрон декларациялар ва бошқа тегишли давлат регистрлари ва маълумотлар базалари билан текширувларни амалга ошириш учун хавфларни автоматлаштирилган таҳлилни жорий этиш;

9. Декларацияларни, шу жумладан очик маълумотлар форматида (машинадан ўқиладиган) онлайн эълон қилишни таъминлаш. Эълон бўйича ҳар қандай чекловлар қонунда тор доирада ва аниқ белгиланган бўлиши, бу махфийлик ва шахсий хавфсизликни ҳимоя қилиш учун зарур чораларни ўз ичига олиши керак. Самарали жамоатчилик назоратини таъминлаш учун маълумотлар бўйича кенг қидирувни таъминлаш;

10. Декларацияларнинг турли сабабларга кўра, шу жумладан «Қизил байроқлар» фуқароларнинг шикоятлари ва ОАВ хабарлари таҳлили натижасида аниқланган юқори даражадаги хавфли позициялар бўйича тўлиқ текширилишини (аудитини) таъминлаш. Устуворликни асосан юқори даражадаги хатарлар билан боғлиқ декларацияларни текширишга қаратиш;

11. Қонунбузарлик сифатида кўрилган ҳолатлар бўйича ҳолис ва шаффоф текширув ва муҳокамалар ўтказиб, асослантилган қарорларни қабул қилиш ва ошкора эълон қилиш;

12. Активлар ва манфаатларни ошкор этилишини таъминлашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан самарали ҳамкорликни таъминлаш, ушбу соҳада сиёсатни режалаштириш ва амалга ошириш учун маъмурий ва тадқиқот маълумотларини тўплаш, таҳлил қилиш ва эълон қилиш.

Юқорида қайд этилганлардан келиб чиқиб, “Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ хизмати ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари”ни тубдан қайта кўриб чиқиш ва уни такомиллаштиришда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратишни ва ҳисобга олишни тақлиф этамиз:

- давлат хизматчилари бажариши керак бўлган ахлоқ ва ҳалоллик меъёрларини аниқлаштириш, уларга ушбу стандартларни амалга оширишда ёрдам бериш ҳамда фуқароларни давлат хизматчиларидан қандай хатти-ҳаракатлар кутишга ҳақли эканликлари тўғрисида хабардор қилиш;

- давлат хизматчиси ва мансабдор шахс фаолиятининг асосий мақсади Ўзбекистон халқига хизмат қилиш эканлигини, улар фуқароларнинг давлат органларига бўлган ишончини сақлаш ва мустаҳкамлаш мақсадида ўзини муносиб тутишга мажбурлигини қайд этиш;

- давлат хизматида қабул қилишда талабгор шахс қоидалар билан танишганлиги ҳақида тилхат олиниб, шахсий йиғмажилдига кўшиш, мансаб вазифа ва функцияларига мувофиқ равишда малакаси, билим ва кўникмаларини

доимий равишда ошириб бориш, касбий ва маданий савиясини ошириш, давлат рамзларига хурмат билан муносабатда бўлиш, мансаб вазифаларини бажаришда давлат тилидан фойдаланиш бўйича талаблар ўрнатиш;

- солиқ қонунчилиги талабларига риоя қилинишига халақит берадиган ҳомийлик, воситачилик, ҳамкорлик кўмаги ёки маслаҳатнинг ҳар қандай кўринишидан қочиш, ўзининг хатти-ҳаракатлари билан ўзини бирор бир шахс олдида қарам бўлиш ҳолатига йўл қўймаслик, ортикча ваъдалардан қочиш, сўзнинг қиймати ва келгусида бу ваъда қандай салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини англаш бўйича коррупциянинг олдини олишга қаратилган тўғридан-тўғри талабларни белгилаш;

- ходимлар солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўз муддатида тўлаш орқали шахсий намуна кўрсатишга, бошқа ходимлар учун фойдали касбига алоқадор мавзулар ва тажрибаси бўйича маълумот беришга мажбур эканлигини қайд этиш ҳамда мазкур талабларга риоя этилиши устидан одоб-ахлоқ комиссияси томонидан назорат ўрнатишни жорий этиш;

- давлат хизматчилари учун халқаро муносабатларда (конференция, семинар, ўқиш, хизмат сафари ва б.) ўзини тутиш, улар томонидан ифода этилаётган давлат органи ҳамда давлатнинг обрўси ва нуфузига путур етказмаслик бўйича талаблар белгилаш;

- одоб-ахлоқ қоидаларини ҳеч бир истисносиз барча ходимларга (бошқарув ва техник) қўллашни, ходимда раҳбари томонидан берилган топшириқ, буйруқ (фармойиш) қонунийлигига шубҳа пайдо бўлса, унинг ёзма тасдиғини талаб қилиши бўйича қоидаларни белгилаш.

Шунингдек, давлат солиқ хизмати органларида коррупцияга оид жиноятларнинг олдини олиш мақсадида халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибада кенг қўлланиб келаётган қуйидаги институтларни миллий қонунчиликка киритиш ва кенг жорий этиш ўз самарасини беради:

- Қонун ёки Ҳукумат қарори билан тасдиқланадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат шаклида давлат солиқ хизмати ходимлари хизмат интизомини бузганлиги факти бўйича хизмат текшируви ўтказиш тартибини белгилаш;

- Давлат солиқ хизматида ишга қабул қилишда, аттестациядан ўтишда, хизмат текшируви ўтказиш вақтида ходимларни мажбурий полиграф текширувидан ўтиш тартибини жорий этиш ва полиграфдан фойдаланиш тартибини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш;

- Давлат органларида профессионал пок виждонлик муҳитини яратиш, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, коррупция хавфини аниқлаш, баҳолаш ва бартараф қилиш, коррупция ҳолатлари фош этилишини кучайтириш мақсадида хорижий давлатларда қўлланиб келаётган “ҳалоллик текшируви” институтини миллий қонунчиликка киритиш ҳамда дастлабки босқичда бу текширувни давлат солиқ хизмати органларига жорий этиш;

- Коррупция ҳолатлари ҳақида хабар берувчи шахсларни ҳимоя қилиш бўйича қонунчиликни халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибага мувофиқ, хабар беришнинг аниқ тартиблари ва барча иш берувчиларга (давлат ёки хусусий) хавфсиз хабар бериш учун ички ва ташқи каналларини яратиш бўйича мажбуриятлар, ҳеч қандай истисносиз хабар берувчиларни жиноий ва

фуқаролик процесларида ҳимоя қилиш, уларни ҳуқуқий ва психологик қўллаб-қувватлаш, моддий рағбатлантириш, хабар берувчилардан ўч олувчи ёки фош этишига тўсқинлик қилишга ёхуд уларнинг шахсини ошкор этишга уриниш ҳолатларига нисбатан жазо санкциялари белгилаш, уларни ҳимоя қилиш бўйича мустақил орган ташкил этиш, хабар берувчиларга бошқа давлатда бошпана олиш ҳуқуқини бериш каби талабларни киритиб такомиллаштириш;

- Давлат солиқ хизмати органларига давлат хизматчилари даромадларини декларация қилиш тизимини жорий этиш, мазкур қонунчилик талаблари бузилиши ҳолатларига нисбатан жазо санкцияларини киритиш, шунингдек, давлат хизматини ўташда манфаатлар тўқнашувини ҳал этишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш.

ХУЛОСА

Олиб борилган тадқиқот натижасида қуйидаги назарий ва илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган хулосаларга келинди:

I. Илмий-назарий таклифлар:

1. Қонунчиликда “коррупцияга оид жиноятлар” тушунчасига расмий таъриф беришнинг зарурати йўқлиги, бу тушунчанинг мазмуни “коррупция” ва “коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик” тушунчаларига расмий таъриф бериш орқали очиб берилганлиги, ҳозирги вақтда лойиҳаси ишлаб чиқиляётган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига коррупцияга оид жиноятларни алоҳида бобга мужассамлаштириш зарурлиги халқаро стандартлар ва хорижий тажрибадан келиб чиққан ҳолда илмий ва амалий жиҳатдан асослантилди.

II. Қонунчиликни такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар:

2. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августдаги «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги қонунини такомиллаштириш бўйича қуйидаги таклифлар илгари сурилди:

а) 3-модда биринчи қисмидаги «шунингдек туманлар, шаҳарлар ва шаҳардаги туманлар давлат солиқ инспекциялари» деган сўзлардан кейин «ва йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекцияси» деган қўшимчани киритиш; иккинчи қисмида «махсус назорат-тафтиш бўлинмаси, шунингдек давлат солиқ хизмати органларида режим ва ходимлар билан ишлаш бўйича махсус бўлинма» деган сўзларни «ички аудит бошқармаси, шунингдек ўз хавфсизлиги бошқармаси» деган сўзлар билан алмаштириш;

б) 5-модда 15-бандидаги «ҳисобот даври учун бюджетга тўланиши лозим бўлган юридик шахслардан олинган фойда солиғи» деган сўзлардан кейин «сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ва мол-мулк солиғи» деган қўшимчани киритиш; 15-банднинг давомида «жорий тўловларни юридик шахслардан олинган фойда солиғининг ҳақиқий суммасидан келиб чиқиб» деган сўзларни «жорий тўловларни ушбу солиқларнинг ҳақиқий суммасидан келиб чиқиб» деган сўзлар билан алмаштириш;

в) 5-модда 16-бандидаги «қисқа муддатли» деган сўзларни чиқариш;

г) 6-модда 20-бандини («ундирувни солиқ тўловчига унинг дебиторларидан ўтказилиши лозим бўлган суммага қаратиши») чиқариш;

д) 7-модда олтинчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш:

«Банк томонидан солиқ (йўғим), бўнак тўлови, пеня ва жарима суммасини ўтказиш тўғрисидаги солиқ тўловчининг топшириқномасини, солиқ органининг инкассо топшириқномасини бажармаслик (бажарилишини кечиктириш) – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаштириш ставкасининг бир юз эллиқдан бир қисми миқдорида, лекин кечиктирилган ҳар бир календарь кун учун ўтказилмаган сумма бир фоизининг бешдан бир қисмидан кўп бўлмаган миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.»;

е) 10-модда учинчи қисмидаги «давлат солиқ инспекцияларининг бошлиқлари» деган сўзлардан кейин «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар

ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари Ички аудит бошқармаси ва Ўз хавфсизлиги бошқармаси бўлимлари ходимларини, Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекцияси бошлиғи ва бошлиқ ўринбосарлари, Ҳудудлараро инспекция Ўз хавфсизлиги бошқармаси бўлимлари ходимлари» деган қўшимчани киритиш.

3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси нормаларини такомиллаштириш бўйича:

39¹-модда 11-бандидаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитасининг Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари» деган сўзларни «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ хизмати органлари» деган сўзлар билан алмаштириш таклиф этилди.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 апрелдаги 320-сон қарори иловаси билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси тўғрисида Низом”нинг нормаларини такомиллаштириш бўйича:

Низомнинг 14-банди 34-хатбошисидаги «қиска муддатли» деган сўзларни чиқариш таклиф этилди.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 апрелдаги 320-сон қарори иловаси билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органларида хизматни ўташ тўғрисида Низом”нинг нормаларини такомиллаштириш бўйича:

Низомнинг 24-бандидаги «шунингдек, формали кийим-бош кийиб юришга» деган сўзларни чиқариш таклиф этилди.

6. «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ хизмати ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари» лойиҳаси амалдаги қоидаларда мавжуд коллизия нормалар ва бўшлиқлар бартараф этилган ҳолда халқаро стандартлар ва қонунчилик нормаларига мувофиқ янги таҳрирда ишлаб чиқилди.

Давлат солиқ хизмати ходимлари бажариши керак бўлган ахлоқ ва ҳалоллик меъёрлари аниқлаштирилиб, қоидаларнинг мақсади давлат солиқ хизмати ходимларига ўз хатти-ҳаракатлари бўйича қўлланма бериш, шунингдек фуқароларни солиқ ходимларидан қандай хатти-ҳаракатлар кутишга ҳақли эканликлари тўғрисида хабардор қилиш этиб белгиланди.

Давлат солиқ хизмати ходимлари фуқароларнинг давлат органларига бўлган ишончини сақлаш ва мустаҳкамлаш мақсадида ўзини муносиб тутиши, мансаб вазифа ва функцияларига мувофиқ равишда малакаси, билим ва кўникмаларини, касбий ва маданий савиясини доимий ошириб бориши, давлат рамзларига ҳурмат билан муносабатда бўлиши, вазифаларини бажаришда давлат тилидан фойдаланиши, барча ходимлар солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўз муддатида тўлаш орқали шахсий намуна кўрсатиши, бошқа ходимлар учун фойдали касбига алоқадор мавзулар ва тажрибаси бўйича маълумот бериш юзасидан мажбурий талаблар ўрнатилди.

Айниқса, солиқ қонунчилиги талабларига риоя қилинишига ҳалақит берадиган ҳомийлик, воситачилик, ҳамкорлик кўмаги ёки маслаҳатнинг ҳар

қандай кўринишидан қочиш, ўзининг хатти-ҳаракатлари билан ўзини бирор бир шахс олдида қарам бўлиш ҳолатига йўл қўймаслик, ортиқча ваъдалардан қочиш, сўзнинг қиймати ва келгусида бу ваъда қандай салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини англаши бўйича коррупциянинг олдини олишга қаратилган тўғридан-тўғри талаблар белгиланди.

7. Арманистоннинг ижобий тажрибасидан келиб чиққан ҳолда давлат солиқ хизмати органлари мансабдор шахслари ва ходимларига нисбатан мажбуриятларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун солиқ тўловчиларга ортиқча ёки кам ҳисобланган солиқ миқдоридан келиб чиққан ҳолда дифференциаллашган моддий жавобгарлик чораларини белгилаш ва амалиётга жорий этиш коррупция, суиистеъмолчилик ва тамагирлик ҳолатларини олдини олишга хизмат қилади.

8. Давлат солиқ хизмати ходимларига хизмат вазифаларини бажаришда дискрецион ваколатларни амалга ошириш учун имконият яратиб бераётган шарт-шароитларга барҳам бериш мақсадида Молдова, Украина, Қозоғистон тажрибасидан келиб чиқиб, давлат органларида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш; миллий хавфсизлик манфаатларига таҳдид солувчи шахслар давлат лавозимини эгаллашининг олдини олиш; давлат лавозимидаги шахслар ва номзодларнинг қабул қилиш талабларига мувофиқлиги ва қонун ҳужжатларида белгиланган чекловларга риоя қилиш даражасини аниқлаш учун махсус текширув ўтказиш тартибини белгиловчи қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва шу асосда Давлат солиқ хизмати органларига инспекторлик ва раҳбарлик лавозимлари учун номзодларни танлашда махсус текширув ўтказишнинг қонуний тартибини жорий этиш зарур.

9. Эстония, Украина, Арманистон ва Қирғизистоннинг ижобий тажрибасидан келиб чиққан ҳолда қонун ёки ҳукумат қарори билан тасдиқланадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат шаклида давлат солиқ хизмати ходимлари хизмат интизомини бузганлиги факти бўйича хизмат текшируви ўтказишнинг қонуний тартибини белгилаш лозим бўлади.

10. Молдова, Украина, Қозоғистон ва Қирғизистон тажрибасидан келиб чиққан ҳолда Давлат солиқ хизматига ишга қабул қилишда, аттестациядан ўтишда, хизмат текшируви ўтказиш вақтида ходимларни мажбурий полиграф текширувидан ўтиш тартибини жорий этиш ва полиграфдан фойдаланиш тартибини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш зарур.

11. АҚШ, Буюк Британия, Австралия, Руминия, Венгрия, Чехия, Молдова, Грузия тажрибасидан келиб чиққан ҳолда давлат органларида профессионал пок виждонлик муҳитини яратиш, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, коррупция хавфини аниқлаш, баҳолаш ва бартараф қилиш, коррупция ҳолатлари фош этилишини кучайтириш мақсадида хорижий давлатларда қўлланиб келаётган “ҳалоллик текшируви” институтини миллий қонунчиликка киритиш ҳамда дастлабки босқичда бу текширувни давлат солиқ хизмати органларига жорий этиш лозим бўлади. “Ҳалоллик текшируви” тўғридан-тўғри давлат хизматчилари лавозим мажбуриятларини бажаришда қонунчиликка риоя қилишини тасодифий ташқи текширишга асосланган ва унда мансабдор шахслар тасаввурида ҳар қандай ноқонуний

таклиф “ҳалолликни текшириш” бўлиши мумкинлиги ҳақида тасаввур юзага келади, пассив коррупцияни эҳтимолий аниқланиш (фош бўлиш) хавфини ошириш орқали коррупцияни олдини олиш, шунингдек коррупцияга мойил бўлган мансабдор шахсларни ёки тармоқларни аниқлаш мумкин бўлади. Энг асосийси, айни вақтдаги фош этилган актив ва пассив коррупция ҳолатлари сони ўртасидаги кескин дисбаланс бартараф этилиб, коррупция ҳолатларида фуқаролар, яъни актив таклиф томони эмас, балки, мансабдор шахслар, яъни пассив томон фош этилиб, тегишли чоралар кўрилади. Бу орқали ўз навбатида, келгусида давлат солиқ хизмати органлари ходимларига корпоратив этикани сингдиришга, жамияда коррупция ҳолатларини кескин камайишига ҳамда фуқароларнинг давлат органларига бўлган ишончини ортишига эришилади.

12. Коррупция ҳолатлари ҳақида хабар берувчи шахсларни ҳимоя қилиш бўйича қонунчиликни халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибага мувофиқ, хабар беришнинг аниқ тартиблари ва барча иш берувчиларга (давлат ёки хусусий) хавфсиз хабар бериш учун ички ва ташқи каналларини яратиш бўйича мажбуриятлар, ҳеч қандай истисносиз хабар берувчиларни жиноий ва фуқаролик процесларида ҳимоя қилиш, уларни ҳуқуқий ва психологик қўллаб-қувватлаш, моддий рағбатлантириш, хабар берувчилардан ўч олувчи ёки фош этишига тўсқинлик қилишга ёхуд уларнинг шахсини ошкор этишга уриниш ҳолатларига нисбатан жазо санкциялари белгилаш, уларни ҳимоя қилиш бўйича мустақил орган ташкил этиш, хабар берувчиларга бошқа давлатда бошпана олиш ҳуқуқини бериш каби талабларни киритиб такомиллаштириш.

13. Давлат хизматчилари даромадларини декларация қилиш тизимини давлат солиқ хизмати органлари ходимлари учун ҳам жорий этиш, мазкур қонунчилик талаблари бузилиши ҳолатларига нисбатан жазо санкцияларини киритиш, шунингдек, давлат хизматини ўташда манфаатлар тўқнашувини ҳал этишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, даромадлари ҳақида декларация топширмаслик ҳолати бўйича ходимни эгаллаб турган лавозимидан озод этиш асосларини қонунчиликка киритиш лозим бўлади.

Ш. Давлат солиқ хизмати органларида коррупцияга оид жиноятларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар, илмий-амалий хулоса ва тавсиялар:

14. Грузия тажрибасидан келиб чиқиб, барча даражадаги давлат солиқ хизмати идораларига ва ходимларнинг хизмат хоналарига кузатув камералари ўрнатиш, ситуатцион марказ ташкил этиш орқали уларни реал вақт режимида кузатиш ва қайд этиб бориш тизимини жорий этиш зарур.

15. Қозоғистон тажрибасидан келиб чиқиб, солиқ текширувларини ўтказиш вақтида ҳуқуқбузарлик фактини тасдиқлаш учун фото, аудио ва видео ёзувларни амалга ошириш бўйича мажбуриятларни белгилаш, бунда давлат солиқ хизмати органлари ходимлари ўз хизмат вазифаларини мобиль видеокамерадан фойдаланган ҳолда ошкора олиб бориши, солиқ тўловчиларга мобиль видеокамерадан фойдаланаётганини маълум қилиш ва келгусида ноқонуний хатти-ҳаракатлар содир этса, айбини исботлаш учун видео ёзувдан

фойдаланиши мумкинлиги ҳақида уларни огоҳлантириш тартибини жорий этиш ҳақида қонунчиликка ўзгартиришлар киритиш лозим бўлади.

16. Латвия, Эстония, Молдова, Грузия, Украина, Арманистон, Озарбайжон, Қозоғистон тажрибасидан келиб чиқиб, давлат солиқ хизмати органларининг ички хавфсизлик тармоқларида коррупция ҳолатлари тўғрисида, шу жумладан аноним хабарлар олиш учун янги каналлар ташкил этиш ва фойдаланиш; ички хавфсизлик тармоқлари назорат функциялари самарадорлигини ошириш мақсадида уларга тезкор қидирув фаолиятини амалга ошириш ваколатини бериш таклиф этилади.

17. Буюк Британия, Германия, Канада, Нидерландия ва Кореянинг ижобий тажрибасидан келиб чиқиб, давлат томонидан солиқ органларини режали равишда замонавий ахборот-коммуникация технологиялар билан таъминлаш, тизимга эксперт билимлар, инновациялар олиб кириш мақсадида олимлар билан узоқ муддатли муносабатлар ўрнатиш ҳамда солиқ хизмати органлари ва бошқа давлат органлари ўртасида ўзаро маълумотлар айирбошлаш субъектлари доирасини кенгайтириш таклиф этилади.

18. Солиқ инспекторларига жамоат транспортдан бепул фойдаланиш; давлат солиқ хизмати органларига ўз хизмат вазифаларини бажаришлари учун давлат солиқ хизмати ёзуви тушурилган ва устуворлик берилган махсус автотранспорт воситаларидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш, шу жумладан, мансублигини англатувчи махсус чироқли сигналларга ҳамда махсус техник жиҳоз (рация, сирена, товуш чиқариш мосламалари, ёритгичлар ва бошқалар)лар ўрнатишга рухсат бериш лозим бўлади.

19. Солиқ муносабатлари соҳасидаги айрим ваколатларни Ҳисоб палатаси ҳамда Молия вазирлигида такрорланишига барҳам бериш ва бунга мутлақо йўл қўймаслик лозим бўлади. Чунки, ваколатларни амалга оширишдаги такрорийлик барча ҳолларда масъул органлар томонидан тегишли вазифаларни ижро этишда чалкашликларга олиб келади ва натижаси учун тарафлар ҳар қандай жавобгарликдан озод бўлиш имконига эга бўлади.

20. Беларусь Республикаси тажрибасидан келиб чиқиб, давлат солиқ хизмати органларига қарздор солиқ тўловчиларни республикадан чиқишини вақтинча чеклаш бўйича ваколатли органларга таклиф киритиш ҳуқуқини бериш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

21. Испания ва Япониянинг ижобий тажрибасидан келиб чиққан ҳолда солиқ тўловчиларга даромад (фойда) солиғи бўйича ўзлари тўлаган сумманинг маълум бир қисмини (1%) ўз ихтиёрларига кўра хайрия мақсадлари ёки муайян бир ҳудудни ривожлантиришга йўналтириш ҳуқуқини бериш лозим.

22. Ирландиянинг ижобий тажрибасидан келиб чиққан ҳолда солиқ органлари томонидан мунтазам равишда соҳани такомиллаштириш юзасидан тадқиқот ва сўровлар ўтказиш зарур. Бу давлат солиқ хизмати органларининг стратегик мақсад ва вазифаларига эришиш учун ходимлар ўз хизмат фаолияти самарадорлигини оширишига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенцияси. Нью-Йорк, 2004 йил. 18 б.
2. Конвенция о гражданско-правовой ответственности за коррупцию (Страсбург, 4 ноября 1999 года). <https://www.coe.int/ru/web/conventions/full-list/-/conventions/rms/090000168007f58c>
3. Конвенция Организации Объединенных Наций против коррупции (Принята резолюцией 58/4 Генеральной Ассамблеи от 31 октября 2003 года) https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/corruption.shtml
4. Конвенция об уголовной ответственности за коррупцию (Страсбург, 27 января 1999 год). <https://www.coe.int/ru/web/conventions/full-list/-/conventions/rms/090000168007f58c>
5. Рекомендация N R(2000)10 Комитета министров Совета Европы о кодексах поведения для государственных служащих (принята на 106-й сессии 11 мая 2000 года). www.coe.int/corruption.
6. Совет Европы, Парламентская ассамблея, Резолюция 2300 (2019), Улучшение защиты информаторов по всей Европе, 1 октября 2019 г. <http://assembly.coe.int/nw/xml/XRef/Xref-XML2HTML-en.asp?fileid=28150&lang=en>.
7. Совет Европы, Комитет министров, Рекомендация CM / Rec (2014) 7 «О защите осведомителей». <https://rm.coe.int/16807096c7>.
8. Position of the European Parliament with a view to the adoption of Directive (EU) 2019/... of the European Parliament and of the Council on the protection of persons who report breaches of Union law https://www.europarl.europa.eu/doceo/document/TC1-COD-2018-0106_EN.pdf
9. Международный кодекс поведения государственных должностных лиц, содержащийся в приложении к [резолюции 51/59](#) Генеральной Ассамблеи от 12 декабря 1996 года.

<https://undocs.org/ru/A/RES/51/59>

10. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – 76 б.

11. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (янги таҳрири).
<https://lex.uz/docs/4674902>

12. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси.
<https://lex.uz/docs/111453>

13. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августдаги “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги 474-I-сонли Қонуни. <https://lex.uz/docs/40158>

14. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” Қонуни. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 1-сон, 2-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.01.2019 й., 03/19/516/2484-сон; 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон).

15. Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни.
<http://lex.uz/docs/106197>

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 18 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Давлат солиқ Бош бошқармасини Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига айлантириш тўғрисида”ги ПФ–744-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/195755>

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги “Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ–5116-сонли фармони. <https://lex.uz/docs/3271159>

18. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 29-сон, 684-модда. (Солиқ тўловчининг шахсий кабинетидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом).

19. Бош прокуратура, Олий суд, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги ва Давлат божхона қўмитасининг 30.12.2018 йилдаги қўшма қарори билан тасдиқланган “Электрон жиноий-ҳуқуқий статистика ягона ахборот тизимини юритиш тартиби тўғрисида Низом”

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 июндаги “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3802-сонли қарори. <https://lex.uz/docs/3796072>

21. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.07.2019 й., 07/19/4389/3409-сон. (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4389-сонли қарори)

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 майдаги “Бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини тубдан ошириш ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5446-сон фармони. <http://lex.uz/docs/3743214>

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5969-сонли фармони. <http://uza.uz/oz/documents/koronavirus-pandemiyasi-va-global-in-iroz-olatlarning-i-tis-20-03-2020>

24. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 апрелдаги “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 320-сон қарори. <https://lex.uz/docs/4290724>

25. Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартдаги 62-сон қарори иловаси билан “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидалари” <https://lex.uz/docs/2911869>

26. Давлат солиқ қўмитасининг 15.04.2016 йилдаги 155-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари”.

27. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил

27 майдаги ПФ-5729-сон Фармони билан тасдиқланган “2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш Давлат дастури”. <https://lex.uz/docs/4355387>

28. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёвнинг 2020 йил 24 январь куни Олий Мажлисга йўллаган мурожаатномаси. <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>

II. Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар

29. Исмаилов Б.И., Исмаилов Б.И. «Хорижий давлатларда мансабдор шахслар активларини декларация қилиш». -Т.: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура Академияси. 2019 й. 62 б.

30. “Коррупция билан боғлиқ жиноятлар профилактикасининг ҳуқуқий тартибга солиниши ва уни ривожлантириш масалалари”. Г.Б.Нурмухаммедова, Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали №4 2020, 75-77 б. <https://tadqiqot.uz/wp-content/uploads/2020/02/huquq-2020-04.pdf>

31. И.А.Эргашев, “Солиқ маъмуриятчилиги ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш”. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори диссертацияси. Тошкент: 2019 й. 39-40 б.

32. Урмонов Ж.Ж. Тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш масалалари: Монография / Т.: —Iqtisod-Moliya, – 2018. – Б. 168.

33. Ш.Р.Қобилов, “Коррупцияга қарши кураш: иқтисодий, маънавий-маърифий чоралари ва йўллари” монография “Ўқитувчи” НМИУ2018. 74-75 б.

34. Р.А.Зуфаров, “Порахўрликка қарши курашнинг жиноий ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари: назария ва амалиёт”. Юридик фанлари доктори диссертацияси. Тошкент: 2005 й. 124-127 б.

35. У.Ш.Хусаинов, “Давлат ҳокимияти фаолиятида ротация институтининг конституциявий-ҳуқуқий асослари”. Юридик фанлари номзоди диссертацияси. Тошкент: 2010 й. 139-145 б.

36. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар Академияси томонидан чиқарилган “Коррупция жиноятлари учун жавобгарлик” ўқув қўлланма. Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. – 85 б.

37. Қ.Тўхсанов “Солиқ тарихи ва назарияси фанидан маърузалар матни”, “Тошкент -2012”, 16-17 в.

38. Жўраев А.С. Солиқ маъмурчилиги - солиқ сиёсатининг асосий йўналиши сифатида. “Халқаро молия ва ҳисоб” электрон журнали. № 2, октябрь, 2016 йил.

39. Мамадаминов Н. Солиқ рискларини бошқаришнинг халқаро тажрибаси. // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 1, январь-февраль, 2019 йил. – Б. 17-18.

40. Жиноят ҳукуқи. Умумий қисм. Дарслик. / М.А.Абдуҳолиқов, Б.Д.Ахраров ва бошқ. М.Усмоналиев умумий таҳрири остида. – Тошкент: Адолат, 1998. – Б. 77-78.

41. Абдурасулова Қ.Р. Жиноятнинг махсус субъекти. Ўқув қўлланма. - Тошкент: ТДЮИ, 2005. – Б. 6.

42. McClellan Chandler B., The Consequences of Poor Tax Administration: Collections, Growth, and Corruption. Dissertation, Georgia State University, Doctor of Philosophy in Economy, USA, 2013. P.10 (Макклеллан Чэндлер. Самарасиз солиқ маъмуриятчилигининг оқибатлари: йиғимлар, ўсиш ва коррупция. Диссертация Жоржия штати университети.)
https://scholarworks.gsu.edu/cgi/viewcontent.cgi?article=1090&context=econ_diss

43. Konstantin Pashev. Corruption and tax compliance/challenges to tax policy and administration. <https://www.files.ethz.ch/isn/28963/6.pdf>

44. Integrated Information Corruption in tax Administration: Interviews with Experts Nikolaos P. Antonakasa, Antonios E. Giokasb and Nikolaos Konstantopoulosc a University of the Aegean, Dept of Mediterranean Studies, Ph. D. Candidate, 1 Dimokratias Ave.,85100 Rhodes Greece b University of The Peloponnese, Department of Economics, 221 00 Tripolis, Greece c University of the

Aegean. <https://sci-hub.tw/10.1016/j.sbspro.2013.02.094>

45. Eradicating Inequalities in Development by Impoverishment and Social Sanction for Tax Corruption Abdul Rahman School of Public Administration, National Institute of Public Administration Jl. Cimandiri No. 34-38, Citarum, Kota Bandung, Indonesia 40115. <https://sci-hub.tw/10.1051/e3sconf/20187310007>

46. Integrated Information Corruption in tax Administration: Interviews with Experts Nikolaos P. Antonakasa, Antonios E. Giokasb and Nikolaos Konstantopoulosc a University of the Aegean, Dept of Mediterranean Studies, Ph. D. Candidate, 1 Dimokratias Ave., <https://sci-hub.tw/10.1016/j.sbspro.2013.02.094>

47. Risk-based tax audits : approaches and country experiences / Munawer Sultan Khwaja, Rajul Awasthi, and Jan Loerprick, editors, 2011, page 20.

48. Поветкина Н.А. и др., “Мониторинг коррупциогенных факторов и эффективности мер по предупреждению коррупционных правонарушений в налоговых органах». Институт законодательства и сравнительного правоведения при Правительстве Российской Федерации, г. Москва, Российская Федерация. Всероссийский криминологический журнал. 2018. Т. 12, № 5. С. 641–650

49. Купратая А. В. Понятие и виды коррупционных правонарушений // Актуальные проблемы права, экономики и управления. 2016. № 12. С.133.

50. Ивлева О.А., “Коррупция в налоговых органах”, Проблемы противодействия коррупции на государственной и муниципальной службе и пути их решения в современной России: сборник докладов молодых ученых, аспирантов и студентов – участников круглого стола с международным участием. Ростовна-Дону, 17 февраля 2018 г. Ростов н/Д: Изд-во ЮРИУ РАНХиГС, 2018. Том 2. – 94 с.

51. Макаров В.В., “Коррупция как угроза экономической безопасности России”. Диссертация на степени кандидата экономических наук., 2008.

52. А. Банерджи, Р. Ханна и С. Муляйнатан, Коррупция, 2011 г. [A. Banerjee, R. Hanna and S. Mullainathan (2011), *Corruption*]. economics.mit.edu.

53. Илий С. К. Административные правонарушения коррупционной направленности // Административное и муниципальное право. 2015. № 5. С.462.

54. Р. Э. Клитгаард, Рональд МакЛин-Абароа и Линдси Пэррис, Коррумпированные города: руководство для лечения и профилактики (Окленд / Вашингтон, 1996 г.) [R. E. Klitgaard, Ronald MacLean-Abaroa and H. Lindsey Parris, Corrupt cities – a guide to cure and prevention (Oakland CA/Washington DC, 1996).

55. Аналитический доклад “Россия и коррупция: кто кого”. http://indem.ru/indemfond/indfp2_r.html

56. Рыжков А. О. Противодействие коррупции и предупреждение коррупционных рисков в профессиональной деятельности служащих налоговых органов в условиях информационного общества / А. О. Рыжков, Д. В. Соколов, Е. В. Логунов // Наука и бизнес: пути развития. — 2014. — № 8 (38). — С. 186–191.

57. И.С.Власов, С.П.Кубанцев «Борьба с коррупцией в правоохранительных органах за рубежом» монография, Москва 2018 г. 113 ст. S.3243 - Anti-Border Corruption Act of 2010, <https://www.congress.gov/bill/111th-congress/senate-bill/3243/text>.

58. Purohit, Mahesh C. 2007. “Corruption in Tax Administration”, in performance Accountability and Combating Corruption, ed. Anwar Shah, Washington, DC: World Bank. <http://siteresources.worldbank.org/INTWBIGOVANTCOR/Resources/CorruptioninTaxAdministration.pdf>

59. Curbing Corruption, FISCAL MONITOR 2019 APR ©2019 International Monetary Fund. <https://www.imf.org/~media/Files/Publications/fiscal-monitor/2019/April/English/text.ashx>

60. Improving Co-operation between Tax Authorities and Anti-Corruption Authorities in Combating Tax Crime and Corruption.

<http://www.oecd.org/tax/crime/improving-co-operation-between-tax-authorities-and-anti-corruption-authorities-in-combating-tax-crime-and-corruption.pdf>

61. “The tax authority of the future”, How tax authorities are using analytics to deliver new levels of value, [https://www.ey.com/Publication/vwLUAssets/ey-the-tax-authority-of-the-future/\\$File/ey-the-tax-authority-of-the-future.pdf](https://www.ey.com/Publication/vwLUAssets/ey-the-tax-authority-of-the-future/$File/ey-the-tax-authority-of-the-future.pdf)

62. <https://www.worldbank.org/en/results/2016/11/07/armenias-tax-reform-brings-more-public-revenues-and-a-fairer-tax-code>

63. Доклад МВФ по стране № 19/129 Республика Узбекистан консультации 2019 года. <https://www.imf.org/~media/Files/Publications/CR/2019/Russian/1UZBRA2019004.ashx>

64. Hilke Brockmann, Philipp Genschel, Laura Seelkopf 2 Happy taxation: Increasing tax compliance through positive rewards? Page 8.

65. Li, Jinyan, “Development and Tax Policy: Case Study of China” (2007). Comparative Research in Law & Political Economy. Research Paper No. 27/2007., page 41.

66. Laura María García Carrizosa “Analysis tools for the fight against corruption” TAX ADMINISTRATION review ciatlaeatlief N° 45. https://www.ciat.org/Biblioteca/Revista/Revista_45/Ingles/2019_TR45_ebook_ing.pdf

67. “Rahman, Aminur. 2009. Tackling Corruption Through: Tax Administration Reform. Investment Climate in Practice; No. 3. World Bank, © World Bank. <https://openknowledge.worldbank.org/bitstream/handle/10986/10564/483120BRI0FIAS10Box338894B01PUBLIC1.pdf?sequence=1&isAllowed=y>

68. The Impact of Tax Governance on the Governmental Corruption level in Jordan Abed Al-Rahman Mohammad Baker, Mohannad Mohammad Al-Ibainy, Faculty of Business, Al-Isra’ University, Amman, Jordan 2 Faculty of Business, Ajloun National University, Ajloun, Jordan. <https://scihub.tw/10.5539/ibr.v11n4p119>

69. “Основные понятия и концепции антикоррупционной деятельности” учебное пособие Совета Европы, июль 2015 г.

https://docplayer.ru/storage/56/39400323/1583589249/qAIPVpuDAq_MwyxQLJFb2Q/39400323.pdf

70. Анतिकоррупционные реформы в Узбекистане 4-й раунд мониторинга в рамках Стамбульского плана действий по борьбе с коррупцией, ОЭСР 2019, 285-286 б.

71. “Реформы в сфере борьбы с коррупцией в странах Восточной Европы и Центральной Азии”., Отчет ОЭСР., © ОЭСР октябрь 2019 г. 548 б.

72. “Реформы в сфере борьбы с коррупцией в странах Восточной Европы и Центральной Азии”., Отчет ОЭСР., © ОЭСР октябрь 2019 г. 245 б.

73. “Реформы в сфере борьбы с коррупцией в странах Восточной Европы и Центральной Азии”., Отчет ОЭСР., © ОЭСР 2019. 102 б.

74. “Реформы в сфере борьбы с коррупцией в странах Восточной Европы и Центральной Азии”., Отчет ОЭСР., © ОЭСР 2019. 104 б.

75. УНП ООН. Руководство для законодательных органов по осуществлению Конвенции ООН против коррупции. - 2-е изд., исп. и доп. - Нью-Йорк: ООН. - 2012 - С 36.

76. “Реформы в сфере борьбы с коррупцией в странах Восточной Европы и Центральной Азии”., Отчет ОЭСР., © ОЭСР 2019. 112-118 б.

77. The U4 Anti-Corruption Resource Centre. <https://www.u4.no/publications/approaches-to-curbing-corruption-in-tax-administration-in-africa.pdf>

78. Organisation for Economic Co-operation and Development – OECD (2005), [Managing Conflict of Interest in the Public Sector](#), p.68 (“Integrity Testing Policy”), www.oecd.org.

79. UNODC (2004) [Anti-Corruption Tool Kit](#), Version 3, p.396, www.pogar.org.

80. TI Source Book (2000), [Confronting Corruption: The Elements of a National Integrity System](#), chapter 20, p.190, <http://archive.transparency.org>.

81. United Nations (2004), Handbook on Practical Anti-Corruption Measures for Prosecutors and Investigators, pages 91-97, www.unodc.org.

82. Legislative Toolkit on Integrity Testing. Project “Fight against Corruption and Fostering Good Governance/Fight against money-laundering”, financed by the European Union and the Council of Europe. 2016. [http://tilman-hoppe.de/TP_ECCU_-_PCF-REG_52016_IntegrTesting_Toolkit\).pdf](http://tilman-hoppe.de/TP_ECCU_-_PCF-REG_52016_IntegrTesting_Toolkit).pdf)

83. ОЭСР / SIGMA (2007), Политика и практика в отношении конфликта интересов в девяти государствах-членах ЕС: сравнительный обзор. www.oecd-ilibrary.org/docserver/oecd_papers-v7-art4-en.pdf.

84. “Реформы в сфере борьбы с коррупцией в странах Восточной Европы и Центральной Азии”., Отчет ОЭСР., © ОЭСР 2019. 148-152 б.

III. Хорижий давлатларнинг қонун ҳужжатлари

85. Parlamentul lege 82, 25-05-2017, Integrității. (Молдова Республикасининг “Пок виждонлик тўғрисида”ги қонуни). https://www.legis.md/cautare/getResults?doc_id=120706&lang=ro

86. Regulament privind organizarea și funcționarea Serviciului Fiscal de Stat. (Молдова Республикаси Давлат солиқ хизмати тўғрисида Низом). https://www.legis.md/cautare/getResults?doc_id=119197&lang=ro

87. Aprobata prin Hotărîrea Guvernului nr.325 din 17 aprilie 2018., Plan sectorial de acțiuni anticorupție în domeniul fiscal pentru anii 2018-2020. (Молдова ҳукуматининг қарори билан тасдиқланган солиқ соҳасида 2018-2020 йилларда коррупцияга қарши ҳаракатлар бўйича тармоқ режаси). https://www.legis.md/cautare/getResults?doc_id=102973&lang=ro

88. Republica Moldova parlamentul lege Nr. 271 din 18-12-2008 privind verificarea titularilor și a candidaților la funcții publice. (Молдова Республикасининг “Давлат лавозимидаги шахслар ва давлат лавозимида номзодларни текшириш тўғрисида”ги қонуни). https://www.legis.md/cautare/getResults?doc_id=106593&lang=ro

89. Republica Moldova parlamentul lege Nr. 25 din 22-02-2008, privind Codul de conduită a funcționarului public. (Молдова Республикасининг “Давлат

хизматчиларининг ўзини тутиш қоидалари тўғрисида”ги қонуни).

https://www.legis.md/cautare/getResults?doc_id=107130&lang=ro

90. Republica Moldova parlamentul lege Nr. 269 din 12-12-2008 “Privind aplicarea testării la detectorul comportamentului simulat (poligraf)”. (Молдова Республикасининг “Симуляция қилинган хулқ-атвор детектори (полиграф) текширувини қўллаш тўғрисида”ги қонуни). https://www.legis.md/cautare/getResults?doc_id=106596&lang=ro

91. La Hotărîrea Guvernului nr. 475 din 19 iunie 2014., “Regulamentul privind organizarea și funcționarea Comisiei de stat pentru testări cu utilizarea poligrafului”. (Молдова Республикаси Хукуматининг 19.06.2014 йилдаги қарори билан тасдиқланган полиграф тести масалалари бўйича Давлат комиссиясининг ташкил этилиши ва фаолияти тўғрисидаги Низом). https://www.legis.md/cautare/getResults?doc_id=18394&lang=ro

92. Republica Moldova parlamentul hotărîre Nr. 56 din 30-03-2017 privind aprobarea Strategiei naționale de integritate și anticorupție pentru anii 2017–2020. (Молдова Республикасининг “Пок виждонлик ва коррупцияга қарши кураш бўйича 2017–2020 йилларга мўлжалланган миллий стратегияси”). https://www.legis.md/cautare/getResults?doc_id=99502&lang=ro

93. Republica Moldova parlamentul lege Nr. 325 din 23-12-2013, Privind evaluarea integrității instituționale. (Закон Молдовы “О тестировании профессиональной неподкупности об оценке институциональной неподкупности») https://www.legis.md/cautare/getResults?doc_id=106168&lang=ro

94. Privind procedura de testare a integrității profesionale a personalului Ministerului Administrației și Internelor. (Руминия “Ҳалоллик текшируви” қонуни) <http://legislatie.just.ro/Public/DetaliiDocument/133179>

95. Rendelet az államigazgatási szervek integritásirányítási rendszeréről és az érdekérvényesítők fogadásának rendjéről. 50/2013. (II. 25.) Korm. (Венгрия “Ҳалоллик текшируви” қонуни) <https://net.jogtar.hu/jogszabaly?docid=a1300050.kor>

96. Zákon č. 341/2011 Sb.Zákon o Generální inspekci bezpečnostních

sborů a o změně souvisejících zákonů. (Чехия “Халоллик текшируви” конуни).

<https://www.zakonyprolidi.cz/cs/2011-341?text=Zkou%C5%A1ka+spolehlivosti#cast6>

97. Чехия Республикаси Солиқ кодекси 163-моддаси.

98. Беларусь Республикасининг “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги конуни. https://kodeksy-by.com/zakon_rb_o_borbe_s_korrupsiej/37.htm

99. Хитой Халқ Республикасининг Жиноят кодекси. <https://asia-business.ru/law/law1/criminalcode/code/#8>

100. Хитой Халқ Республикаси “Солиқларни йиғишнинг маъмуриятчилиги тўғрисида” Қонуни. Law of the People's Republic of China on the Administration of Tax Collection (Order of the President No.49), April 28, 2001, article, 6.

101. “Code of Practice for Revenue Audit and other Compliance Interventions”, <https://www.revenue.ie>

102. Закон Республики Армения “О налоговой службе”, <http://www.parliament.am/legislation.php?sel=show&ID=1323&lang=rus>

103. Закон Республики Армения “О публичной службе”. <http://www.parliament.am/legislation.php?sel=show&ID=4225&lang=rus>

104. Приложение решения правительства Республики Армения N 1624-Н от 10 октября 2002 года, “Правила поведения налогового служащего”. <https://www.petekamutner.am/Content.aspx?itn=tsATSConductRules>

105. Закон Республики Армения “О гражданской службе”. <http://www.parliament.am/legislation.php?sel=show&ID=6259&lang=rus>

106. Закон Республики Армения “О системе осведомления”, принят 09.06.2017, <http://www.parliament.am/legislation.php?sel=show&ID=5832&lang=rus>

107. Latvijas Republikas Par valsts ieņēmumu dienestu. (Латвия Республикаси “Давлат даромадлари хизмати тўғрисида”ги конуни). <https://likumi.lv/doc.php?id=59902>

108. Par interešu konflikta novēršanu valsts amatpersonu darbībā (Латвия Республикаси “Давлат хизматчилари фаолиятида манфаатлар тўқнашувини олдини олиш тўғрисида”ги конуни). <https://likumi.lv/ta/id/61913-par-interesu->

konflikta-noversanu-valsts-amatpersonu-darbiba

109. Valsts ieņēmumu dienesta Ētikas kodekss (Латвия Республикаси “Давлат даромадлари хизмати ходимларининг ахлоқий қоидалари”).
<https://www.vid.gov.lv/sites/default/files/etikas%20kodekss%202016.pdf>

110. Trauksmes celšanas likums, Pieņemts: 11.10.2018. (Латвия Республикаси “Фош этиш тўғрисида”ги (Whistleblowing Law) қонуни).
<https://likumi.lv/ta/id/302465-trauksmes-celsanas-likums>

111. Lietuvos Respublikos Pranešėjų apsaugos įstatymas 2017 m. lapkričio 28 d. Nr. XIII-804 Vilnius. (Литва Республикаси “Хабарчиларни химоя қилиш тўғрисида”ги қонуни).
<https://e-seimas.lrs.lt/portal/legalAct/lt/TAD/3832a702d8ea11e782d4fd2c44cc67af?jfwid=-1deuyj1xl>

112. Правительство Литовской Республики постановление “О реализации закона о защите уведомителей Республики Литва” 2018 г. 14 ноября №. 1133 (Литва Ҳукуматининг “Литва Республикаси хабарчиларни химоя қилиш тўғрисидаги қонун ижроси тўғрисида” қарори).

113. Про Державну фіскальну службу України,
<https://zakon.rada.gov.ua/laws/show/236-2014-%D0%BF>

114. Про затвердження Антикорупційної програми Державної фіскальної служби України на 2018 рік. <https://www.tax.gov.ua/diyalnist-/zakonodavstvo-pro-diyalnis/nakazi-pro-diyalnist/73108.html>

115. Закон України “Про запобігання корупції”
<https://zakon.rada.gov.ua/laws/main/1700-18>

116. Наказ Національного агентства України з питань державної служби 05.08.2016 № 158, <https://zakon.rada.gov.ua/laws/show/z1203-16>

117. Наказ Державної фіскальної служби України від 03.04.2019 № 257, Правила етичної поведінки в органах Державної фіскальної служби,
<http://sfs.gov.ua/diyalnist-/zakonodavstvo-pro-diyalnis/nakazi-pro-diyalnist/73330.html>

118. Порядок проведення службового розслідування стосовно осіб,

уповноважених на виконання функцій держави або місцевого самоврядування, та осіб, які для цілей Закону України “Про запобігання корупції” прирівнюються до осіб, уповноважених на виконання функцій держави або місцевого самоврядування. <https://zakon.rada.gov.ua/laws/show/950-2000-%D0%BF>

119. Наказ Міністерство доходів і зборів України 02.08.2013 № 329 “Про використання поліграфів у діяльності Міністерства доходів і зборів України та його територіальних органів”. Зареєстровано в Міністерстві юстиції України 11 жовтня 2013 р. за № 1748/24280. <https://zakon.rada.gov.ua/laws/show/z1748-13>

120. Наказ Генеральної прокуратури України, Національного антикорупційного бюро України 04.11.2019 № 265/13, https://zakon.rada.gov.ua/laws/show/v265_900-19

121. Наказ міністерство оборони України 14.04.2015 № 164. Зареєстровано в Міністерстві юстиції України 29 квітня 2015 р. за № 477/26922. <https://zakon.rada.gov.ua/laws/show/z0477-15>

122. Зареєстровано в Міністерстві юстиції України 22 вересня 2017 р. за № 1169/31037, Інструкція про порядок організації та проведення опитування особового складу Національної гвардії України з використанням поліграфа. <https://zakon.rada.gov.ua/laws/show/z1169-17>

123. Зареєстровано в Міністерстві юстиції України 05 грудня 2017 р. за № 1472/31340., Інструкція про порядок використання поліграфів у Національній поліції України. <https://zakon.rada.gov.ua/laws/show/z1472-17>

124. Положение Министерства по Налогом Азербайджанской Республики, <http://vn.taxes.gov.az/haqqinda/VNEsasname-rus.pdf>

125. Положение о министерстве по налогам и сборам Республики Беларусь. <http://www.nalog.gov.by/ru/polozhenie-o-ministerstve-ru/>

126. Положение о комиссии по противодействию коррупции в Министерстве по налогам и сборам Республики Беларусь. <http://www.nalog.gov.by/ru/polozhenie-o-komissii-po-protivodejstviyu-korrupcii/>

127. Налоговый кодекс республики Беларусь.

http://www.nalog.gov.by/ru/TAX_CODE_RU/

128. Maksu- ja Tolliameti põhimäärus. (Эстония Республикаси Молия вазирлиги таркибидаги Солиқ-божхона департаменти тўғрисида Низом), <https://www.riigiteataja.ee/akt/126012018003?leiaKehtiv=>

129. Avaliku teenistuse seadus., (Эстония Республикасининг “Давлат хизмати тўғрисида”ги қонуни). <https://www.riigiteataja.ee/akt/113032019037>

130. Об утверждении Положения Министерства финансов Грузии. <https://www.matsne.gov.ge/ka/document/view/3628991?publication=0>

131. Положение о Комитете государственных доходов Министерства финансов Республики Казахстан. <http://kgd.gov.kz/ru/content/polozhenie-o-komitete>

132. Қазақстан Республикасының Заңы № 416-V ҚРЗ. “Қазақстан Республикасының мемлекеттік қызметі туралы”, <http://adilet.zan.kz/kaz/docs/Z1500000416>

133. “Этический кодекс государственных служащих Республики Казахстан” указом Президента Республики Казахстан от 29 декабря 2015 года № 153, <http://adilet.zan.kz/files/docx/072/u1500000153.22-07-2019.rus.docx>

134. План мероприятий на 2015 – 2017 годы по реализации Антикоррупционной стратегии Республики Казахстан на 2015 – 2025 годы и противодействию теневой экономике. <http://adilet.zan.kz/files/docx/712/p1500000234.27-10-2016.rus.docx>

135. Натуральные нормы снабжения портативными видеорегистраторами для фиксации действий работников органов государственных доходов Республики Казахстан. <http://adilet.zan.kz/rus/docs/V1900019747#z6>

136. «Правила прохождения полиграфологического исследования в правоохранительных органах Республики Казахстан» утвержден постановлением Правительства Республики Казахстан от 19 июня 2014 года № 683. <http://adilet.zan.kz/files/docx/520/p1400000683.19-06-2014.rus.docx>

137. Закон Республики Казахстан «О правоохранительной службе» от 6 января 2011 года № 380-IV. <http://adilet.zan.kz/files/docx/008/z1100000380.11-01-2020.rus.docx>

138. Закон Республики Казахстан “О противодействии коррупции” от 18 ноября 2015 года № 410-V ЗРК. <http://adilet.zan.kz/files/docx/232/z1500000410.01-01-2020.rus.docx>

139. “Правила поощрения лиц, сообщивших о факте коррупционного правонарушения или иным образом оказывающих содействие в противодействии коррупции” утвержден постановлением Правительства Республики Казахстан от 30 декабря 2015 года № 1131, <http://adilet.zan.kz/files/docx/032/p1500001131.04-02-2020.rus.docx>

140. Кыргыз Республикасынын мыйзамы, “Мамлекеттик жарандык кызмат жана муниципалдык кызмат жөнүндө”, <http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ky-kg/111354?cl=ky-kg>

141. Кыргыз Республикасынын мамлекеттик органдарында жана жергиликтүү өз алдынча башкаруу органдарында кызматтык текшерүүнү уюштуруу жана жүргүзүү тартиби жөнүндө жобо. <http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/99664?cl=ru-ru>

142. Указ Президента Кыргызской Республики «О первоочередных мерах по внедрению системы тестирования на полиграфе в сфере государственной службы» от 27 августа 2010 года УП N 146., <http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/60672?cl=ru-ru>

143. Закон Кыргызской Республики № 19 “О защите лиц, сообщивших о коррупционных правонарушениях” от 28 января 2019 года, <http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/111829>

IV. Фойдаланилган бoшкa адабиётлар

144. <https://www.unodc.org/unodc/en/corruption/uncac.html>


145. <http://www.oecd.org/>

146. <https://www.transparency.org/what-is-corruption#define>
147. <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>.
148. АҚШда кенг фойдаланиладиган Блэк юридик луғати. Black's Law Dictionary, West Group, 1990, pages 1460-1461.
149. Black's Law Dictionary. <https://thelawdictionary.org/integrity/>
150. <http://uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-22-12-2017>
151. <https://www.youtube.com/watch?v=CE4rLpR3fI4>,
<https://www.facebook.com/uzanticorruption/videos/1535230353263272/>
152. http://ijtimoiy-fikr.uz/ru/issledovaniya/borba_s_korruptsiy_v_zerkale_obshestvennogo_mneniya.
153. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг мансабдорлик жинойтлари бўйича 2011-2019 йиллар ҳисоботлари.
154. <https://www.gazeta.uz/uz/2019/04/16/dsi/>
155. [www/my.soliq.uz/main/about-portal](http://www.my.soliq.uz/main/about-portal)
156. <https://soliq.uz/about/central-office?category=&page=2>
157. https://www.doingbusiness.org/content/dam/doingBusiness/media/Annual-Reports/English/DB2019-report_web-version.pdf
158. www.g20.utoronto.ca/2018/adopted_hlps_on_coi.pdf.
159. www.soliq.uz/activities/tax-audits


ИЛОВАЛАР

1-илова


2011-2019 йилларда давлат солиқ хизмати ходимларининг коррупциявий жиноятлари учун жавобгарликка тортилиши тўғрисида маълумот




Давлат солиқ хизмати ходимларига нисбатан 2011-2019 йилларда қўзғатилган жиноят ишлари тўғрисида маълумот




Давлат солиқ хизмати ходимлари томонидан 2011- 2019 йилларда содир этилган коррупциявий жиноятларнинг таҳлили



Содир этган коррупциявий жиноятлари учун жавобгарликка тортилган давлат солиқ хизмати ходимларининг маъкеи тўғрисида маълумот



Давлат солиқ хизмати ходимларининг устидан прокуратура органларига келиб тушган мурожаатлар



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йил « _____ » да қабул қилинган.
Сенат томонидан 2020 йил « _____ » да маъқулланган.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги 474-І-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 232-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда, № 9-10, 182-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда, № 9, 312-модда, № 12, 415-модда; 2006 йил, № 10, 536-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 12, 474-модда; 2010 йил, № 9, 336-модда; 2012 йил, № 4, 105-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 12, 773-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 5-моддалар) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) 3-модда:

биринчи қисмидаги «шунингдек туманлар, шаҳарлар ва шаҳардаги туманлар давлат солиқ инспекциялари» деган сўзлардан кейин «ва йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекцияси» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

иккинчи қисмида «махсус назорат-тафтиш бўлинмаси, шунингдек давлат солиқ хизмати органларида режим ва ходимлар билан ишлаш бўйича махсус бўлинма» деган сўзларни «ички аудит бошқармаси, шунингдек ўз хавфсизлиги бошқармаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 5-модда:

биринчи қисмининг 15-бандидаги «ҳисобот даври учун бюджетга тўланиши лозим бўлган юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи» деган сўзлардан кейин «сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ва мол-мулк солиғи» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

биринчи қисмининг 15-банди давомидаги «жорий тўловларни юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг ҳақиқий суммасидан келиб чиқиб» деган сўзларни «жорий тўловларни ушбу солиқларнинг ҳақиқий суммасидан келиб чиқиб» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисмининг 16-бандидаги «қисқа муддатли» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3) 6-модда биринчи қисмининг 20-банди чиқариб ташлансин;

4) 7-модда олтинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Банк томонидан солиқ (йиғим), бўнак тўлови, пеня ва жарима суммасини ўтказиш тўғрисидаги солиқ тўловчининг топшириқномасини, солиқ органининг инкассо топшириқномасини бажармаслик (бажарилишини кечиктириш) – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаштириш ставкасининг бир юз эллиқдан бир қисми миқдоридан, лекин кечиктирилган ҳар бир календарь кун учун ўтказилмаган сумма бир фоизининг бешдан бир қисмидан кўп бўлмаган миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.»;

5) 10-модда учинчи қисмидаги «давлат солиқ инспекцияларининг бошлиқлари» деган сўзлардан кейин «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари Ички аудит бошқармаси ва Ўз хавфсизлиги бошқармаси бўлимлари ходимларини, Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекцияси бошлиғи ва бошлиқ ўринбосарлари, Худудлараро инспекция Ўз хавфсизлиги бошқармаси бўлимлари ходимлари» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013-ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 5-моддалар, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430, 431-моддалар, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469-модда, № 9, 589, 592-моддалар) 39¹-моддаси биринчи қисми 11-бандидаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитасининг Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари» деган сўзлар «Ўзбекистон

Республикаси Давлат солиқ хизмати органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тўғрисида ва Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органларида хизматни ўташ тўғрисида Низомларга ўзгартириш киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2019 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-599-сон қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат органлари ходимларининг формали кийим-бош кийиб юриши тартибини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 15 июлдаги ПҚ-4394-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 апрелдаги 320-сон қарори (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.04.2019 й., 09/19/320/2958-сон; 23.11.2019 й., 09/19/943/4066-сон; 17.04.2020 й., 09/20/234/0453-сон) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тўғрисида ва Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органларида хизматни ўташ тўғрисидаги низомларга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштира син.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари — иқтисодиёт ва саноат вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил « »_____ги
_____сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тўғрисидаги низомга
киритилаётган ўзгартириш**

1. ўн тўртинчи банднинг 34-хатбошисидаги «қиска муддатли» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил « »_____ги
_____сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органларида хизматни
ўташ тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш**

1. йигирма тўртинчи банддаги « шунингдек, формали кийим-бош кийиб юришга» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

ДСҚнинг 2020 йил «__» майдаги
__-сонли буйруғига илова

Давлат солиқ хизмати органлари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу давлат солиқ хизмати органлари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари (кейинги ўринларда одоб-ахлоқ қоидалари деб аталади) эгаллаб турган лавозимидан қатъий назар ҳар бир давлат солиқ хизмати органлари ходимларининг касбий одоб-ахлоқининг умумий принциплари ва хизматдаги хулқ-атворининг асосий қоидалари йиғиндисидан иборат.

2. Одоб-ахлоқ қоидаларининг мақсади давлат солиқ хизмати органларида коррупция ҳолатларини олдини олиш, давлат солиқ хизматининг нуфузи ва ходимларнинг ишчанлик обрўсини мустаҳкамлаш ҳамда давлат солиқ хизмати органлари ходимларига ўз хатти-ҳаракатлари бўйича қўлланма бериш, шунингдек фуқароларни давлат солиқ хизмати ходимларидан қандай хатти-ҳаракатлар кутиши кераклиги тўғрисида хабардор қилишдир.

3. Давлат солиқ хизмати органлари ходимларининг асосий мақсади Ўзбекистон Республикаси халқига хизмат қилиш, шунингдек, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинлиги ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш ҳамда муҳофаза қилиш ҳисобланади.

4. Одоб-ахлоқ қоидалари ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга, улар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этишга, давлат солиқ хизмати органлари ходимларини юксак ҳуқуқий онг, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига қатъий риоя қилиш руҳида тарбиялашга йўналтирилган.

5. Давлат солиқ хизмати органига ишга кираётган шахслар одоб-ахлоқ қоидалари билан имзо қўйдирган ҳолда таништирилади ва нусха берилади.

Одоб-ахлоқ қоидалари кундалик фаолиятда риоя этилиши шарт бўлган хизмат ҳужжати сифатида ҳар бир ходимда мавжуд бўлиши ва мукамал даражада ўрганилиши лозим.

6. Давлат солиқ хизмати органлари ходимлари қонун ҳужжатлари ва одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиши шарт.

Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш давлат солиқ хизмати органлари ходимининг касбий фаолиятини ва хизматдаги хулқ-атворини баҳолаш мезонларидан бири ҳисобланади.

II. Давлат солиқ хизмати органлари ходимларининг хизматдаги хулқ-атворининг асосий принциплари ва қоидалари

7. Давлат солиқ хизмати органлари ходимлари ўз касбий фаолиятини куйидаги принциплар асосида амалга оширишлари керак:

қонунийлик;

фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;

ватанпарварлик ва хизмат бурчига фидоийлик;

давлат ва жамият манфаатларига содиқлик;

адолатлилик, ҳалоллик ва холислик;

манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик.

8. Давлат солиқ хизмати органлари ходимлари куйидагиларга мажбур:

- хизмат вазифаларини бажаришда давлат принциплари ва талабларига қатъий риоя этиш;

- ўз хизмат вазифаларини виждонан, юксак касбий даражада бажариш;

- юқори давлат органлари мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган (берган) қарорларини (топшириқларини) ўз вақтида ва сифатли бажариш;

- ўз фаолиятини қонун ҳужжатларида ва ички ҳужжатларда белгиланган лавозим ваколатлари доирасида амалга ошириш;

- солиқ қонунчилиги талабларига риоя қилинишига ҳалақит берадиган ҳомийлик, воситачилик, ҳамкорлик кўмаги ёки маслаҳатнинг ҳар қандай кўринишидан қочиш;

- ўзининг хатти-ҳаракатлари билан ўзини бирор бир шахс олдида қарам бўлиш ҳолатига йўл қўймаслик;

- ортиқча ваъдалардан қочиш, сўзнинг қиймати ва келгусида бу ваъда қандай салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини англаш;

- давлат рамзларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, мансаб вазифаларини бажаришда давлат тилидан фойдаланиш ҳамда давлат тилини дискреминация қилмаслик;

- ўз хизмат вазифаларини бажаришда бирор бир шахслар, гуруҳлар ёки ташкилотларга ён босмаслик ва устунлик бермаслик, уларнинг таъсиридан мустақил бўлиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва қонуний манфаатларини ҳисобга олиш, камситиш ҳолатларига йўл қўймаслик;

- ўз хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилувчи бирор бир шахсий, мулкӣ ва бошқа манфаатларнинг таъсири билан боғлиқ бўлган хатти-ҳаракатларга барҳам бериш;

- мансаб вазифа ва функцияларига мувофиқ равишда малакаси, билим ва кўникмалари, касбий ва маданий савиясини доимий равишда ошириб бориш;

- норматив-ҳуқуқӣ ҳужжат ва идоравий ҳужжатларда белгиланган чеклашлар ва таъқиқларга риоя қилиш, ўз хизмат вазифаларини оғишмай бажариш;

- ўз хизмат фаолиятига бирор бир таъсир кўрсатиш имкониятига барҳам бериш;

- Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлар халқларининг урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилиш, турли этник, ижтимоий гуруҳлар ва конфиссияларнинг маданий ҳамда бошқа хусусиятларини ҳисобга олиш, ижтимоий барқарорликка, миллатлараро ва конфиссиялараро тотувликка кўмаклашиш;

- ўзларининг хизмат вазифаларини виждонан бажаришда шубҳа пайдо қилиши мумкин бўлган хулқ-атвордан ўзини тийиш, шунингдек ўз обрўсига ёки давлат солиқ хизмати органларининг нуфузига зарар етказишга қодир бўлган вазиятларга йўл қўймаслик;

- хизмат мавқеидан давлат солиқ хизмати органлари, бошқа ташкилотлар, уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, фуқаролар фаолиятига ноқонуний таъсир кўрсатиш учун фойдаланмаслик;

- давлат солиқ хизмати органида хабарларни ва хизмат ахборотларини тақдим қилишнинг белгиланган қоидаларига риоя этиш;

- давлат обрўсини, фуқароларнинг давлат институтларига ишончини мустаҳкамлашга кўмаклашиши, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, солиқ тўловчиларнинг қонун билан кўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳурмат қилиши, давлат манфаатларини ҳимоя қилиши;

- солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя қилинишини таъминлаши, давлатнинг иқтисодий манфаатлари ва мулкӣ ҳуқуқларини ҳимоя қилиши;

- тадбиркорликнинг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги, асоссиз аралашмаслиги, уларнинг манфаатларига зарар етказмаслиги;

- солиқ тўловчилар билан бўладиган мулоқотларда муомала маданиятига қатъий амал қилиши;

- ходимлар солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўз муддатида тўлаш орқали шахсий намуна кўрсатиши;

- бошқа ходимлар учун фойдали касбига алоқадор мавзулар ва тажрибаси бўйича маълумот бериш;

- ота-оналарига ғамхўрлик қилиши, ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиши ва тарбиялаши шарт.

9. Сиёсий, иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлик, шунингдек, шахсий важлар ва бошқа субъектив сабаблар давлат солиқ хизмати органлари ходимларининг қонун ҳужжатлари талабларини ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузиши учун асос бўла олмайди.

10. Агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, давлат солиқ хизмати органлари ходимларига ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан бирор бир моддий бойликларни олиш ёхуд жисмоний ёки юридик шахслардан бошқача наф кўриш таъқиқланади.

11. Ходимда раҳбар томонидан берилган топшириқ, буйруқ (фармойиш) қонунийлигига шубҳа пайдо бўлса, унинг ёзма тасдиғини талаб қилиши шарт. Бир вақтнинг ўзида ходим энг юқори даражадаги раҳбарни ва коррупцияни олдини олишга масъул тармоқни ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

Ходим томонидан бундай талаб қўйилганда раҳбар оғзаки топшириқ ёки буйруқни бир кун ичида бекор қилиши ёки ёзма равишда тасдиқлаши шарт.

Қайд этилган муддат ичида ёзма тасдиқ олинмаган тақдирда топшириқ бекор бўлган ҳисобланади.

12. Давлат солиқ хизмати органлари ходимларига қуйидагилар таъқиқланади:

- Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига зид бўлган ҳар қандай муносабатларда иштирок этиш;

- иш ташлашлар, сиёсий манифестациялар ва юришларни ташкил этиш ва уларда қатнашиш;

- ҳар қандай корхоналар, муассасалар, ташкилотларда ўриндошлик бўйича ишлаш (илмий, ўқитувчилик ва ижодий фаолият билан шуғулланиш бундан мустасно);

- ўз хизмат вазифаларини бажарганлик ёки бажармаганлик учун мукофотлар ёки хизматларни қабул қилиш ҳамда қариндошлари, танишлари ва бошқа шахсларнинг ноқонуий илтимос ва талабларини бажариш;

- қимор ўйнаш, гиёҳванд моддалар, шунингдек, хизмат вазифаларини бажариш чоғида спиртли ичимликлар истеъмол қилиш;

- иш жойларида, соғлиқни сақлаш, таълим, спорт-соғломлаштириш муассасаларида, ёнғин чиқиш хавфи бўлган жойларда, шу жумладан, автомобилларга ёқилғи қуйиш шаҳобчаларида ва бошқа жамоат жойларида тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш, бундан тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш учун махсус ажратилган жойлар ва (ёки) хоналар мустасно;

- давлат солиқ хизмати органларида учинчи шахслар иши бўйича ишончли вакил ёки вакил бўлиш;

- моддий техника ва ахборот билан таъминлаш, молия воситаларидан, давлатнинг бошқа мол-мулкидан, шунингдек, хизмат ахборотларидан лавозим вазифалари билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда фойдаланиш;

- солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуий манфаатларини кафолатловчи қонун ҳужжатлари талабларини бузиш ҳамда уларнинг қонуий фаолиятига тўсқинлик қилиш ва аралашиш;

- ўзига қонун билан берилган ваколатлар доирасидан четга чиқадиган ҳар қандай ҳаракатларни содир этиш;

- хизмат вазифаларига лоқайд муносабатда бўлиш, шунингдек меҳнат муносабатларида расмиятчилик ва сохтакорлик таъқиқланади.

13. Давлат солиқ хизмати органлари ходимлари коррупция ҳолатларига қарши курашиши ва уларнинг профилактикасига фаол кўмаклашиши шарт.

Давлат солиқ хизмати органлари ходимлари ўз раҳбарини ёхуд ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини уларни ҳуқуқбузарликлар содир этишга оғдириш мақсадида бирор бир шахсларнинг қилган мурожаатларининг барча ҳолатлари тўғрисида, шунингдек, бошқа давлат хизматчилари томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг ўзларига маълум бўлган ҳар қандай ҳолатлари ҳақида хабардор қилиши шарт.

Давлат солиқ хизмати органлари раҳбарлари шахслар қонунчиликнинг бузилиши фактлари тўғрисида мурожаат қилганлиги муносабати билан ёхуд билдирган фикр ва мурожаатдаги танқиди учун, шунингдек, бошқача шаклда

танқид қилганлиги учун ишдан бўшатилишига ёки бошқача шаклда таъқиб қилинишига йўл қўймаслигини таъминлаши керак.

14. Давлат солиқ хизмати органлари ходимлари касбий фаолияти давомида ўзларига маълум бўлган ахборотнинг сақланиши ва махфийлигини таъминлаш юзасидан барча чораларни кўришлари шарт, уларни ошкор этганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

15. Раҳбар ўзига бўйсунувчи ходимларга нисбатан юқори профессионализм, софлик ва адолатда ўрнатилган бўлиши, давлат органида ёхуд унинг таркибий ёки ҳудудий бўлинмасида маънавий-психологик муҳит шаклланишига қўмаклашиши лозим, у бўйсунувчи ходимлардан уларнинг хизмат вазифалари доирасидан чиқиб кетадиган топшириқларни бажаришини талаб қилмаслиги, шунингдек, қонунга хилоф хатти-ҳаракатларни содир этишга ундамаслиги керак.

Раҳбар кадрларни қариндошлик, ҳамшаҳарлик ёки шахсий садоқат белгилари бўйича танлаш ва жой-жойига қўйиш ҳолатларига йўл қўймаслиги керак. У гуруҳбозлик, маҳаллийчилик, фаворитизм кўринишларининг, шунингдек, ўз хизмат вазифаларини бажариш жараёнида бошқа салбий омилларнинг қатъий равишда олдини олиши лозим.

16. Давлат солиқ қўмитаси марказий аппарати тузилмалари, йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекцияси, давлат солиқ бошқармалари, давлат солиқ инспекцияларининг раҳбарлари:

- манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уларни тартибга солиш юзасидан ўз вақтида чора-тадбирлар кўриши;

- коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриши;

- жамоада соғлом, ишчан, маънавий-руҳий муҳитнинг шаклланиши ва сақланишига қўмаклашиши;

- қўл остидаги ходимларида маънавий-руҳий, ахлоқий ва касбий кўникма, хислатларини юксалтириши, уларни ватанпарварлик, ватанга садоқат руҳида тарбиялаши;

- қўл остидаги ходимларининг шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилиши, шахсиятини камситмаслиги ва уларга нисбатан объектив муносабатда бўлиши;

- ходимларидан солиқ тўловчиларга кўрсатиладиган давлат хизматларининг сифатини белгиланган стандартларга мувофиқ равишда доимий тарзда оширишни талаб қилиши;

- ходимлардан шахсий (ижобий ёки салбий) муносабатидан қатъий назар хизмат вазифаларини бажарилишини бир хилда талаб қилиши;

- қўл остидаги ходимлари олдида узоқ ва қисқа муддатли топшириқ ва вазифаларни тўғри қўя олиши, шу вазифаларни ҳал этишда жамоани жипслаштириши;

- солиқ маъмурчилигини такомиллаштириши жараёнида барча ходимларнинг фаол қатнашиши учун етарли шарт-шароитларни яратиши;

- жамоада доимий равишда меҳнат интизоми, соғлом, ишчан, маънавий-руҳий муҳит ҳолатини яратиши, салбий ҳолатларга муросасиз бўлиши;

- ходимларнинг маданий ҳордиқ чиқариши ва спорт-соғломлаштириш тадбирлари учун шарт-шароит яратиб бериши;

- ходимлар олдида асосланмаган талабларни қўймаслиги ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига зид бўлган топшириқларни бермаслиги, қўл остидаги ходимдан шахсий, моддий ва бошқа турдаги ноқонуний хизматларни талаб қилмаслиги;

- хизмат вазифаларини лозим даражада бажарилмаганлиги ва хато қарорлар қабул қилганлиги учун масъулиятини бўйинига олиши, ўз жавобгарлигини қўл остидаги ходимларга юклармаслиги;

- ходими томонидан билдирилган танқидни агрессив тарзда қабул этмаслиги ва танқид туфайли ходимни таъқиб қилинишига йўл қўймаслиги;

- ходимлари томонидан содир қилинган жиноятлар, ҳуқуқбузарликлар ва қўпол тартиббузарликлар ҳақида ўзидан юқори турувчи раҳбарини дарҳол хабардор этиши;

- ходимларни самарали бошқариши, ўзига ишониб топширилган мулкка ва молиявий маблағларга эҳтиёткорлик ва тежамкорлик билан муносабатда бўлиши шарт. Раҳбар ўзига бўйсунувчи, хизматдаги хулқ-атвори принциплари ва қоидаларини бузаётган ходимлар хатти-ҳаракатларига (ҳаракатсизлигига) йўл қўймаслик чораларини кўрмаганлиги учун шахсан жавобгардир.

17. Давлат солиқ хизмати органлари ходимлари ўзларининг хизматдаги хулқ-атвори билан жамоада бошқа ходимлар билан ўзаро ишчанлик ва амалий ҳамкорлик қарор топишига қаратилган шаклда муносабат ўрнатиши лозим.

Давлат солиқ хизмати органлари ходимлари хушмуомала, илтифотли, одобли, эътиборли, фуқаролар ва ҳамкасблари билан муносабатда сабр-тоқатли бўлиши, уларни ҳурмат қилиши шарт. Давлат солиқ хизмати органлари ходимлари ўзига бўйсунувчи ходимларига ва фуқароларга нисбатан қўполлик қилмаслиги, одамларнинг шаъни ва кадр-қимматини камситмаслиги, уларга асоссиз психологик ва жисмоний таъсир кўрсатиш ҳолатларига йўл қўймаслиги керак.

Хизмат вазифаларини бажариш чоғида иш шароитлари ва хизмат тадбирларининг шаклига боғлиқ ҳолда давлат солиқ хизмати органлари ходимларининг ташқи кўриниши фуқароларнинг давлат солиқ хизмати органига нисбатан ишонч билан муносабатда бўлишига ёрдам бериши, умумий қабул қилинган иш услубига мувофиқ бўлиши, улар расмийлиги, вазминлиги ва тартиблилиги билан бошқалардан ажралиб туриши керак.

18. Давлат солиқ хизмати ходимлари халқаро муносабатларда (конференция, семинар, ўқиш, хизмат сафари ва бошқа) ўзини тутиш, улар томонидан ифода этилаётган давлат солиқ хизмати органи ҳамда давлатнинг обрўси ва нуфузига путур етказмаслиги шарт.

19. Давлат солиқ хизмати органлари ходимлари хизматдан ташқари вақтда умумий қабул қилинган одоб-ахлоқ нормаларига риоя этишлари, ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслиги керак.

Ш. Давлат солиқ хизмати органлари ходимларининг солиқ тўловчилар билан муомала маданияти

20. Давлат солиқ хизмати органлари ходимларининг юриш-туриши, маданияти, тиришқоқлиги, хизматга шайлиги, интизомлиги фуқароларнинг ишончига сазовор қилувчи, инсонга эстетик завқ берувчи, ҳамкасблари ва атрофдагиларга ахлоқий-руҳий тарбиялаш учун таъсир ўтказиши лозим.

21. Ҳар бир ходим хизмат бурчини бажаришда, энг аввало ўзининг давлат хизматчиси эканлигини, одамлар унинг хулқ-атвори, хатти-ҳаракати, сўз оҳанги ва ташқи кўринишига қараб солиқ тизимига баҳо беришларини, унинг обрўси давлат обрўси эканлигини унутмаслиги керак.

22. Фуқароларга, тадбиркорлик субъектларига (кейинги ўринларда солиқ тўловчилар деб юритилади) мурожаат қилганида саломлашиш қоидаларига тўлиқ риоя этишлари, ўзларини тўлиқ таништириши, сўнгра мурожаат қилиш сабабини ва мақсадини тушунтириб, уларни диққат ва сабр-тоқат билан эшитишлари шарт.

23. Оғзаки мурожаатларга, берилган барча саволларга хушмуомалалик билан жавоб берилишлари, уларга ётиғи билан асосли ва қонуний тушунтиришлар беришлари лозим.

24. Давлат солиқ хизмати органлари ходимларига фуқаролар билан муомала қилиш чоғида такаббурлик, димоғдорлик, манманлик, кўполлик, суҳбат ва муомала жараёнида инсон кадр-қиммати, шахсини таҳқирловчи бошқа хатти-ҳаракатларга йўл қўйиш қатъиян ман этилади.

25. Давлат солиқ хизмати ходими тадбиркорлик субъектларида солиқ назоратини (солиқ текшируви, хронометраж ва бошқа тадбирларни) амалга ошириш мобайнида, мазкур субъектларда юзага келган шахсий мунозараларга ва баҳсларга аралашмаслиги керак.

26. Ходим ишдан бўш вақтда мурожаат қилган фуқароларга нисбатан бефарқ бўлмаслиги, уларга тўғри маслаҳатлар бериши ва саволларига жавоб топиш учун имкон даражасида амалий ва маънавий ёрдам кўрсатиши зарур. (фойдаланиш доираси чегараланган ахборотлар ҳамда давлат, солиқ ва хизмат сирлари бундан мустасно)

27. Давлат солиқ хизмати органларида фуқароларни қабул қилиш маданияти юқори даражада бўлиши таъминланиши шарт, яъни фуқароларни қабул қилиш вақти аниқ белгиланган ва кимлар қандай масалалар бўйича қабул қилиши кўрсатилган бўлиши;

Қабул қиладиган ходим ўзини камтарона тутиши, хизматга шайлиги фуқарога сезилиб туриши;

Ташриф буюрган фуқаронинг барча саволларига, мурожаатлари ва шикоятларига тўлиқ жавоб берилиши, жавобнинг тушунарли бўлганлигига ишонч ҳосил қилиниши;

Мурожаатга алоқадор мансабдор шахслар суҳбат чоғида иштирок этаётган бўлса, уларнинг барчаси фуқарога таништирилиши;

Фуқаро билан суҳбат чоғида уларга беришаётган жавоби аниқ ва ишончли бўлиши учун жавобни қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан асослаш;

Сухбат давомида кўрилатган масала давлат солиқ хизмати органлари ваколатига тааллуқли бўлмаса, фуқароларга бу ҳақда тегишли идорага мурожаат қилиши мумкинлиги қонун нормаларига асосланган ҳолда, ётиғи билан тушунтирилиши;

Кўрилатган масалани ҳал қилиш учун қўшимча маълумотлар, ҳужжатларни кўриш ёки муайян ташкилий тадбирларни ўтказиш зарур бўлса, бу ҳақда мурожаат этувчига маълум қилиниб, масала ҳал қилиниши лозим бўлган аниқ вақт белгиланиши талаб этилади.

28. Давлат солиқ хизмати органлари ходимлари нутқ маданиятида кўйидагиларга асосий эътиборни қаратишлари лозим:

- сўз тартиби грамматика қоидаларига тўла асосланган бўлиши;
- фикр содда, аниқ ва қисқа ифодаланиши, фикр касбга доир терминлар асосида баён қилиниши, оғзаки сўзлашув услубига хос бўлган ёки вульгар сўзлар ишлатилмаслиги керак.

IV. Манфаатлар тўқнашуви

29. Давлат солиқ хизмати органлари ходимлари ўз хизмат вазифаларини бажаришда манфаатлар тўқнашувига сабаб бўладиган шахсий манфаатдорлик ҳолатларига йўл қўймасликлари керак.

Манфаатлар тўқнашуви давлат солиқ хизмати органлари ходимларининг шахсий манфаатлари уларнинг ўз хизмат вазифаларини холисона ва бегараз бажаришига таъсир кўрсатадиган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳолатларда пайдо бўлади.

Давлат солиқ хизмати органлари ходимларининг шахсий манфаатдорлиги уларнинг шахсан ўзи ёки яқин қариндошлари, шунингдек, улар яқин ёки ишбилармонлик муносабатларида бўладиган бошқа шахслар учун ҳар қандай наф кўриш ёки афзалликларга эга бўлишни ўз ичига олади.

Манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда давлат солиқ хизмати органлари ходимлари ўз раҳбарини дарҳол хабардор қилиши керак.

Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисидаги маълумотни олган раҳбар уни тартибга келтириш бўйича ўз вақтида чоралар кўриши шарт.

30. Давлат солиқ хизмати органлари ходимларининг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши таъқиқланади.

Давлат солиқ хизмати органлари ходимлари ўзларининг ўз хизмат вазифаларини зарур даражада бажаришига ёки уларга зарар етказиши мумкин бўлган фаолиятни амалга оширмаслиги, шунингдек, бундай лавозимни эгалламаслиги керак.

Давлат солиқ хизмати органлари ходимлари ҳар қандай ҳолатларда ҳам ўз хизмат мавқеидан мумкин бўлмаган шахсий фойдани олиши мумкин эмас.

Давлат солиқ хизмати органлари ходимлари манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик мақсадида тижорат ташкилотларининг устав капиталда иштирок этиши мумкин эмас.

31. Давлат солиқ хизмати органлари ходими лавозимга тайинланаётганда ва хизмат вазифаларини бажараётганда ўзининг хизмат

вазифаларини зарур даражада бажаришига таъсир кўрсатадиган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорлигининг мавжудлиги ёки мавжуд бўлиши имконияти тўғрисида маълум қилиши шарт.

V. Одоб-ахлоқ қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик

32. Давлат солиқ хизмати органлари ходими томонидан одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши уни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш учун асос бўлиши мумкин.

33. Давлат солиқ хизмати органлари ходими томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши аттестациялар ўтказишда, юқори ва бошқа лавозимларга тайинлаш учун кадрлар захирасини шакллантиришда ҳисобга олинади.

34. Ушбу одоб-ахлоқ қоидалари нормаларининг бузилишлари давлат солиқ хизмати органларининг ўз хавфсизлиги бошқармаси томонидан кўриб чиқилади.

Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши ҳолатларини ўз хавфсизлиги бошқармаси томонидан кўриб чиқиш натижалари бўйича интизомий ёки бошқача тарздаги қоида бузилишларининг мавжудлиги (мавжуд эмаслиги) тўғрисида хулоса чиқарилади.

Айни вақтда давлат солиқ хизмати органи раҳбарининг кўриб чиқишига қоидалар бузилишини содир этган давлат солиқ хизмати органи ходимини жавобгарликка тортиш тўғрисида таклиф киритилади.

Йўл қўйилган қоида бузилишининг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда давлат солиқ хизмати органи ходимига нисбатан одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилишига йўл қўймаслик тўғрисидаги огоҳлантириш билан чекланиш мумкин.

Давлат солиқ хизмати органлари ходимлари ўзлари йўл қўйган қоида бузилишининг кўриб чиқилиши жараёни ҳақида ахборотни олиш ва ўзини ҳимоя қилиш учун далилларни тақдим этиш, шунингдек, давлат органининг қарорлари юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

VI. Яқуний қоидалар

35. Давлат солиқ хизмати органларининг барча ходимлари одоб-ахлоқ қоидаларини мукамал даражада ўрганишга мажбурдирлар. Одоб-ахлоқ қоидалари Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитасининг расмий веб сайтида эълон қилиниши шарт.

**“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуни лойиҳасига
ТАҚҚОСЛАМА ЖАДВАЛ**

№	Амалдаги таҳрир	Таклиф этилаётган таҳрир	Асослантириш
Ўзбекистон Республикаси “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Қонуни			
1.	<p>3-модда. Давлат солиқ хизмати органлари Давлат солиқ хизмати органлари қуйидагилардир: Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари, шунингдек туманлар, шаҳарлар ва шаҳардаги туманлар давлат солиқ инспекциялари.</p> <p>Тўлдирилмоқда</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси таркибида ҳудудий бўлинмаларга эга бўлган: солиқ тўловчилар – юридик шахслар, яқка тартибдаги тадбиркорлар ва жисмоний шахсларнинг назорат ҳамда ҳужжат асосидаги текширувини ва молия-хўжалик фаолияти тафтишини амалга оширувчи махсус назорат-тафтиш бўлинмаси, шунингдек давлат солиқ</p>	<p>3-модда. Давлат солиқ хизмати органлари Давлат солиқ хизмати органлари қуйидагилардир: Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари, шунингдек туманлар, шаҳарлар ва шаҳардаги туманлар давлат солиқ инспекциялари, Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекцияси.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси таркибида ҳудудий бўлинмаларга эга бўлган: солиқ тўловчилар – юридик шахслар, яқка тартибдаги тадбиркорлар ва жисмоний шахсларнинг назорат ҳамда ҳужжат асосидаги текширувини ва молия-хўжалик фаолияти тафтишини амалга оширувчи Ички аудит бошқармаси,</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 26.06.2018 йилги ПҚ-3802-сон қарорига асосан Давлат солиқ қўмитаси тузилмасида Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекцияси ҳамда Давлат солиқ қўмитаси марказий аппаратининг тузилмасида собиқ Режим хизматининг ўрнига Ўз хавфсизлиги бошқармаси ташкил этилган. Мазкур ўзгаришлар Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 апрелдаги 320-сон қарори иловаси билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тўғрисида Низом”га ҳам киритилган.</p> <p>Бироқ, “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Қонунга тегишли ўзгартириш киритилмасдан қолган.</p>

	<p><i>хизмати органларида режим ва ходимлар билан ишлаш бўйича махсус бўлинма</i> тузилади.</p>	<p>шунингдек Ўз хавфсизлиги бошқармаси тузилади.</p>	
<p>2.</p>	<p>10-модда. Давлат солиқ хизмати органларининг мансабдор шахсларини тайинлаш</p> <p>....</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитасининг мансабдор шахслари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари бошлиқларининг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари бўлимларининг бошлиқлари, давлат солиқ инспекцияларининг бошлиқлари,</p> <p>Тўлдирилмоқда.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси раисининг буйруғи билан тайинланади.</p>	<p>10-модда. Давлат солиқ хизмати органларининг мансабдор шахсларини тайинлаш</p> <p>....</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитасининг мансабдор шахслари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари бошлиқларининг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари бўлимларининг бошлиқлари, давлат солиқ инспекцияларининг бошлиқлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари Ички аудит бошқармаси ва Ўз хавфсизлиги бошқармаси бўлимлари ходимларини, Худудлараро инспекция бошлиғи ва бошлиқ ўринбосарлари, Худудлараро инспекция Ўз хавфсизлиги бошқармаси бўлимлари ходимларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш Кўмита раисининг буйруғи билан амалга оширилади.</p> <p>Бироқ, “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Қонунга тегишли ўзгартириш киритилмасдан қолган.</p>	<p>“Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси тўғрисида Низом”нинг 19-банди 33-хатбошиси ва “Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органларида хизматни ўташ тўғрисида Низом”нинг 5-бандига асосан, “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Қонунда кўрсатилган мансабдор шахслардан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари Ички аудит бошқармаси ва Ўз хавфсизлиги бошқармаси бўлимлари ходимларини, Худудлараро инспекция бошлиғи ва бошлиқ ўринбосарлари, Худудлараро инспекция Ўз хавфсизлиги бошқармаси бўлимлари ходимларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш Кўмита раисининг буйруғи билан амалга оширилади.</p> <p>Бироқ, “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Қонунга тегишли ўзгартириш киритилмасдан қолган.</p>

3.	<p>5-модда. Давлат солиқ хизмати органларининг ҳуқуқлари Давлат солиқ хизмати органлари ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:</p> <p>15) тахмин қилинаётган солиқ солинадиган фойдадан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилган юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи суммаси ҳисобот даври учун бюджетга тўланиши лозим бўлган юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи Тўлдирилмоқда. суммасига нисбатан 10 фоиздан кўпроқ камайтирилган тақдирда, жорий тўловларни юридик шахслардан олинадиган <i>фойда солигининг</i> ҳақиқий суммасидан келиб чиқиб, пеня ҳисоблаган ҳолда қайта ҳисоблаш;</p>	<p>5-модда. Давлат солиқ хизмати органларининг ҳуқуқлари Давлат солиқ хизмати органлари ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:</p> <p>15) тахмин қилинаётган солиқ солинадиган фойдадан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилган юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи суммаси ҳисобот даври учун бюджетга тўланиши лозим бўлган юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ва мол-мулк солиғи суммасига нисбатан 10 фоиздан кўпроқ камайтирилган тақдирда, жорий тўловларни ушбу солиқларнинг ҳақиқий суммасидан келиб чиқиб, пеня ҳисоблаган ҳолда қайта ҳисоблаш;</p>	<p>Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 апрелдаги 320-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси тўғрисида Низом”нинг 14-банди 33-хатбошиси ҳамда “Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекцияси тўғрисида Низом”нинг 12-банди 20-хатбошисига асосан, улар ўз ваколатлари доирасида юридик шахсларнинг фойда солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, мол-мулк солиғи бўйича жорий тўловлар суммаси ҳисоб-китоб бўйича бюджетга тўланадиган солиқ суммасига нисбатан 10 фоиздан кўпроқ камайтирилган тақдирда, жорий тўловларни солиқларнинг ҳақиқий суммадан келиб чиқиб, пеня ҳисоблаган ҳолда қайта ҳисоблаш ҳуқуқига эга.</p>
4.	<p>5-модда. Давлат солиқ хизмати органларининг ҳуқуқлари Давлат солиқ хизмати органлари ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:</p> <p>16) бозорлар, савдо комплекслари ҳудудларида ва уларга туташ бўлган автотранспорт воситаларини вақтинча</p>	<p>5-модда. Давлат солиқ хизмати органларининг ҳуқуқлари Давлат солиқ хизмати органлари ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:</p> <p>16) бозорлар, савдо комплекслари ҳудудларида ва уларга туташ бўлган автотранспорт воситаларини вақтинча</p>	<p>Солиқ кодексининг 136-моддасига асосан солиқ органлари солиқ назоратини: 1) солиқ текширувлари; 2) солиқ мониторинги шаклида амалга оширади. Ушбу кодекснинг 137-моддасига асосан солиқ органлари солиқ текширувларининг: 1) камерал солиқ текшируви; 2) сайёр солиқ</p>

	<p>сақлаш жойларида бир марталик йиғимлар, ижара ҳақи тўлиқ тушиши ва уларнинг топширилиши ҳисобга олинишига, фискал хотирали назорат-касса машиналаридан, тўловларни пластик карточкалар асосида қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларидан фойдаланилишига, шунингдек савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларига риоя этилишига оид қисқа муддатли текширувлар ўтказиш;</p>	<p>сақлаш жойларида бир марталик йиғимлар, ижара ҳақи тўлиқ тушиши ва уларнинг топширилиши ҳисобга олинишига, фискал хотирали назорат-касса машиналаридан, тўловларни пластик карточкалар асосида қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларидан фойдаланилишига, шунингдек савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларига риоя этилишига оид текширувлар ўтказиш;</p>	<p>текшируви; 3) солиқ аудити турларини ўтказди.</p>
5.	<p>6-модда. Давлат солиқ хизмати органларининг мажбуриятлари Давлат солиқ хизмати органлари: 20) ундирувни солиқ тўловчига унинг дебиторларидан ўтказилиши лозим бўлган суммага қаратиши;</p>	<p>6-модда. Давлат солиқ хизмати органларининг мажбуриятлари Давлат солиқ хизмати органлари: 20-банд чиқарилмоқда.</p>	<p>Солиқ кодексида ва “Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тўғрисида Низом”да ундирувни дебиторга қаратиш бўйича қоидалар назарда тутилмаган ҳамда тартиби белгиланмаган.</p>
6.	<p>7-модда. Давлат солиқ хизмати органларининг бошқа органлар ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги Банк айби билан солиқ тўловчи миқдорнинг ёки давлат солиқ хизмати органининг солиқларни ўтказиш ҳақидаги топшириги бажарилмаган (бажариш кечиктирилган) тақдирда банк ва бошқа молия-кредит ташкилотидан ҳар бир кечиктирилган кун учун ўтказилмаган солиқлар суммасининг 0,5 фоизи миқдоридан</p>	<p>7-модда. Давлат солиқ хизмати органларининг бошқа органлар ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги Банк томонидан солиқ (йиғим), бўнак тўлови, пеня ва жарима суммасини ўтказиш тўғрисидаги солиқ тўловчининг топшириқномасини, солиқ органининг инкассо топшириқномасини бажармаслик (бажарилишини кечиктириш) – Ўзбекистон Республикаси Марказий</p>	<p>Солиқ кодексининг 228-моддасига асосан, банк томонидан солиқ (йиғим), бўнак тўлови, пеня ва жарима суммасини ўтказиш тўғрисидаги солиқ тўловчининг топшириқномасини, солиқ органининг инкассо топшириқномасини бажармаслик (бажарилишини кечиктириш) – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаштириш ставкасининг бир юз эллиқдан бир қисми миқдоридан, лекин кечиктирилган ҳар бир календарь кун</p>

	<p><i>белгиланган тартибда пеня ундирилади.</i></p>	<p>банки қайта молиялаштириш ставкасининг бир юз элликдан бир қисми миқдорда, лекин кечиктирилган ҳар бир календарь кун учун ўтказилмаган сумма бир фоизининг бешдан бир қисмидан кўп бўлмаган миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.</p>	<p>учун ўтказилмаган сумма бир фоизининг бешдан бир қисмидан кўп бўлмаган миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.</p>
<p>ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИ</p>			
7.	<p>39¹-модда. Терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар Терговга қадар текширув куйидагилар томонидан амалга оширилади:</p> <p>11) Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари — бозорлар, савдо комплекслари ҳудудларида ва уларга туташ бўлган автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларида аниқланган молиявий-иқтисодий ва солиқ соҳаларидаги ҳуқуқбузарликларга доир ишлар бўйича.</p>	<p>39¹-модда. Терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар Терговга қадар текширув куйидагилар томонидан амалга оширилади:</p> <p>11) Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ хизмати органлари — бозорлар, савдо комплекслари ҳудудларида ва уларга туташ бўлган автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларида аниқланган молиявий-иқтисодий ва солиқ соҳаларидаги ҳуқуқбузарликларга доир ишлар бўйича.</p>	<p>“Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 апрелдаги 320-сон қарори иловаси билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тўғрисида Низом”га асосан бозорлар ва савдо комплексларининг молия-хўжалик фаолияти, улар томонидан солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш ҳамда уларнинг ҳудудида аниқланган ҳуқуқбузарликлар бўйича терговга қадар текширув ўтказиб, жиноят ишларини терговга тегишлилигига кўра ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга топшириш давлат солиқ хизмати органларининг асосий</p>

вазифалари ва ваколатларини амалга оширишдаги ҳуқуқларидан биридир.

Бироқ, Президентнинг 2018 йил 26 июндаги “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3802-сон Қарорига асосан Давлат солиқ хизмати органлари ходимлари фаолиятида коррупциявий жиҳатларга барҳам бериш мақсадида **Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш бош бошқармаси** ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари тугатилган.

Шунга қарамасдан, бугунги кунга қадар ЖПКга тегишли ўзгартириш киритиш масаласи ҳал этилмаганлиги боис, қайд этилган йўналишда давлат солиқ органлари ваколатлари доирасида терговга қадар текширувни ўтказиш бўйича номувофиклик ҳолати ва исталган ходим томонидан бу ваколатни суиистеъмол қилиш имконияти юзага келган. Ўз навбатида бу ҳолат мазкур йўналишда давлат солиқ хизмати ходимлари томонидан ўтказилган терговга қадар текширув натижасида олинган далилларни суд томонидан ЖПКнинг 95¹-моддаси 1-қисми 4-бандига асосан (жиноят иши бўйича процессуал ҳаракатнинг мазкур жиноят ишини юритишни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан бажарилиши

			натijasida) далил сифатида мақбул эмас деб топилишига сабаб бўлиши мумкин.
Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 апрелдаги 320-сон қарори иловаси билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тўғрисида Низом”			
8.	<p>14. Қўмита ўзига юкланган вазифа ва функцияларни амалга ошириш учун ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:</p> <p>34) бозорларда, савдо комплексларида ва уларга туташ бўлган автотранспорт воситаларини вақтинчалик сақлаш жойларида бир марталик йиғимнинг тўлиқ тушганлигини ва уни топшириш ҳисобини, ижара тўловини, назорат-касса машиналаридан, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса онлайн назорат-касса машиналари ёки виртуал кассалардан фойдаланилишини, ҳисоб-китоб терминалларини, савдо ва хизматлар кўрсатиш қоидаларига риоя этилишини белгиланган тартибда қисқа муддатли текширишларни амалга ошириш, шу жумладан нақд пул маблағлари ёки пластик карточкалар бўйича тўлов шаклига қараб нархларни сунъий равишда ошириш ёки пасайтириш, шунингдек, белгиланган тартибда талонлар ва чекларни бериш,</p>	<p>14. Қўмита ўзига юкланган вазифа ва функцияларни амалга ошириш учун ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:</p> <p>34) бозорларда, савдо комплексларида ва уларга туташ бўлган автотранспорт воситаларини вақтинчалик сақлаш жойларида бир марталик йиғимнинг тўлиқ тушганлигини ва уни топшириш ҳисобини, ижара тўловини, назорат-касса машиналаридан, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса онлайн назорат-касса машиналари ёки виртуал кассалардан фойдаланилишини, ҳисоб-китоб терминалларини, савдо ва хизматлар кўрсатиш қоидаларига риоя этилишини белгиланган тартибда текширишларни амалга ошириш, шу жумладан нақд пул маблағлари ёки пластик карточкалар бўйича тўлов шаклига қараб нархларни сунъий равишда ошириш ёки пасайтириш, шунингдек, белгиланган тартибда талонлар ва чекларни бериш, нақд</p>	<p>Солиқ кодексининг 136-моддасига асосан солиқ органлари солиқ назоратини: 1) солиқ текширувлари; 2) солиқ мониторинги шаклида амалга оширади.</p> <p>Ушбу кодекснинг 137-моддасига асосан солиқ органлари солиқ текширувларининг: 1) камерал солиқ текшируви; 2) сайёр солиқ текшируви; 3) солиқ аудити турларини ўтказди.</p>

	нақд тушумни ўз вақтида ва тўла ҳажмда инкассация қилиш (банкларга топшириш) масалалари юзасидан текширувлар ўтказиш.	тушумни ўз вақтида ва тўла ҳажмда инкассация қилиш (банкларга топшириш) масалалари юзасидан текширувлар ўтказиш.	
Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 апрелдаги 320-сон қарори иловаси билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органларида хизматни ўташ тўғрисида Низом”			
9.	24. Мансабдор шахслар Солиқ органларининг ички меҳнат тартиби қоидаларига риоя этишга, <i>шунингдек, формали кийим-бош кийиб юришга</i> мажбурдирлар.	24. Мансабдор шахслар Солиқ органларининг ички меҳнат тартиби қоидаларига риоя этишга мажбурдирлар.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 июлдаги “Давлат органлари ходимларининг формали кийим-бош кийиб юриши тартибини мақбуллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4394-сон Қарорига асосан Давлат солиқ кўмитасининг ходимлари учун солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш, солиқ назоратини амалга ошириш ва солиқ қарздорлигини ундириш вақтида идентификация рақамли металл жетонни тақиб юриш қоидаларини жорий қилиш ҳамда тантанали ва кундалик формали кийим-бош кийиб юриш тартибини бекор қилиш белгиланган.

